



LISONIY MEROS VA ONA TILI TARAQQIYOTI


mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

LISONIY MEROS VA ONA TILI TARAQQIYOTI

mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari



TOSHKENT – 2019

UDK: 4a4. 375.

KBK: 81.633.1

L: 80

Mazkur to'plam "Lisoniy meros va ona tili taraqqiyoti" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjumaniga tilshunos olimlar, tadqiqotchilar, magistrantlar va talabalar tomonidan yuborilgan materiallaridan tashkil topgan. Undagi maqolalar ona tilimizning betakror lisoniy meros ekanligi, ushbu sohadagi ilmiy maktablarning roli va ahamiyati, tilimizga xos xususiyatlar va o'zbek xalq shevalarining betakror jihatlari to'g'risidadir.

To'plamdagi ma'lumotlarning ishonchliligi mualliflar zimmasidadir. Mazkur to'plam o'zbek adabiy tili, o'zbek tilidagi ilmiy maktablar va o'zbek xalq shevalari bilan qiziqqan, shu sohalarda ilmiy kuzatishlar olib borayotgan mutaxassislar, tadqiqotchilar, magistrantlar, bakalavr yo'nalishi talabalari hamda keng ilmiy jamoatchilikka mo'ljallangan.

Taqrizchilar:

filologiya fanlari doktori, professor Z. Xolmanova.

filologiya fanlari doktori, professor N.Husanov.

filologiya fanlari doktori, professor T. Enazarov.

Mas'ul muharrir:

filologiya fanlari doktori, professor A. Sobirov.

Ushbu to'plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Kengashining 2019-yil 27-apreldagi 9-sonli qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИ

Ш.Сирожиiddинов

(ТошДУТАУ ректори, филология фанлари доктори, профессор)

Ўзбек халкининг буюк мутафаккир шоири Алишер Навоий ўз даврида: “Тухм ерга тушиб чечак бўлди, Қурт жондин кечиb ипак бўлди. Лола тухмича ғайратинг йўқму?! Пилла куртича химматинг йўқми?! – деб айтган эди. Бу сатрларда инсонни ҳаёт деб аталмиш улуғ неъматдан баҳра олишга ундаш, яшаш учун ҳаракат қилиш зарурлиги тўғрисидаги гоёлар яшириниб ётганлиги ҳаммамизга аён. Қайси халқ ўз тараққиёти учун астойдил ҳаракат қилса, тинмай курашса, албатта, зафарга, толега эришишига тарих гувоҳдир.

Биз буни яна ўта қисқа фурсат ичида ўзининг асрий миллий кадриятлари ва жаҳоннинг илғор тажрибаларига асосланиб, дунёдаги бошқа халқлар билан бўйлашиш, ўзининг куч-қудратини намойиш эта олиш даражасига бориб етган жонажон юртимиз – мустақил Ўзбекистон мисолида яққол қуриб турибмиз.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига “Мурожаатномаси”да таъкидланганидек: *“Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эрганги кунга ишончи ўсиб бормоқда”*.

Бунда Ҳукуматнинг, барча соҳалар қатори, таълим-тарбия соҳасини ҳам ислоҳ қилишга йўналтирилган одилona сиёсати муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, “2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш Дастури”нинг қабул қилиниши ва мамлакатимизда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари сонининг 90 тадан ошганлиги, ҳудудлардаги филиаллар сонининг 20 тага, хорижий университетлар филиалларининг 7 тага қўпайгани, шулар қаторида Олмалиқ шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институти, Тошкент шаҳрида АҚШнинг Вебстер университети филиалларининг ташкил этилиши бўйича келишувларга эришилганлигини; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимининг такомиллаштирилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. “Мурожаатнома”да таъкидлаб ўтилганидек: *“Буларнинг барчасидан биз ягона бир мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Яъни Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”*.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз ўз халқи ва юртига фидойи, ватанпарвар Президентимиз бошчилигида ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида туб ўзгаришлар содир қилмоқда. Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги сифат босқичини бошидан ўтказмоқда.

2016 йилнинг 13 май куни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилишини нафақат

минтақамизда, балки бутун дунё миқёсида амалга оширилган оламшумул ишлардан бири бўлди, десак асло янглишмаймиз. Ҳукуматимиз ўз она тили ва адабиётини қандай асраб-авайлаш, унга нисбатан қандай муносабатда бўлиш кераклигини бутун жаҳон афкор оммасига ибрат бўлгудек даражада намойиш этди. Она тили ва адабиётнинг ривожланиши, тараққий этиши учун бу қадар кенг имкониятлар эшигини очиб берган, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган давлат ер юзида камдан-кам топилади.

Буни дилдан ҳис қилган халқимиз орасида “Миллат ва маънавият университети” сифатида талкин этилаётган жамоа ўтган бир ярим йил ичида зиммасига юклатилган шарафли ва айни пайтда масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажаришга интилиб яшади.

Университет жамоаси учун *“Глобллашув даврида ўзбек тили, адабиёти, фольклори ва таржимашунослигининг ўзига хос бетақрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболли йўналишлари”* мавзуси устувор илмий-тадқиқот йўналиши этиб белгиланган. Шу асосда университетнинг 2017-2020 йилларга мўлжалланган *“Ривожлантириш концепцияси”* ишлаб чиқилган.

Жамоа узлуксиз таълим тизими учун замонавий педагогик ва ахборот технологиялари билан қуролланган мукамал билим ва қобилиятга эга бўлган кадрларни тайёрлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга етук таржимонларни тарбиялаб вояга етказиш йўлида фидойилик билан меҳнат қилди. Университетда очилган “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)”, “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш”, “Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти” таълим йўналишларида “Навоийшунослик”, “Таълим босқичларида Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш”, “Давлат тилида иш юритиш”, “Компьютер лингвистикасига кириш”, “Ўзбек тили ва адабиёти таълимида замонавий ахборот технологиялари”, “Ўзбек тили ўқитишнинг психолингвистик асослари”, “Интеграллашган инглиз тили”, “Машина таржимаси”, “Корпусга асосланган таржимашунослик” каби 50 дан ортик фанлар янгиланди. Қўшимча 25 та танлов фанлари киритилди. Бу миқдор ўқув режасидаги фанларнинг сал кам ярмини ташкил этади. Шунингдек, мавжуд учта магистратура мутахассислигида 8 та (37 фоиз) фан янгиланди. Ҳар бир фан бўйича ишчи дастурлари, ўқув-методик мажмуалар ишлаб чиқилди. Мазкур фанлар Ўзбекистон таълим тизимида илгари мавжуд бўлмаганлиги билан эътиборлидир.

Университет жамоаси ўзбек тили ва адабиётини глобал ахборот тизимига киритиш, узлуксиз таълим тизими учун ўзбек тили ва адабиёти бўйича дарс ишланмаларини компьютер ўйинлари воситасида ташкил этиш, интернетда ўзбек тили корпусини яратиш, аудиоадабиётлар (аудиокитоблар) базасини ташкил этиш борасида катта саъй-ҳаракатларни бошлаб юборган.

Бугунги кунда университетдаги мавжуд учта факультетда 1800 га яқин нафар бакалавр ҳамда тўртта магистратура мутахассислигида 28 нафар магистр таҳсил олмақда. Уларга 30 га яқин фан доктори, профессор ва 50

дин ортиқ фан номзодлари, доцентлар сабоқ бермоқда. Илмий салоҳият 64 фонзни ташкил этади.

Ўзбек тили ва адабиётининг долзарб масалаларига бағишлаган илмий-ималий анжуманларни ташкил этиш, уларда она тилимиз ва адабиётимиз бўйича ҳал этилмаётган муаммоларга ечим топиш, хорижлик мутахассисларни мамлакатимиздаги соҳа олимлари билан биргаликда самарали ишлар олиб бориш университет жамоаси олдида турган устувор йўналиш саналади. Масалан, ўтган йили 2017 йилда 10 та илмий-амалий анжуманлар ташкил этилган. 2018 йилда уларнинг миқдори 12 гага етди ва улардан 3 таси халқаро миқёсда ўтказилди. Университетда 7 та илмий лабораториялар ташкил этилган. “Олтин битиклар”, “Ўзбекистон: тил ва маданият” журналлари фаолияти йўлга қўйилди. Келгусида “Uzbek studies” халқаро электрон ҳамда “Адабиётшунослик олами” журналларини очиш ишлари бошлаб юборилган. Жамоа аъзолари Республикамизда фаолият олиб бораётган 14 та ҳудудий университетлар талабалари ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммад Юсуф номидаги махсус мактаблар, Тошкент шаҳридаги Республика филологияга ихтисослашган мактаб ўқувчилари билан яқиндан алоқа боғлаш, истеъодларни аниқлаш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш вазифасини ҳам ўз зиммасига олган. Қолаверса, “Мурожаатнома”да айтилганидек: “Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд кўлэзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди”.

Шунингдек, университетни соҳа бўйича жаҳон марказига айлантириш, Ўзбек адабиётшунослари ассоциациясини тузиш, Ўзбек тили ва маданияти маркази (Навоий институтлари)ни ташкил этиш, Ўзбекшунослик лингвистик илмий-тадқиқот марказини очиш, Ўзбек халқи маънавий ҳаётини ўрганиш маркази фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ҳам тегишли ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсад йўлида Америкадаги 16 та, Европадаги 16 та, Осиёдаги 15 та, Россия Федерациясидаги 22 та, жами 69 та олий таълим муассасалари ва академиялари билан халқаро алоқалар ўрнатиш бўйича шартномалар тузилмоқда. Бу соҳада анжуманлар муҳим ўрин тутди, деб ўйлайман.

Буларнинг барчаси миллат маънавияти ва тафаккурининг мангу ифодаси саналган ўзбек тили ва адабиёти ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилиши табиий.

“Лисоний мерос ва она тили тараққиёти” деб номланган анжуман ҳам қилаётган ишларимиздан нишона саналади.

САИДЗОДА УСМОНОВ ВА ИРИСТОЙ ҚЎЧҚОРТОВЕВНИНГ ИЛМИЙ МАКТАБЛАРИ

С. Аширбоев

(ТошДУТАУ профессори,

Филология фанлари доктори)

1970 йили Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да илк бор олий мактаб профессор-ўқитувчилари учун ўзбек тили бўйича ыайта тайёрлаш факультети очилди. Бизнинг институтимиздан мен ва Саидниёзов Абдурахим ака шу факультетга жўнатилганмиз. 4 ой ишдан ажралган ҳолда шу факультетда таҳсил олдик. Ҳар куни 6 соат машғулот бўлар эди. Буни карангки, бизга таниқли профессорлар А. Гуломов, Ф. Абдуллаев, Ш. Раҳматуллаев, профессор вазифасини бажарувчи И. А. Киссен, ўша пайтларда ёшроқ, лекин истейдодли бўлган олимлар М. Миртожиев, И. Қўчқортоевлар маъруза ўқир эдилар. Сўзсиз, ўзбек миллатининг фахри А. Гуломовнинг сабоқлари бизни ром қилар эди. Илмий дунёқарашининг кенглиги, юксак зиёлилиги, башанг кийиниши, бўрни моҳирона қоғозга ўраши, тахтадан унумли фойдаланиши, ҳозирги терминология билан айтганда, “ақлий хужум”, “ҳамкорлик педагогикаси” технологияларини усталик билан қўллаши бизда улкан таассурот қолдирган эди. Айюб ака малака ошириш курсига кураторлик ҳам қилар эдилар. Бир куни у бизга ёш домлани бошлаб кирдилар-да: “Энди сизлар лексикани компонент таҳлил қилиш методи, бадий асар тили, тилшунослик тарихи масалалари бўйича маърузаларни Иристойдан эшитасизлар,”- деди ва менинг олдимга келиб (доим биринчи партада ўтирар эдим): “Аширвой (домла мени шундай қақирар эди), бу аканг ҳам Чимкентдан,”- деди ва чиқиб кетди. Биз дастлаб Иристой акага менсимай қарадик, чунки бизнинг орамизда ёши 50лардан ошганлар, қолаверса, умумий тилшуносликдан, услубшуносликдан дарс берадиган домлалар анчагина эди. Унинг устига Иристой аканинг овози ҳам биз ўрганиб қолган домлаларникидай эмасди. Аммо, икки-уч кун ичида биз уни ўзимизга янгидан кашф эта бошладик, негаки, бу зукко олим машғулотларга катта тайёргарлик билан келар, ҳар биримизни мунозарага чорлар ва бунда ўзини бизнинг ўртоғимиздек тутар эди. Бундай меҳнатқашлик бизнинг унга бўлган ҳурматимизни ошириб юборган эди.Барибир, бу ўқиш жараёнида биз яқиндан таниша олмадик.

Йиллар ўтиб, у деканлик қилаётган даврда мен докторлик диссертациямнинг авторефератини кўтариб бордим. Ўзимни таништирмакчи бўлиб энди оғиз жуфтлаган эдим: “Самиғ, мунча расмий бўлмасанг,”- деб гапимни бўлиб қолса бўладими! Мен ҳеч вақт у билан суҳбатда бўлган эмасман, бирон-бир мажлисларда ҳам бирга қатнашганимни эслай олмайман. Унинг юқоридаги самимий гапидан жуда хурсанд бўлиб кетдим. Бунинг боиси шунда эдики, автореферат тарқатаётган кунларда химояга алоқаси бор олимларнинг аксариятида негадир менга нисбатан холис муносабат

созилган эдим ва бу ҳол менга руҳий жиҳатдан азоб берар эди. Бундай ноҳоллис кайфият ҳимоя жараёнида ҳам юз берган эди. Иристой ака авторрефератни бир четга суриб қўйди-да: «Мен барча ишларингни кузатиб юрилман. яхши иш қилибсан. Алишер Навоийнинг фонетикаси, лексикаси, морфологияси ишланган эди. Мана сен синтаксисини ишладинг, демак, Алишер Навоий тили бўйича эндиликда тўлиқ илмий асосга эга бўлдик. Ҳимояда лозим топилса, сўзга ҳам чиқаман,»- дедилар. Бу гап мени қидрдонлаштириб юборган эди, Мана шу қисқа муддатли суҳбат мен учун эски қидрдонлардек қувватга эга бўлди Ҳимоя чоғида Иристой аканинг сўзга чиқишига ҳожат қолмади, лекин у ўз хайрихоҳлиги билан менга далда бўлган эди....Барибир, кейинчалик ҳам биз яқинлашиб кетолмадик, бунга Иристой аканинг халқаро фаолияти, хизмат вазифаларимизнинг тўқнаш келмагани сабаб бўлди, шекилли, бироқ ғойибона бўлса ҳам, орамиздаги симимият сақланиб қолган эди.

Аллоҳ ўз раҳматиға олган бўлсин.

Саидзода Усмонов 1922 йил 22 апрелда Бошқирдистонда туғилган, лекин унинг болалик йиллари Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ўтган ва ўрта ўзбек мактабини шу туманда тамомлаб, 1939 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирган. 1946 йилда ўзи таҳсил олган институтнинг ўзбек тилшунослиги кафедраси аспирантурасини ўтаган, шу билан унинг илмий фаолияти бошланди ва бутун умри давомида унинг фаолияти ушбу даргоҳда ўтди. У “Тилшуносликка кириш”, “Ҳозирги ўзбек тили”, “Умумий тилшунослик” фанларидан маърузалар ўқиш билан бирга, кенг камровли илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Дастлаб 1953 йилда “Ҳозирги замон ўзбек тилида ундовлар” деган мавзуда номзодлик диссертациясини, 1964 йилда эса “Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу ишлари билан С. Усмонов тилшуносликдаги ўзининг илмий мактабиға асос солган эди.

Саидзода Усмонов ўзбек тилшунослигининг лексикология ва морфологияси бўйича етук мутахассис эди. Унинг ўзбек лексикологиясига оид омонимлар, синонимлар, антонимлар, метафораға бағишланган мақолалари, “Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари” рисоласи фанимизда аниқлик талаб қилинадиган масалаларни ҳал қилишға қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлган.

Саидзода Усмоновнинг ўзбек тили морфологияси соҳасидаги тадқиқотлари ўзининг оригиналлиги билан алоҳида диққатға сазавордир. Турли нашрларда эълон қилинган “Сўз ва унинг морфологик структураси ҳақида”, “Ундовлар”, “Феълнинг функционал формалари ҳақида”, “Сўз ясовчи аффиксоидларға оид”, “Сўзнинг морфематик ва функционал анализи ҳақида”, “Ўзбек тилида сўз формалари”, “О морфологическом анализе слова и его грамматические формы в современном узбекском языке” каби ишлари туркий тиллардаги агглютинация назариясидан келиб чиқиб ёзилди ва улар

Ўзбек тилшунослигида илк бор илгари сурилганлиги учун ҳам илмий жамаотчиликка анча йилларгача ўзлашиши кийин кечди.

Саидзода Усмонов Ўзбекистонда умумий тилшуносликни ривожлантиришга улкан хисса қўшди. У 1967 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида “Умумий тилшунослик” кафедрасини ташкил этди. Бу даврда Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг бирортасида ҳам бундай кафедра фаолият кўрсатмаган. Бу фаннинг маърузаларини ўзбек ва қозоқ гуруҳларида ўзи ўқиди. Шу соҳада ижод қилиб мақолалар ёзди ва “Умумий тилшунослик” дарслигини яратди. Таъкидлаш жоизки, бу дарслик рус тилидаги мавжуд дарсликлар, монография ва илмий ишларнинг шунчаки синтези эмас, балки асарда таҳлил қилинган ҳар бир масала унинг томонидан ижодий ишланган ва ривожлантирилган эди.

С. Усмонов тилшуносликнинг турли соҳаларига қўл ура олган йирик мутахассис эди. Унинг юқорида таъкидланган ўзбек тили морфологик тизимига бағишланган ишлари йирик туркологлар томонидан тан олинган, жумладан, машҳур турколог олим Э. В. Севортян унинг тадқиқотларини оригинал тадқиқот дед атаган. (Қаранг: “Туркологический сборник” 1971, б. 132)

С. Усмонов ўз қарашларидаги ғояларни шогирдларининг тадқиқотларида амалга оширишга ҳам эришган.

Устознинг ўбек тилидаги сўзнинг синтетик ва аналитик шакллари тўғрисидаги қарашлари фан номзоди, профессор **Р. Икромова** томонидан ривожлантирилди.

Устознинг ўзбек тили лексикологияси бўйича изланишлари фан номзоди, доцент **Н. Исмагуллаев**нинг ўзбек тилидаги эвфемизм ва кокофемизмлар тадқиқида ривожлантирилди.

Устознинг ўзбек шевалари тўғрисидаги режалари фан номзоди, доцентлар **А. Маматқулов**, **Ш. Эгамбердиевалар** тадқиқотларида амалга оширилди.

Устознинг ўзбек тилшунослиги тарихи бўйича ўй-фикрлари **С. Аширбоев**нинг номзодлик диссертацияси учун асос қилиб олинди.

С. Аширбоев устоз орзу-умидларини ушалишида собит қадамлик қилиб, илмий тадқиқотларини давом эттирди ва у ҳам ўзига яраша мактаб яратишга муяссар бўлди. Ўзбек тилшунослигининг XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги тарихини ёритиш уни кейинчалик бевосита тил тарихи масалалари бўйича йирик илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш сари бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ “Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг маъно ва таркибий хусусиятлари” деган мавзуда докторлик диссертацияси тайёрланди ва 1990 йилда ҳимоя қилинди. Бу мавзу бўйича 2 монография, 1 рисола ва 30дан ортиқ мақолалар элон қилди.

С. Аширбоевнинг илмий фаолияти тўрт йўналишда давом этмоқда:

1. **Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси.** Бу соҳада докторлик диссертацияси ва юқорида кайд қилинган илмий тадқиқотларни амалга оширди;

2. **Ўзбек тилшунослиги тарихи.** Бу соҳада “Ўзбек тили грамматик қурилишининг ўрганилиш тарихи” мавзусида номзодлик диссертациясини ёзди ва 20-йиллар ўзбек тилшунослиги, хусусан, Абдурауф Фитратнинг тилшунослик қарашлари бўйича 10га яқин мақолалар эълон қилди.

3. **Ўзбек диалектологияси.** Бу соҳада “Ўзбек диалектологияси” қўлланмаси ва уни такомиллаштириб, шу номда дарслик (2016) нашр қилди ва мақолалар эълон қилди.

4. **Таълим назарияси ва амалиёти.** Бу борада 33 бакалаврият йўналиши ва 66 магистратура мутахассислиги Давлат таълим стандартлари иратди ва 10дан ортиқ мақола ёзди.

С Аширбоевнинг бу соҳалардаги илмий-тадқиқот ишлари шоғирдлари томонидан янада ривожлантирилди:

1-йўналиш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси ва тил тарихи масалалари бўйича:

1. **И. Азимов** “Алишер Навоий насрий асарларидаги бир бош бўлакли гаплар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2. **М. Раҳматов** “Алишер Навоий насрий асарларида форсий боғловчи гаплар” мавзусида номзодлик диссертациясини ёзди ва ҳозирги кунда Алишер Навоий поэтик асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича докторлик диссертациясини тайёрламоқда.

3. **М.Тожибоева** “Алишер Навоийнинг “Илк девон”идаги арабча сўзларнинг лексик-семантик талқини”мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2-йўналиш. Ўзбек тилшунослиги тарихи бўйича:

1. **Қ.Қодиров** “Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан(20-йиллар ўзбек тилшунослиги материаллари асосида)” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

2. **Н.Янгйбоева** “ XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тилшунослиги жараёни (“Маориф ва ўқитғучи” журнали материаллари асосида)мавзусидаги номзодлик диссертациясини тугаллади.

3-йўналиш. Ўзбек диалектологияси бўйича:

1. **З.Ибрагимова** “Қорақалпоғистон ўзбек шевалари қишлоқ хўжалигига оид лексикани лингвистик география методида ўрганиш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2. **З. Хидралиева.** “Ўзбек тилининг Иқон шеваси” бўйича тадқиқот ишини олиб бормоқда.

4-йўналиш. Таълим назарияси ва амалиёти бўйича:

1. **С. Адилова** “Олий таълим русийзабон гуруҳларида ўзбек тилини компьютер воситасида ўқитиш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2. П. Лутфуллаев “Олий таълимда сифат ва рақобатбардошликни таъминлаш йўллари: бенчмаркин” мавзусини якунлаб, диссертация химоя қилди.

Албатта, санаб ўтилган шогирдлар томонидан бевосита профессор Саидзода Усмоновнинг руҳини шод айлаган бўлсин.

“СОХИБҚИРОН САРКАРДАЛАРИ” ЛУҒАТИНИНГ ТУЗИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Х. Дадабоев

*(ТошДУТАУ профессори,
филология фанлари доктори)*

Амир Темурнинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шухрат козонишида етакчи омил ҳисобланган жиҳат – саркардалик даҳоси, ҳарбий маҳорати ва истеъдоди, дунё ҳарбий санъатига қўшган беқиёс улуши тўғрисида кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар, тарихий, илмий, бадиий асарлар мавжудлигига қарамасдан, бу йўналишдаги тадқиқотларни муттасил олиб бориш Соҳибқироннинг ҳарбий иш соҳасидаги янгидан-янги хусусиятларини кашф этишга хизмат қилади.

Амир Темурнинг жаҳон аҳлини ҳайратга солган ҳарбий зафарларига, албатта, фақат Аллоҳ томонидан иноят қилинган лашкарбошилиқ салоҳияти маҳсули сифатидагина қарамасдан, балки ўз даври учун фавқуллода замонавий ҳисобланган қурол-яроғ, аслаҳалар билан таъминланган, илғор жанг олиб бориш тактикаси ва амалиётларини мукамал эгаллаган ўта интизомли армияни шакллантириш натижаси тарзида баҳолаш объектив ҳақиқатга мос тушади.

Асосий қарвон йўллари устидан қатъий назорат ўрнатиш, мамлакат куч-қудратини юкори даражага олиб чиқиш, омма турмуш тарзини кўтариш сингари эзгу мақсадлар йўлида Соҳибқирон XIV-XV асрларда ҳам стратегик, ҳам тактик нуқтаи назардан монанди йўқ тезкор ҳарбий кучлари билан сонсиз жангу жадалларда қатнашди, беҳисоб ғалабаларни қўлга киритди.

Амир Темур 35 йил давомида олиб борган ҳарбий юришларида қўшиннинг турли бўлинма ва қисмларини бошқарувчи истеъдодли саркардаларни танлаш, уларни тарбиялаб, воя етказишга алоҳида куч сарфлади.

Ҳарбий ишнинг мураккаб сир-асрорларидан тўла хабардор бўлган, душман сафларини синдириш усулларини пухта эгаллаган, қийин вазиятларда ҳам дадил ҳаракат қиладиган, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни уддабуронлик билан бартараф этадиган, режа ва мақсадларнинг рўёбга чиқиши йўлида жонини ҳам беришга тайёр фидойи ва содиқ шахсларни Амир Темур, биринчи навбатда, қўшинда мавжуд лашкарбошилиқ лавозимларига лойиқ топар, аскарлар тақдирини уларга топширар эди.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур барпо этган қудратли армиянинг турли-туман бўлинма ва қисмларига уч юз ўн уч бек

қўмондонлик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси юзбегилик, учинчи юзтаси мингбегилик мансабига тайинланган. Туман, яъни ўн минг жангчидан ташкил топтирилган дивизияларга Соҳибқироннинг ўғиллари, набиралари, сафдошлари, қариндошлари ва уларнинг фарзандлари бошчилик қилган. Соҳибқирон тузган армияда хизмат қилган саркардалар таркибини шартли равишда тўрт гуруҳга тақсимлаш мумкин.

Биринчи гуруҳга Ҳазратнинг марказлашган давлат барпо этиш иддаоси билан сиёсат саҳнасига қадам қўйган вақтдан ҳаётининг сўнгги онларига қадар унга содиқ, ҳамфикр, ҳамнафас бўлган Сулаймонбек барлос, Жақубек барлос, Хусайнбек барлос, Сайфуддинбек нукуз, Довудбек дуғлат, Аббосбек қипчоқ, Муайядбек арлот, Окбуғабек найман, Шайх Алибек баҳодур, Ўлчибуғабек баҳодур, Эйгу Темурбек баҳодур сингари уруғ ва қавм раҳбарларини киритиш ўринли.

Иккинчи гуруҳдан Амир Темур тенгқурлари, дўстлари, содиқ сафдошларининг фарзандлари ўрин олган. Булар ичида Жақубекнинг ўғиллари Жаҳоншоҳ, Мизроб ва Зийрак, иниси Ғиёсуддин, набираси Бурундук, 1391 йилда Тўхтамишхон лашкари билан кечган тенгсиз жангда ҳалок бўлган Эйгу Темурбекнинг қондоши Шохмалик, Сарибуғабекнинг фарзандлари Бердибек, Шайх Нуруддин ва Ҳожибек, иниси Ўрусбуға, Аббосбек баҳодурнинг ўғиллари Али, Усмон, Умар, Шамсуддин, Ҳожи Абдуллоҳ, Сайфуддинбекнинг фарзандлари Абдулқарим, Абдуссамад, Сайфулмулк, Султон Санжар, Тоҳир, иниси Аллоҳдод, Тағойбуға барлоснинг ўғиллари Рустам, Лаълбек ва Пир Муҳаммад, Шайх Али баҳодурнинг фарзандлари Саййидхожа, Илёсхожа, Хизрхожа ва Хуббийхожа, Хусайнбек барлоснинг ўғли Худайдод, Окбуғабекнинг ўғиллари Ануширвон, Баён Темур, Темурхожа, Шайх Темур баҳодур, набираси Лутфуллоҳ каби кўпдан-кўп саркардалар алоҳида ўрин эгаллаган.

Учинчи гуруҳни Соҳибқироннинг фарзандлари, набиралари, яқин қариндошлари, туғишганлари ташкил этган. Чунончи, Жаҳонгир мирзо, Умаршайх мирзо, Амираншоҳ мирзо, Шохрух мирзо ва уларнинг пушти камаридан туғилган Муҳаммад Султон мирзо ва Пир Муҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо, Пир Муҳаммад мирзо, Рустам мирзо ва Искандар мирзо ибн Умаршайх мирзо, Абубақр мирзо, Умар мирзо ва Халил Султон мирзо ибн Амираншоҳ мирзо шулар жумласидандир. Шохрух мирзонинг ўғиллари ҳали ўта ёш бўлганлиги боис Амир Темурнинг ҳаётлик пайтида унинг аскарӣй қисмларига саркардалиқ қилолмаган. Ушбу гуруҳдан Темурбек кизи Ака(Ўга)бегининг ўғли, амирзода Султон Хусайн ҳамда опаси Қутлуғ Туркан оғаниннг Довудбекдан туғилган фарзанди амирзода Сулаймоншоҳ баҳодур ҳам ҳақли равишда ўрин олган.

Тўртинчи гуруҳга Соҳибқирон тузган улкан салтанат таркибига кирган қатор эл-юртларнинг ҳукмдорлари, саркардаларини киритиш ўринли. Хусусан, Али Султон Хуросонӣй, Кўча Малик, Муборакшоҳ Санжарӣй, Муҳаммад Султоншоҳ (Картий, Хуросонӣй), Сайфул Қандахорӣй, Тахуртан

Арзинжоний, Шайх Иброҳим Ширвоний, Шоҳ Али Фароҳий, Қаро Усмон туркман шулар жумласидандир.

Амир Темур қўмондонлар таркибини ҳарбий иш соҳасида юкори маҳорат ва малакага эга истеъдод эгалардан шакллантиришга жиддий эътибор қаратган. Ҳарб ишига қобилияти бор ҳар бир шахс, ижтимоий келиб чиқиши, жамиятда эгаллаган мавқеидан қатъий назар, лашкарбошилиқ рутбасига сазовор бўлган. Бундай истеъдод эгалари сирасига Вафодор, Мубашшир, Муҳаммад Озод меҳтар, Тобон баҳодур, Умар Тобон каби саркардаларни киритиш мумкин.

Бўлажак саркарда жуда ёшлиқдан ҳарбий санъатнинг сирлари, нозик қирралари билан яқиндан танишган, тажрибали мураббийлардан аскарый таълим борасида сабоқ олган, ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этган.

Соҳибқирон саркардалари мардлиги, матонати, жасурлиги, ғанимдан асло чўчимаслиги билан донг таратган, ўта қалтис вазиятларда ҳам лашкарни ўз ортидан эргаштириш, уларнинг қалбида ғалабага бўлган ишончни авж олдириш салоҳиятига эга бўлган.

Лашкарбошиларнинг жасорати, қаҳрамонлиги, довюраклиги, жанг чоғида турли ҳарбий-тактик амалиётларни моҳирона қўллаши Амир Темурнинг эътиборидан четда қолмаган. Музаффар саркардалар турфа инояту марҳаматларга лойиқ топилган, муносиб даража ва унвонлар билан шарафланган, турли тортиқ ҳамда суюрғоллар билан сийланган.

Амир Темур армиясида саркардаларнинг саваш пайтида бир ёкадан бош чиқариб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишлари, оғир, ҳавfli вазиятларда бир-бирига тезликда қўмакка келишлари аъло даражада йўлга қўйилган.

Соҳибқирон ўз лашкарбошиларини ўта қадрлаган, эъзозлаган ва уларнинг ҳурматини жойига қўйган. Бирор бир саркарданинг ҳаёти ҳавф остида қолган пайтда бор куч-ғайрати, қобилияти, тажрибасини хатарни бартараф этиш учун ишга солган.

Олий бош қўмондоннинг раҳномолиги, оталарча ғамхўрлиги туфайли вояга етган, ўрта асрнинг энг қудратли ва интизомли қўшинларидан бирини барпо этиш, оламшумул зафарларни қўлга киритишда унга мададкор бўлган темурий лашкарбошиларнинг ҳаёт йўлини асл манбалар асосида атрофлича ўрганиш, уларнинг суврат ва сийратига оид чизгилар билан бугунги авлодни яқиндан баҳраманд қилиш, пубҳасиз, Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ халқимизнинг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англаш, миллий ифтихорни шакллантириш ва такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган изчил хатти-ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқ.

Луғатдан номлари ўрин олган саркардаларга доир маълумотлар ҳажм жиҳатидан, табиий, бир-биридан фарқ қилади. Зотан, муайян лашкарбоши тўғрисидаги баённинг катта ёки кичиклиги шу шахсга тегишли маълумотнинг тарихий манбаларда нисбатан кенг ёхуд ўта қисқа берилгани билан изоҳланади. Айни чоғда, у ёки бу шахс ҳақида манбаларда мавжуд маълумотларнинг барчасини луғатда келтириш имкони йўқлигини ҳам таъкидлаймиз.

Луғатга киритилган саркардалар фаолиятига тааллуқли маълумотлар илфбо тартибиде келтирилган. Шу ўринда ўқувчи диққатини бир жиҳатга қиратишни мақсадга мувофиқ, деб билдик. Китобда ифодасини топган материалларни тегишли обидалардан тўплаш, тартибга солиш жараёнида у ёки бу саркарданинг исми, отасининг исми, қайси уруғ ёки қавмга мансублигини ифодаловчи маълумотларнинг ранг- баранглиги, баъзан улар ўртасида тафовутлар борлиги кўзга ташланади. Шундай ўринларда антропонимнинг варианти қавс ичида келтирилди: Али (Алибек), Арслон (Арслонхожа), Баротхожа (Баронхожа), Дуррака (Дурка, Дурко) баҳодур, Хожа Юсуф (Юсуфшоҳ хожа) ва ҳ.к.

Луғатдан ўрин олган саркардаларнинг сулоласи: Алоуддин Али тархон, Ийбож ўғлон, Пир Муҳаммад мирзо; мансаби, лавозими, рутбаси: Аббос баҳодур, Калон тавачи, Исмоил атка; уруғи, қавми: Ёдгор арлот, Ёдгор барлос, Жунайд бурулдай, Идику манғит, Пир Али сулдуз, Элчибуга ўзбек, Тармачуқ уйғур, Али қавчин, Сарибуга жалойир; лақаби: Ачачи қалта; касб-кори: Давлатшоҳ жибачи, Жалол бавурчи ва ҳ.к. кичик ҳарфлар билан ёзилди.

Мақолаларда келтирилган Худайдоди Хусайний, Шамсуддин Аббос, Саййидхожа Шайх Али баҳодур, Искандар Ҳиндубуга, Умар Тобон сингари изофали бирикмаларни Хусайннинг ўғли Худайдод, Аббоснинг ўғли Шамсуддин, Шайх Али баҳодурнинг ўғли Саййидхожа, Ҳиндубуганинг ўғли Искандар, Тобоннинг ўғли Умар тарзида тушунмоқ лозим.

Муҳтарам китобхон диққатини муҳим жиҳатга тортмоқчимиз. Сохибкироннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарларда юз берган воқеа - ҳодисаларнинг кунни, ойи, йили аксарият ўринларда мувофиқ тушади. Шу билан бирга, обидаларда саналарни келтиришда муайян тафовутлар, фарқлар кўзга ташланади. Чунончи, “Лой жанги” содир бўлган кунни Низомуддин Шомий 761 йилнинг рамазон ойи аввали (16.06.1360) тарзида белгиллаган, Шарафуддин Али Яздий эса 766 йилнинг рамазон ойи аввали (22.05.1365) деб кўрсатган. Темурбекнинг иккинчи қатла Хоразмга қилган юриши санасини келтиришда ҳам яқдиллик йўқ. Низомуддин Шомий ушбу юришнинг 775 йил баҳорида (март, 1374) содир бўлганлигини таъкидласа, Шарафуддин Али Язи бу амалиётнинг 774, ут (сигир) йилида (январь, 1373) юз берганини урғулайди. Амир Темурнинг вафоти санасини Муиниддин Натанзий 807 йил шаъбон ойининг ўн тўртинчиси (15.02.1405) деб кўрсатган. Шарафуддин Али Яздий бу машъум ҳодисанинг 807 йил шаъбон ойининг ўн еттисида (18.02.1405) содир бўлганини таъкидлайди ва ҳ.к.

ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИ МИЛЛАТ ТАФАККУРИНИНГ ИФОДАСИ ДЕМАКДИР

А.Собиров

*(ТошДўТАУ профессори,
филология фанлари доктори),*

И.Азимов

*(ТошДўТАУ ўқув ишлари
бўйича проректори, доцент),*

Ўзбек тили сўз бойлиги ва ифода имкониятларига кўра жаҳондаги бошқа тиллардан асло қолишмайди. Халқимиз тўрт минг йиллик давлатчилик тарихи давомида тарих саҳифаларига ўзининг бунёдкорлик, яратувчанлик фазилатларини ҳамиша муҳраб келган.. “Авесто”, оромий, хоразм, сўғд, кушон, ўрхун-энасой битикларида ёзилган осорул атиқалар ҳамон ўтмиш аждодларимиз тафаккур дунёсининг кенглигидан, улар истеъдодининг ноёблигидан хабар бериб турибди.

Шундай.. Буюк тарихга, шон-шухратларга бурканган, хавас килса арзугудек ўтмишга эгамиз. Бундан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий... Санаб адоғига етолмаймиз. Булар миллатимизнинг, ўзбек халқининг асл фарзандлари, миллат фидоийлари, она тилимизнинг толмас ҳимоячилари бўлган.

Бугунимиз-чи?! Ҳозирда бутун дунё халқлари шиддат билан олға интилаётган, илм-фан ва техника соҳаларида ақл бовар қилмас кашфиётлар амалга оширилаётган суронли бир даврда жаҳон майдонида ўзбек халқи ва ўзбек тилининг ўрни қандай?! Келинг, шу ҳақда бир фикрлашиб кўрайлик..

Ҳукуматимиз раҳбарлари бундан 25-30 йил олдин жаҳонда номи айтилса, ҳеч ким танимаган, билмаган Ўзбекистон давлатини, унинг куч ва қудратини бутун дунёга танитиб қўйди, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда туб эврилишлар содир бўлди ва изчил ислохотлар ҳамон давом этмоқда. Энг муҳими, Президент бошчилигида Ватан ва халқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядиган фуқаролардан иборат кучли жамият шаклланди; мафкурамиз, дунёқарашимиз ўзгарди; халқимиз орасидан жаҳон ёшлари билан тенглаша оладиган, эркин фикрли, дадил ва матонатли, жасоратли, ўз юртига ва Ватанига фидоий, маънавияти юксак ёшлар етишиб чиқди. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, маданият ва санъатда, спортда ўзбек ўғлонлари ва қизлари ўзларининг нималарга қодир эканини бутун дунёга кўрсатиб қўйди.

Эришилган барча ютуқларнинг остида миллий кадриятларимизнинг гултожи, асоси саналган она тилимиз – ўзбек тили турганлигини ҳаммамиз ҳам тўла англай олмаймиз. Ўзбек тили бизга худди онамиз каби бутун борлигини берди; бизни авайлаб-асраб улғайтирди, фикрлашни, тафаккур

қилишни ўргатди; бир сўз билан айтганимизда – одам қилди, инсонлар сафига – жамиятга қўшди. Эвазига биздан ҳеч нарсани талаб қилгани йўқ. Ундай хокисор, ундай беминнат ҳилқатнинг ўзи йўқ дунёда. Она тили легани, ахир, бу бизнинг ўзимиз-ку!?

Тан олиш керак: моҳияти асрларга тенг босиб ўтилган йилларда юқоридаги ютуқларнинг инъикоси сифатида тилимизда ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилди, она тилимизнинг қонуний асослари мустақкамланди, тил масаласида ҳам дунёга кенг тараққиёт эшиклари очилди. Буларнинг пиравард натижасида она тилимиз янада кўрамлашиб, тараққий топиб, сайкаллашиб дунёдаги етакчи халқаро тиллар эришган мақомлар томон кўтарила бошлади. Бир сўз билан айтганимизда, она тилига эътибор тубдан янгиланди.

Бирок, таассуфлар бўлсинким, ўтган йиллар давомида она тили билан боғлиқ муаммолар ўткирлашса, ўткирлашдики, асло ечимини топганича йўқ. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг икки бор ўзгартирилгани, иш юритиш ҳужжатлари, шахсий дастхатларимизда, кўчалардаги, биноларнинг ичкараси ва ташқарисидаги ёзувларда, сон-саноксиз реклама шчитларида, баннерларда, пешлавҳаларда хорижий атамаларнинг қалашиб ётгани, ўзбекча ёзилганларида ҳам хатоликларнинг мўллиги ўзбек тилининг обрўсига, минг йиллик тарихига “соя” ташлаб турибди.

“Express market”, Свадебный салон BELLA STELLA”, “Uzbekchka”, Multi Jiz-biz taomlar”, “GUTEN” немецкий ресторан, “OPTIKA GOLD”, “La Modam”, “Kafe la Bistro”, “Sanat” женские одежды, “Бала-бала детский магазин”, “ТОПТЫ АРОМА”, “Салон красоты Минь-Ян”, “Салон красоты LORA”, “Frendy Beaute salon”, “Бистро Бек”, “GOLD ELEGANT”, “Beaute salon Go'zalina”, “Art Chehra Raos”, “Shaxana”, “Hasandekor”, “САФ” (соф бўлса керак) *химчыстка*”, “Чайхана Бабай” каби сийқа номлар тилимиз тараққиёти учун нима беради? Ҳеч нарса бермайди, аксинча, қадим ва бой ўзбек тилининг қўлланиш доирасини торайтиради, чеклаб қўяди.

Ҳали ўзбек тилига ўзлашмаган русча сўзларни “AVTOMOYKA”, “AVTOSTOYANKA”, “AVTOZAPCHAST”, “MOYKA”, “TYOPLIY DOM”, “PROF POCUDA”, “ATEL'E” “SHEDEVR”, “BISTRO”, “DRULBA” каби сўзларнинг лотин ёзувида ёзиб қўйилишидан нимани ютамыз?

Имло қоидаларини билмаганимиз, ёзувимизни, унинг тимсолида ўтмишимизни ҳурмат қилмаганимиз, тилимизнинг тақдири устида чуқурроқ бош қотирмаганимиз учун миллий кадриятларимизга, тарихимизга, ўтган авлод-аждодларимизга чексиз ҳурмат-эҳтиром маъносида қайта тикланган юқоридаги каби номларни Чор-сув, Кўк-терақ, Олтин-тепа, Ибн-Сино, Кушқунди, Куксарой, Мухаммад Юсуф кўринишида хато ёзғимиз. Ёки *гўшт дўконига марҳамат, хар хил, маиҳур, ҳеч ким, Кичик Халқа йўли, Фархот бозори, “Таж Махал”, “Шох”, “Оху”* сингари номларда хатоликларга йўл қўйғимиз. Бундай хатоликларга Республикаимизнинг шаҳар ва қишлоқларидан минглаб мисолларни келтириш мумкин.

Айтаверсак, гап кўп. Ҳамма нарса она тилида сўзлаш ва бехато ёзиш масъулиятини ҳис қилиш ва амалда буни исботлашга боғлиқ. Бизнингча, Республикамизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир давлат ва нодавлат корхонаси ҳамда ташкилот мутасаддиларига “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун бандларини ҳар доим эслатиб туриш керакка ўхшайди.

Бири-бирдан чиройли, маҳобатли биноларимиз пештоқларига “Lola Burger”, “Euro Burger”, “Бургер Дружба”, “Chig'atoy House”, “Zebo Nur”, “Евроремонт” МЧДЖ, “Стройвектор” МЧДЖ, Home ВЕКА, “Shifoko 'znur” каби ёзувлар катта, ҳатто кечалари ёниб, пориллаб турадиган ҳарфлар билан ёзилиб, илиб қўйилган. Булар она тилимизни сийкалаштиради, кашшоқлаштиради.

“Вкусняшка”, “Кнопка”, “Умка”, “Умничка”, “Гарант”, “Зайди, попробуй”, “Пряжа”, “Аты-баты”, “Стяляга”, “Салон кросаты Адам и Ева”, “Пятрочка”, “Знайка”, “Роял”, “Мир быстро” сингари ёнадиган ёзувларни ўз дўконлари, ишхоналари пештоқига ёпиштириб олган ишбилармонларнинг мақсади болаларимизга рус тилини чуқур ўргатиш эмас, балки мўмай даромад олиш эканлиги кундек аён. Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига бугун бутун дунё тан бериб турибди. Уларга илинадиган ёзувларимизга ҳам улар қойил қолиши керак. Ёзувлар халқимизнинг куч-қудрати, ақл-заковатидан дарак бериб туриши даркор. Ҳозирча бундай эмас. Мамлакатимизга хорижий инвестиянинг кириб келиши, маҳсулотларимизнинг чет элга экспорт қилиниши, қўшма корхоналарнинг ташкил топиши бу – келажақдан нишона эканлиги ҳаммамизга маълум. Бироқ, қўшма корхонага ном қўйилаётганда ҳар икки томоннинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сўз танланмайдими?! Бу каби амалиёт бугун дунда бор-ку! Халқаро андозада *peuting* талаблари бор. Ном бериш бўйича брендология фани яратилган ва унга қатъий амал қилишади. Нейминг талабларига кўра ном қўйишнинг ўнлаб талаблари ва тамойиллари мавжуд. Бу ишлаб чиқараётган маҳсулотга, унинг жойлашган ўрнига, ким томонидан ишлаб чиқарилаётгани, миллий кадриятларга, фаолият турига ва шу кабиларга асосланиб, ном бериш, аташ жараёни саналади. Масаланинг ечими учун “Фирма тўғрисида” Қонун, “Фермер хўжалиги тўғрисида” Қонун, “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида” Қонун ва шу каби ҳужжатларга жиддий ўзгартиришлар киритиш, ном танлашда ихтиёрийлик, бир томонлама ёндашувдан қочиш керак. Ҳамюртларимизнинг қалбидаги она тилига ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини уйғотиш лозим. Қолаверса, Мустақилликнинг дастлабки йилларида самарали фаолият олиб борган Терминологик қўмигага ўхшаш Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Давлат тили тўғрисида” Қонун бандларини ижросини таъминлашдига Тил инспекциясини ташкил этиш давр талабига айланди.

Умуман олганда, ҳар бир тилда меъёр тушунчаси бор. Тарих гувоҳ, ўзлигини сақлаб қолмаган, тарихини улуғламаган, тилини ардоқламаган, унинг келажаги устида астойдил бош қотирмаган халқлар ва миллатлар ҳамма даврларда ютқазган. Биз ҳам эътиборсизлик қилиб, келажақ авлод

ондида қизариб, ер чизиб қолмайлик. Қўяётган номларимиз, ёзувларимиз, иш юритиш ҳужжатларимиз ҳозирда барпо этаётган муҳташам биноларимизга, обод ва кўркем шаҳар ҳамда қишлоқларимиз ҳуснига узукка кўз қўйгандек мос тушсин. Она тили соҳасида амалга ошираётган ишларимиз юртимиздаги бошқа тилларнинг нуфузига таъсир қилмаган ҳолда ўзбек тилининг хилқимиз ичидаги обрўсини сақлаб қолишга, унинг халқаро майдондаги мавқесини оширишга хизмат қилсин. Зеро, бугунги давр биздан барча соҳаларда бўлгани каби тил масаласида ҳам ўта хушёрликни, огоҳликни, синчковлик ва зийракликни талаб қилмоқда. Бу талабни ва тил масъулиятини ҳеч қачон эсдан чиқармайлик.

НАВОИЙ – БУЮК ИЖОДКОР ВА ИҚТИСОДЧИ ОЛИМ

Н. Хусанов

*(Тошкент молия институти
профессори, “Ўзбек ва рус тиллари”
кафедраси мудири, филология
фанлари доктори)*

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш борасида улкан илмий ишлар амалга оширилди, буюк алломанинг асарларига бағишлаб мамлакатимизда ва хорижда юзлаб китоблар, минглаб мақолалар яратилди. Бу залворли ишларни эътироф этган ҳолда буюк алломанинг ҳаёти ва ижодида ҳали етарлича ўрганилмаган масалалар мавжуд. Ана шундай масалалардан бири Навоийнинг иқтисодиёт илмига қўшган ҳиссасидир. Бизнинг фикримизча бу масалани ёритишда икки жиҳатга эътибор қаратиш зарур: биринчиси Навоийнинг иқтисодиётни юксалтириш борасида фаолияти ўрганиш бўлса, иккинчиси унинг асарларида иқтисодий тушунчаларни тадқиқ этишдир.

Шу ўринда иқтисодиёт соҳасига ҳам қисқа тўхталсак. Унга оид сўзлар илк пайдо бўлган сўзлар қаторига киради, чунки инсон биринчи навбатда “иқтисод” тушунчасига дуч келади. Аниқроғи, ҳаёт кечиришни ўйлаган ҳар бир киши биринчи галда ниманидир топишни ва уни ғамлашни, ундан қай фўсин билан фойдаланишни, уни тежаб-тергашни ўйлайди ва шу асосда иш юритади. Бу эса иқтисодиётни асосини айни шу ташкил этади. Эркак ва аёл оила қуради экан, биринчи навбатда, ўз турмушининг фаровон кечишини ўйлайди, тиниб-тинчимай меҳнат билан шуғулланади, келажакни, фарзандларининг пайдо бўлиши, уларни тарбиялаб уй-жойли қилиш ҳақида қайғуради, ниҳоят, ўзининг меҳнат натижаларини бозор-ўчар билан боғлайди. Мана шу аснода кишилар онгида “иқтисод” “иқтисодиёт” каби тушунчалар шакллана бошлайди. Демак иқтисодий тушунчаларни ифодаловчи тил бирликлари ҳам пайдо бўла бошлайди.

Иқтисодий сўзларининг шаклланиши узок ўтмишга бориб қақалади. Тарихий ёзма ёдгорликлар, жумладан, туркий лугатчиликнинг асосчиси

Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Алишер Навоий, Бобур ва бошқаларнинг бадий, илмий-бадий асарлари ўзбек иқтисодиёт сўзларининг ривожланишида ўзига хос ўрин тутган манбалар ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг ҳаётини, хусусан, унинг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятини ўрганишда ўша давр манбаларининг аҳамияти бекиёсдир. Хусусан, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”, Бобурнинг “Бобурнома”, Восифийнинг “Бадое ул-вақое” ва бошқа манбаларда муҳим маълумотлар мавжуд. Маълумки, ҳар бир шахснинг амалга оширадиган ишлари унинг жамятда тутган ўрнига, касби ва лавозимига боғлиқ. Навоий теурийзода Хусайн Бойқаронинг қадрдон ва ишончли дўсти бўлганлиги учун юқори лавозимларга тайинлангани “Равзат ус-сафо” батафсил ақс этган: “аввал ул ҳазрат улуғ муҳрни амир Алишернинг қўлига тутказди ва ул амир бир неча вақт муҳрдорлик лавозимида қойим туриб, хизматкорлик поясини юқори осмондан ҳам ўтказди. Бир неча вақтдан кейин, бу мансабни тарк этиш бобида илтимос қилиб, бу лавозимга амир Аҳмад Суҳайлни тайин этишни илтимос қилди. Хоқони Мансур унинг бу илтимосини қабул қилди, лекин ҳижрий 876 йили шаъбон ойида (1472 йил январь ойида) банднавоз подшоҳ ул вожиб ул-атоб амирни аморат мансаби билан сарафроз қилмоқчи бўлди. Амир Низомуддин Алишер аввал бу мансабни қабул қилмай дедики, мен энди улуғ остона ичкилари қаторидаман, улуғ мансаб эгасиман, осмон қадар тахт амирларининг барчасидан юқорироқ ўринда ўлтирибман. Бордию, аморат мансабига мутасадди бўлсам, барлос ва орлот амирларидан баъзилари тўрага биноан мендан юқори ўлтурадилар. Бас, бу амирларга кафил бўлмоқ мансабимдан пастроқдир. Хоқони Мансур унинг бу узрини қабул қилиб, бағоят иноятдан “барлос умаросидан амир Музаффар барлосдан бошқа бирон кимса амир Алишердан аввал муҳр босмасин”, деган ҳукм чиқарди. Шундан кейин амир Алишер мамлакат очувчи хоқон раъйини риоя қилиб, аморат мансабини қабул қилди, тилладўз чопон, наврўзий кулоҳ кийиш билан фахр топди. Аммо хоқони Мансурнинг покиза кўнгли шу эдики, амир Алишер вожиб ул-изъон фармонга кўра бошқа амирлардан юқори муҳр босса, лекин ул жанобнинг қўлига маълум соатда муҳр боссин учун нишон берганларида, нафси синук бўлганидан ва бағоят улуғ тавозулигидан, нишоннинг шундай жойига муҳр босдиким, ундан тубанрокка муҳр босишга жой қолмади. Бу воқеа сурати хосу авомнинг имтиҳонига сабаб бўлиб, исломпаноҳ подшоҳнинг эътиқодини оширди. Кейин соф кўнгилик амирнинг муҳри босилган ер муҳрга эга бўлган ҳар бир мансабдор орасида талаш бўлди ва уларнинг ҳар бири ўша ерга муҳр босиш иштиёкида бўлди” (1, 36).

Алишер Навоий қандай лавозимда ишлагасин ўз бойлигини фақат савоб ва эзгу ишларга сарфлаган. “Тазкират уш-шуаро”да ёзилганидек “узокни кўрадиган, зийрак ва доно кишилар ибрат юзасидан дунё ишларига ҳирс қўймайдилар, охират тараддудидан ғофил ва бепарво бўлмайдилар. Мана шу андиша ҳар нарсадан бохабар амирнинг этагидан тутди... Унинг

ванобга ишорат қилувчи фикри ортиқча молу мулкани хайр- эхсон ҳамда бошқа хайрли ишларга сарфлашни такозо қилди, холис мулкани ва ҳалол бойлигини худо йўлига тикиб, мамлакатда мадрасалар, масжидлар, работлар, кийрли иморатлар ҳамда дорушшифо қуришга сарф қилди. Ўша жойларга қилган вақфлари муомалада юрган пул ҳисобида тахминан 500 туман кепакийни ташкил қилади” (2,18).

Хондамирнинг “Хулосат ул-ахбор” ва “Мақорим ул-ахлоқ” асарларидаги маълумотларга кўра ўнлаб масжидлар, мадрасалар, шиқохоналар, хонақолар, работлар, ҳаммомлар қурган ҳамда ховузлар, ориқлар қаздирган (3,62; 89). Биргина Ҳирот шаҳрида улуғ шоир хайрия миблаглари ҳисобига 380 та бино қурган, “Халосия” хонақосида ҳар куни мингдан ортиқ заифалар мискинларни ширин таомлар билан сийлаган, ҳар йили мухтожларга икки мингга яқин пўстин, чакмон, кўйлак, иштон, тақия ва кафш улашган.

Академик Абдулла Аъзамов, профессор Тоҳир Маликовларнинг таъкидлашича “бобомиз (Навоий ҳазратлари) бир кунда 75 минг динорга тенг бўлган даромадга эга бўлиб, ўша куннинг ўзида унинг 15 минг динорини харажат қилганлар-да, қолган 60 минг динорини эса хайрия-эҳсон мақсадларига сарфлаганлар; ўша пайтдаги 75 минг динорнинг ҳозирги кундаги келтирилган қиймати 11 миллион 250 минг АҚШ долларига тенг” (4,137). Демак, Навоий ҳазратлари бир кунда 75 минг динор (яъни 11 250 000 АҚШ доллари) миқдорида даромад қиладиган буюк иқтисодчи бўлган.

Алишер Навоий иқтисодиётнинг барча иқир-чиқирларини жуда яхши билган. Шу боисдан у асарларида юзлаб иқтисодиётга оид сўзлар, ибораларни маҳорат билан ишлатган. Бу сўз ва ибораларнинг баъзилари ўша дивр талаби - ҳаётни реал акс эттириш учун, бошқалари эса ўзига хос бадиий мақсадлар такозоси билан қўлланган.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий илмий ёки бадиий асарларида кўплаб асли ўзбекча (кўпи умумтуркий) иқтисодий сўзлар ва ибораларни ишлатган.

Маълумки, халқларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари ҳаётий зарурият бўлгани туфайли шу жараёнда бир тилдан иккинчи тилга сўзлар ҳам ўтиб туради. Ҳар бир тилнинг луғавий таркибида шу тилнинг ўзиники бўлган сўзлардан ташқари, ўзга тилларнинг луғавий унсурлари учрайди.

Алишер Навоий асарларида арабча ва форс-тожикча луғавий бирликлар қўлланишининг қатор объектив сабаблар билан боғлиқ эканлиги айрим тадқиқотларда таъкидланган.

Алишер Навоий ўз асарларида фақат умумтуркий иқтисодий сўзлар билан чекланмаган, балки бу сўзларнинг арабча, форсча синонимларидан маҳорат билан фойдаланган. Буюк аллома асарларида иқтисодиётга оид ўнлаб синонимик қаторлар учрайди: савдопеша-савдогар-савдогарчилик ; сармоя-давлат-маблағ; байъона-баҳо, қиймат, бай пули ; манфаат-фойдаларомад; нарх-баҳо, нафақа-маош-харажат ; аҳднома-шартнома; сармоя-

даромад-бойлик-маблағ; дастмузд-маош; савдогар-тожир - бузургон-савдогар; аммол-солиқгир; нақд-пул, бойлик; нақда- тилла, маблағ.

Навоний асарларида қўлланилган иқтисодий сўз ва иборалар ўзига хос маъноларга эга: ато – бахшиш, инъом, ҳадя, саховат; аҳднома – расмий шартнома, битим; байтул мол – хазина; бойлик; байъ – савдо, сотув, киймат, нарх; байъона – баҳо, киймат, бай пули; баҳо – киймат, нарх, пул; бож – бож, хирож; бозор – 1. бозор, савдо-сотик жойи; бой – бой, бадавлат, мол-мулки кўп; бойлиғ/бойлик – бойлик, молу мулк; вақфийя – вақфнома, вақф васиқаси, вақф ҳақидаги ҳужжат; ворис – меросхўр, ворис; ганж – 1.хазина, бойлик, ганж 2. нақд, олтин, кумуш; давлат – бойлик, молу дунё; динор – олтин, танга, пул бирилиги; дирам – дирхам, танга, кумуш танга; жавҳар – гавҳар, кимматбаҳо тош; закот – ислом динидаги солиқ; инъом – ҳадя, тортиқ; бахшиш, садака; кобин – маҳр, никоҳ олдида куёв томонидан келинга берилиши шарт бўлган мол, маблағ; маблағ – нақд пул, нақдина; нарх – баҳо; нафақа – маош; харажат; нақда – нақд, мавжуд пул, тилла; ойлик//ойлиғ – маош; пул – пул, ақча; ришва – пора; - бер – пора бермоқ; савдо – 1.олди-сотти; тижорат: 2. манфаат, бойлик; сарф – харажат, чиким; тадбирлик – тадбиркорлик; улуфа – аскар ва амалдорларга бериладиган маош ва озиқ-овқат; филур – олтин ақча, танга; хазина – бойлик, хазина; харж – 1. харажат, сарф, чиким: 2. харажат қилинадиган пул, сарфланадиган маблағ; чиғой – камбағал; широ – сотиб олиш, харид; эҳсон – 2.ҳадя, инъом; ярғоғ – кисса, халта, ҳамён; ўлжа – ўлжа, душман устидан ғалаба қилиш туфайли қўлга киритилган нарсалар; қарз – қарз, бурч; қиймат – баҳо; қиймат, қадр; ғино – бойлик; ҳадия//ҳадя – совға, тортиқ, инъом, соврин. (5)

Умуман Алишер Навоний ўз асарларида юзлаб иқтисодий тушунча ва сўзларни маҳорат билан қўллаган ижодкор, иқтисодиётнинг назарий ва амалий масалаларини чуқур ўзлаштирган ҳамда бозор иқтисодиёти қонунлари қонунлари асосида жуда катта даромад қилган ва маблағларини жамият ривожига сарфлаган буюк молиячи бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирхонд - “Равзат ус-сафо”. “Навоний замондошлари хотирасида” Тошкент – 1985.

2. Давлатшоҳ Самарқандий. “Тазкират уш-шуаро”. “Навоний замондошлари хотирасида” Тошкент – 1985.

3. Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”. “Навоний замондошлари хотирасида” Тошкент – 1985.

4. Маликов Тохир - “Устозларни ёд этиб ва эъзозлаб”- Тошкент-2019.

5. Алишер Навоний асарлари тилининг изоҳли луғати 1-4 том, Тошкент-1983-1985.

BİLİM BABAM İRİSTAY KUÇKARTAYEV

Prof. Dr. Aynur Öz Özcan

(Ankara Üniversitesi Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi,
Çağdaş Türk Lehçeleri ve Edebiyatları Bölümü)

O'quvchilarning savodxonligini oshirish, ularning lug'at boyligini hamda mustaqil fikrlash doirasini kengaytirish, ularning voqea-hodisalarga, atrof-muhitga bo'lgan munosabatlarini shakllantirish va izhor etishga o'rgatishda yozma ishlar, ayniqsa, diktant, bayon va inshoning ahamiyati katta. Ammo yozma ishlarning barcha turi ham yengil-yelpi, yuzaki, sayoz munosabatni yoqirmaydi. Shuning uchun bu talab o'qituvchidan ijodiy izlanishni, ma'suliyat bilan yondashuvni, yuksak talabchanlikni taqozo etadi.

Yozma ishning muhim turlaridan biri bo'lgan bayon o'quvchilarning imlo savodxonligini oshirish bilan birga ularning fikr doirasini kengaytirish, o'z fikrini badiiy tarzda bayon qilish, so'z boyligini oshirish, til lug'at boyligidan o'rinli foydalanish qobiliyatining o'sishiga yordam beradi. Ayniqsa ijodiy bayonlar xarakter xususiyatiga ko'ra inshoga yaqin tursa-da, lekin yozilish jihatidan inshodan farq qiladi. Yozma ishning bu turi orqali o'quvchilar nutqidagi jumla, gap tuzishdagi nomukammallikka barham berilib, xotirada saqlash qobiliyatini o'stirishda ahamiyati katta. Kichik hajmli hikoyalar, katta badiiy asarlardan olingan mustaqil syujetli parchalar, syujetli rasmlar asosida ijodiy bayon olish mumkin.

O'qituvchi qaysi sinfda ishlashidan qat'i nazar, u bog'lanishli nutqning bu turini o'rgatishdagi tadrijiyligni aniq tasavvur etish uchun shu paytgacha o'tilgan mavzular bilan tanishib chiqishlari lozim bo'ladi. O'qituvchi avvalo o'tilgan materiallar asosida choraklik va taqvimiy reja tuzganda quyidagilarga amal qilishi lozim bo'ladi:

1. Bayon turi o'quvchilar bilim darajasiga qarab belgilanadi.

2. Bayon mazmuni o'quvchilar yoshiga mos bo'lishi lozim.

3. Bayon ustida ishlasah o'quvchilarning bog'lanishli nutqini o'stirishga qaratilgan mashg'ulotning boshqa turlari bilan chambarchas bog'liq bo'lishi lozim.

Bayon yozishga tayyorgarlik ko'rish dastlab o'quvchilarga sodda gaplar tuzishga o'rgatishdan boshlanadi. O'quvchilarga gapda so'zlar tartibini, gap o'rtasida va oxirida tinish belgilarining qo'yilishi singarilar haqida ma'lumot beriladi. Yozma nutq malakalarini mustahkamlash uchun o'quvchilarni bayonda o'zlari yoza oladigan so'zlardan foydalanishga o'rgatish lozim bo'ladi.

Bayon yozish jarayonida uning mazmunini ochuvchi savollar orqali tahlil qilish lozim bo'ladi. Matn mazmunini tahlil qilish o'quvchilarning asosiy fikrini va matn qismlari o'rtasidagi bog'lanishni bilib olishga yordam beradi. Bu esa mazmunni tushunmasdan shunchaki eslab qolishning oldini oladi.

Bayon yozishga tayyorlanishda maxsus dars soati ajratilishi talab qilinmasa-da, lug'at ishlari bajarish o'rinlidir. Chunki o'quvchida ongli ravishda matndagi har bir so'z yoki birikmaning lug'aviy ma'nosini tushunish ehtiyoji tug'iladi. Ko'pgina holatlarda o'quvchilar hayotiy tajriba hamda darsda o'rgangan bilim, malaka va

ko'nikmalariga tayanib ish ko'rishadi. Asta-sekinlik bilan o'quvchilarga matnda takrorlanadigan so'zlarni almashtirishga o'rgatishga o'rgatib boorish ham foydalidir.

Agar boshlang'ich sinflarda o'quvchilar matn asosida erkin bayon qilish, lukoya qismlariga birgalikda sarlavha qo'yish, rasmi rejadan foydalanib bayon yozish asosida bayon yozsalar, quyi sinflarda esa matnni qisqartib bayon qilish, mustaqil reja asosidagi tasvirli, grammatik topshiriqli hamda tekshiruv singari bayon turlarida bayon yoza boshlashlari maqsadga muvofiqdir.

Ta'limiy bayon olishdan oldin o'quvchilarga uni yozish talablari va qoidalari o'quvchilarga tushuntiriladi, zaruriy bilimlar berilgandan keyin bayon yozish ishi boshlanadi.

Ilg'or metodistlarning bu boradagi tajriba va mulohazalariga asoslanib, ularni quyidagicha turlarga ajratish mumkin:

1. Matnga yaqinlashtirib bayon yozish. Bunday paytda badiiy til xususiyatlari bilan ajralib turuvchi asarlar bayon uchun tanlanadi. O'quvchilar bayon yozishda asar muallifiga xos so'z va iboralardan foydalanishi maqsadga muvofiqdir. Matn mazmuniga yaqinlashtirib yozilgan bayon o'quvchining fikrlash doirasini kengaytiradi va lug'at boyligini oshiradi.

2. Qo'shimcha topshiriqli bayon. Bayonning bu turi grammatik qoida yuzasidan olingan bilimni ko'nikma va malakalarga aylantirishni maqsadida o'tkaziladi. Grammatikaning biror mavzusi o'rganilgach, qo'shimcha tarzda topshiriqli bayon o'tkazilishi mumkin.

3. Saylanma bayon. Bunda bayon matning butun qismi to'liq yozilmaydi. O'quvchilar erkinlik asosida o'zlariga yoqqan, qiziqtirgan biror qismni saylab oladilar. Bundan maqsad o'quvchilar keng qamrovli asar haqida yaxlit bir ma'lumotga ega bo'ladilar. Saylab olingan qism mazmuniga ijodiy munosobatda bo'ladilar.

4. Qisqartirib, ixcham bayon yozish. Bunda biror matn mazmuni umumlashtirilib, asosiy g'oya qisqa ifodalanadi. Maqsad matn mazmuniga zarar etkazmagan holda voqeaning muhim tomonlari bayon qilinadi.

5. Ijodiy bayon. Bayonning bu turida matn mazmuniga munosobat bildiriladi. Ko'pincha dialoglar, shaxslar o'zgartirilib bayon qilishga e'tibor beriladi.

6. Ixcham bayon. Bunda o'n-yigirma minutli qiziqarli kichik mashg'ulotlar o'tkazilib, o'quvchining mavzuni tez o'zlashtirishiga yordam beradi. Uning bir marotaba o'qib berilishi ham o'quvchilarning eshitish qobiliyatini oshirishga, xotirasini mustahkamlashga yordam beradi.

7. Tekshiruv-sinov bayoni. O'quvchilarning nutq malakalarini aniqlash, sinash maqsadida o'quv yilining har choragida bir-ikki marta o'tkaziladi. Bunda o'quvchilarga tanish bo'lmagan, darsda tahlil qilinmagan mavzu olinishi maqsadga muvofiqdir.

Xulosa qilib aytganda, ta'lim jarayonida bayonni tahlil qilish, tuzatish va baholash ham muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki u orqali o'quvchilarda mavzuni yaxshi o'zlashtirishi va reja asosida bayon eta olishi, savodli, imlo qoidalari mos ravishda yoza olishi malakalari shakllanadi. Bu esa uning metodik jihatdan yanada kengroq va chuqurroq tadqiq etish zaruratini tug'diradi.

ИЖОД ВА ЛИСОНИЙ МЕРОС – МАНГУ ХАЗИНА

Тўлқин Эшбек
(ЎЗМУ доценти,
филология фанлари номзоди)

Ҳаёт кўзгуси ҳисобланмиш матбуотимизда битилаётган жуда кўп сўзлар ва атамалар лисоний меросимизга айланиб бораверади.

Пиримкул Қодиров улуғ истеъдод соҳиби филология фанлари номзоди, таъбир жоиз бўлса, тилшунос олим эдилар. Унинг 1972 йилда ёзган “Тил бойлиги – дил бойлиги” мақоласини ўқир эканмиз, муаллифнинг она тилимиз тақдири ва келажаги учун қанчалик қайғурганини ҳис этамиз. “Ҳар бир сўз – Ҳаётдаги муайян бир нарса ёки тушунчани ифодалайди, – деб ёзади муаллиф. – Демак, кишида сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, одам тилни қанчалик чуқур билса, унинг ички дунёси шунчалик бой бўлади. Ҳар бир халқ ўзи обод қилган водийлар, ўзи яратган тил бойликлари билан ҳам шунчалик ифтихор қилади. Чунки ҳар бир тил шаҳару кишлоқлар каби шу халқнинг бутун тарихи давомида яратилади, обод водийлар каби асрлар давомида сайқал олади”.

Шу ўринда муаллиф шоир Н. Риленковнинг куйидаги фикрларини келтиради: “Тилни халқ яратади. Аммо унга сайқал бериб бадийлаштирувчилар – сўз санъаткорларидир. Адабий тил оғзаки халқ тили ҳисобига узлуксиз бойиб боради. Бусиз адабий тил ўлик тилга айланади. Ёзувчининг тилга оид диди ва иқтидорини унинг китобий нутқ билан жонли нутқ унсурларини қанчалик яхши уйғунлаштира олиши белгилайди”.

Муаллиф ушбу мақоласида Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек, Фафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби адибларнинг асарлари ҳақида сўз юритар экан, уларнинг ҳаммаси ҳам жонли халқ тилини адабий тилга санъаткорона пайванд қилиб ишлатилганларини алоҳида таъкидлайди. Аммо худди шу икки дарёни — жонли халқ тили билан адабий тилини бир-бирига қандай қилиб қўшиш, уларни қандай уйғунлаштириш масаласини ҳар бир ёзувчи ўз олдига қўйган ғоявий-бадий вазифадан келиб чиқиб, ўзига хос дид, иқтидор, ҳаётий тажриба иштирокида мустақил ҳал қилиши, уларнинг бадий тилларидаги ранг-баранглик шундан келиб чиқшини атрофлича талқин қилади. “Ёзма адабиётимиз асрлар давомида истеъмолга киритган сўз бойликлари реалистик характерлар орқали янги адабий тилимизга кириб, хилма-хил вазифаларни бажаради, – деб ёзади адиб. – Масалан, биз баъзан бош бармоқдан кейингисини русча «указательный палец»га ўхшатиб «кўрсаткич бармоқ» деймиз. Ҳолбуки, ёзма адабиёт орқали кирган «шаҳодат бармоқ» ибораси янги адабий тилимизда ҳам ишлатилиб келади”.

Муаллиф мақоласида аниқ мисолларга мурожаат этар экан, шундай ёзади: “Фафур Ғулом ёзган “Шум бола” кассасининг бош қаҳрамони қаландарларга кўшилгандан кейин эшон учраб қолади:

“Шаҳодат бармоқлари” билан ўз олдларига имладилар. Тавозе билан олдларига бордим. “Муборак қўллари билан пешонамдан силаб:

— Бой, бой бўтам, жуда “худо назар қилган бачча экансан, осмонга кара утшим!— дедилар.

Шунда беш панжаларининг орасидан етмиш битта жаннат кўрибман.

Бу ерда ёзувчи хаст эшоннинг “мўъжиза”ларини ҳажвий кулги билан ёфурсатяпти. Эски диний китобларда илоҳий одамлар беш панжаларининг орасидан етмиш битта жаннатни кўрсата олишлари жиддий оҳангда ҳикоя бошланади. Фафур Гулом эса бу ерда ўша оҳангни масхара қилади. Эшоннинг ҳажвий характери очишга хизмат қилган “тавозе”, “муборак кўллар”, “худо назар қилган бачча” каби сўз ва иборалар адабий тилга кириб, янги мазмунни очишга билвосита хизмат қилади”.

Пиримқул Қодировнинг она тилимиз тарихини ўрганиш ва уни янада ривожлантириш борасидаги дадил саъй-ҳаракатларини 2005 йилда Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган салмоқли китоб – “Тил ва эл” илмий бадиаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу илмий бадиада тилимизнинг энг қадимий манбалари – туркий тош битиклар, Маҳмуд Қонғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавийлардан тортиб Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаххор каби ижодкорларнинг асарларигача бўлган бадиий тил хусусиятлари элимизнинг тарихи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қизикарли баён этилган. Бизга маълумки собиқ шурулар даврида она тилимизнинг ҳаракат доираси беҳад чекланган, унга расмий эътибор йўқолиш даражасига етиб борган эди. Лекин ватанпарвар кишилар ўша шароитда ҳам тилимизга аталган меҳрларини дил тубида асраб келдилар. Тилимизга эътибор ҳали мустақилликка эришмасимиздан аввал кучая бошлади она тилимизга давлат мақоми бериш учун кураш бошланди. Бунда зиёлиримизнинг хизматлари жуда катта бўлди десак адашмаймиз. Тил мавзусини теран таҳлил этган адиб ва олим шундай ёзади: “Она тилимизнинг истиқболи хавф остида қолган оғир вазиятда дадил элдошларимиз Алишер Навоий руҳидан мадад олдилар. Ҳазрат Алишернинг: “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз” деган ҳикматли сўзлари ўзбек тилига давлат мақоми бериш учун кураш кетаётган 1989 йилда Тошкентнинг марказий майдони (ҳозирги Мустақиллик майдони)нинг кун чиқиш томонидаги улкан бинонинг тепасига одам бўйи келадиган ва ичидан нурланиб турадиган улкан ҳарфлар билан узоқ-узоқлардан кўринадиган қилиб ёзиб қўйилган эди.

Нур билан ёзиб қўйилган бу сўзлар “Алишер Навоий” имзоси билан бирга ҳозир ҳам ушбу юксакликда порлаб турибди. Чунки бу сўзларнинг теъран маъноси ханузгача ўз теран маъносини йўқотган эмас” дея тилимизга таъриф беради.

Адиб она тилимиз ҳақида сўз юритар экан, унинг туб илдизларини чуқур таҳлил қилади. Бир ўринда муаллиф ўз фикрларини Алишер Навоий асарлари билан боғлаб қимматли маълумотлар келтиради. “Жамиятимизда ўз она тилини ўрганишни астойдил ихтиёр қилмайдиган одамлар ҳам бор. Албатта, тил ўрганиш ихтиёрийдир,– деб ёзади муаллиф.– Аммо она тилига ихтиёрсиз бўлиш – уни писанд қилмасликдан ва элга эътиборсизликдан келиб чиқади. Алишер Навоий бу сўзларнинг худди шу маъносига урғу беради”. Муаллиф қайд этишича, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини ўқиган француз олими

М.Беллин 1861 йилда ёзган китобида Навойнинг она тилига бу қадар катта эътибор берганини ватанпарварлик деб атайди: француз олими узоқ парижда туриб Алишер Навойнинг ўз она тилини мардона ҳимоя қилганига бунчалик юксак баҳо бергани тасодиф эмас.

Пиримкул Қодировнинг “Тил ва эл” китоби тарихий илмий асар. Тарихий асарларда ҳарорати сўнмайдиган воқеалар, унутилмайдиган сиймолар тасвирланади. Тўрт унсур қаторида тил ҳам истифода этилади. Лекин худо ярлақанг истеъдодли зотларга тилни бойитиш. Улуғлаш, ҳароратли қилиш имкони берилган. Пиримкул Қодиров тилни бойитган адибларни ҳақиқий ватанпарвар, элпарвар деб билади. Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ўз ижоди, илмий асарлари билан мумтоз туркий тилни улуғлади. Унинг бекиёс имкониятларини очиб берди. Жаҳон адабиётида шундай ўлмас, мангу асарлар борки, уларни ўрганганинг сайин янги-янги маъно қатламлари очилаверади. Алишер Навоий “Хамса”си, Бобурнинг “Бобурнома”си шулар жумласига киради.

Адибнинг 1976 йилда ёзилган “Халқ тилининг қудрати” сарлавҳали мақоласида шундай сатрларни ўқиймиз: “Тилнинг бутун қудрати — унинг халқ дилида ва меҳнат жараёнида яратилиб, бойиб бориши билан боғлиқдир. Одамлар бир ишни кўплашиб қилганларида бир-бирлари билан сўзлар воситасида алоқа қилишга эҳтиёж сезадилар. Бир авлод ўзининг иш тажрибасини иккинчи авлодга сўзлар воситаси билан тушунтиради. Шу тарзда бундан юзлаб, минглаб йиллар олдин яратилган тил бойликлари авлоддан авлодга ўтиб, кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиб боради”. Муаллиф таъкидлашча, кўпчилик миллий тилларнинг мустақил тараккиёти учун характерли бўлган умумий бир қонуният бор. Бу қонуният шундаки, ҳар бир тилнинг афзалияти шу халқнинг ўзи билан бирга яшайди.

Тил — энг катта маънавий бойлигимиздир. Уни ўғил-қизларга ҳам тўғри ўргатишимиз шарт.

Матбуот — ўзига хос лисоний хазина ҳисобланади. Уни давр билан ҳамнафас ҳолда бойитиб бориш ижодкордан улкан масъулият талаб қилади.

САМАРҚАНД ТУМАНИ ЎЎЗ ЛАҲЖАСИГА ДОИР

М. Абдиев, С. Раҳмонов
(СамДУ профессор-ўқитувчилари)

Самарқанд вилоятининг Самарқанд тумани ҳудудида Туркмановул, Туркманқишлоқ, Урганжи, Туркман сингари номлар билан аталувчи масканларда ўғуз лаҳжаси вакиллари истиқомат қилишади. Номлари қайд этилган ҳудудлардаги аҳолининг сўзлашув нутқи вилоятнинг бошқа ҳудудларида истиқомат қилувчи ўғузларникидан бир оз фарқ қилади. Маҳаллий миллат вакиллари билан уларнинг тарихи сўралганда, илдизи туркийларнинг турли уруғларига бориб тақаладиган мазкур аҳоли Самарқанд шаҳри атрофига келиб жойлашиши XIX асрнинг 20 -йилларига тўғри келиши айтилди. Туркман қишлоғига мансуб аҳоли вакилларининг таъкидлашча, улар дастлаб Гурлан

тумани ҳудудида яшаганлиги, номаълум бир сабабга кўра, ҳозирги Туркманистоннинг Хидирэли деган масканига кўчиб ўтган, кейин эса ҳозирги жойи жойи, яъни Самарқанд шаҳри яқинига келиб ўрнашган. Шу сабабли маҳаллий халқ ичида кўчиб келганларга жойга нисбат берган ҳолда, туркманлар, Хидирэли туркманлари номларини олганликларини ҳам таъкидлашди.

Урганжи қишлоғидагилар эса асли Урганж тумани ҳудудида яшаганликларини кейинроқ, аниқроғи Шоҳмуродбий даврида, яъни ХУШ асрларида Самарқанд шаҳри ҳудудига келиб жойлашганликларини таъкидлашади. Шу боис улар ҳам маҳаллий халқ ичида гурланликлар сингари Урганжи туркманлари, туркманлар сингари номлар аталганини ҳам изоҳлашади. Бу ҳақда шу қишлоқлик ўқитувчи ва шоира Матлуба Гофурованинг “Урганжинома” деб номли очеркида ҳам маълумотлар берилган. Унда аҳоли дастлаб Самарқанд шаҳрининг “Девори кўндаланг” маҳалласига келиб жойлашганлиги, кейинчалик Самарқанд ҳокимининг рухсати билан ҳозирги Хишров қишлоғи ҳудудига жойлашганлиги, ўша пайтларда бу ҳудуддаш жойлар бўлганлиги таъкидланган. Шунингдек асарда ҳар бир шахснинг уруғи ва шажараси кимларга боғланиши, қизиқишлари сингарилар аниқ номл ёки лақаблари билан кўрсатиб берилган. Масалан, Сакбоз –ит ишқибозлари гузарига тегишли бўлганлиги учун шу номни олган. Қулоқлашма (Тегирмонбоши) – бу ердагилар тегирмоннинг шовқинидан бир-бирларининг қулоғига пичирлаб гапирганликлари учун тегирмон атрофида яшайдиганларга нисбатан айтилган. Кўрғон тўпи – кўрғон атрофида яшовчиларга нисбатан айтилиб, улар асосан Ориф ҳожи авлодларидир.

Шунингдек қишлоқ аҳолиси нутқида хоразмликларга хос хусусият, яъни кишиларни ўз исми билан эмас, халқ томонидан қўйилган лақаб билан аташ анча устунлиги ахборот олиш жараёнида маълум бўлди. Ҳатто қишлоққа бегона киши бир -икки марта иш билан келиб кетса, унинг феъли, юриш-туриши ҳамда юмуши сингарилар кузатилиши натижасида қўйилган лақаб билан номланар экан. Тўхта камиссар- қишлоққа келиб-кетувчиларнинг қаердан келаётганини ёки нима иш қилаётгани билан қизиқиб, сўраб туривчи киши. Матлуба укаска – тарих ва география дарсларида кўпроқ харита олдида чўп билан давлатлар ҳақида маълумот беришга одатланган муаллима.

Кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, бугунги кунда келиб чиқиши бир макон , яъни Хоразм ҳудудига бориб тақаладиган мазкур аҳоли сўзлашув нутқида фарқли томонлар анчагина. Агарда бир-бирини танимаган урганжилик ва хидирэли туркмани билан учрашиб қолса, хидирэли туркмани суҳбатни ўз шеvasида бошласа, урганжиликлар хидрели туркманинг шеvasини тушунган ҳолда урганжи шеvasида жавоб қайтаради. Натижада хидирэли туркманлари талаффуз жиҳатидан шеванинг ўзига хос хусусиятлари сезилиб турадиган ўзбек адабий тилидаги мулоқотга ўтади. Шу боис ҳам тадқиқот объекти бўлган ҳар икки қишлоқ шеvasини қиёслаб ўрганиш жараёнида Урганжига нисбатан Туркман қишлоқ аҳолиси сўзлашув нутқида ўғуз лаҳжаси унсурлари анча кўплиги намоён бўлди. Чунки Урганжи қишлоғи ҳудуди деярли Самарқанд шаҳрига қўшилиб кетган. Шунингдек унга ёндош Бухори(асосан

тожик тилида сўзлашувчилар яшашади), Чордара (ўзбек, тожик, араб ва бошқа миллатлар аралаш ҳолда истиқомат қилишади) кишлоқлари билан чегарадош. Шу боис уларнинг аксарияти тожик тилини яхши билишади. Ўзбекча сўзлашув нутқида фикр баёни бир оз қарлуқ-чигил ҳамда тожик тилининг Самарқанд шевасига яқинроқ тарзда ифодаланиши сезилади. Туркман қишлоқ эса Урганжидан кейин жойлашган бўлиб, Қора найман ҳамда Пастдарғом тумани худудига тегишли Найман қишлоғи билан деярли қўшилиб кетган.

Мазкур ҳудуд аҳолисининг аксарияти тожикчани билмайди ёки тушунса-да гапира олмайди. Талаффузида ўғуз ва кипчоқ лаҳжаларига хос хусусиятлар урганжиликларга нисбатан анча устун. Адабий тилни деярли яхши ўзлаштирган. Шу боис улардан жуда қўплаб адабиёт ва санъат намоёндалари етишиб чиққан. Шунингдек информантлар суҳбатлашиш жараёнида Хоразм шевасига хос гашир(сабзи) мазкур шевада дастлаб гашир деб номлангани маълум бўлди. Аммо бугунги кунда сабзи тарзида қўлланилади. Хоразм шевасидаги опа мазкур худудда эна ёки она; тонқа (Хоразм ш.)-офтоба; дойи(Хоразм ш.)- дойи \\ тоға; келинойи - янга баъзан чеча, Хоразм шевасида чеча, бийи; пиёла – коса; чуқур тавоқ -лоп коса (суяқ овқат солинадиган коса); ёстик –така\\ёстик; лўла ёстик- ёстикнинг бир тури(шакли чўзинчоқ), ёнғок-ғўс, музламоқ- тўнгламоқ, тухум чучвара -ёмурта барак; хамир овқат - куртик (зоғара унидан тайёрланган таом), ёши катта киши- ёшули\\катта одам; маза қилмоқ- ҳазатмоқ; тез –ғирра; катта пул- шаппат пул; дўли-жўги\\ мўлтони; нега-научун; юқори - тапа қабилар.

Худуд аҳолисининг оғзаки нутқидаги ўз қатламга нисбатан ўзлашмалар шева луғатининг анча қисмини ташкил этиши маълум бўлди. Масалан, суҳбат-сўбат; супурги –жўроб; судратма-ғилминди; писмири- арзон, таъзия; ювғучи – мурдашўв; қовурилган чучвара –барак қовурдоқ; саллабандон(суннат тўйда она бўлдинг деб аёл кишининг бошига ўраладиган бош кийим; қўғирчоқ- зочак ва б.

Кўриниб турибдики, Туркман қишлоғига нисбатан урганжиликларнинг шевасида туркий сўзлар ўрнида тожикча сўз ёки унинг элементлари анча фаол тарзда қўлланади.

Хуллас, мазкур ҳудуд шеваларини кенг тарзда ўрганиш ва тадқиқ этиш диалектология фани олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

ЎЗБЕК ВА ТУРК ТИЛЛАРИДАГИ ОТ КАТЕГОРИЯЛАРИ ХУСУСИДА

М. Абдурахмонова

*(ЎзМУ доценти,
филология фанлари номзоди)*

XXI асрда туркология фанида тил бирликларининг умумий жиҳатлари ва хусусий ҳодисаларини структур-типологик ва семантик-функционал тасниф қилиш мезонларининг ягона тизимини яратиш долзарб муаммога айланди. Бу эса туркий тилларнинг луғавий бойлиги ва грамматик шаклларида қўлла-

шини ҳамда нуткий воқеланиши, морфологик категориялари парадигмаси ҳамда синтагматик алоқа воситаларини қиёсий ўрганишни тақозо қилади. Ўзбек тилшунослигида туркий тилларни қиёсий ўрганишга бўлган эътиборни кучийтириш жуда муҳимдир. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг олтинчи саммитида билдирган қуйидаги фикрлар эътиборга лойиқдир: "Миллакатларимиз долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда. Айни пайтда халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодиёт, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан ва таълим каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда". Президентимиз саммитда сўзлаган нутқида халқларни ўхшаш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келаётгани, бугунги кунда Кенгашнинг сиёсий кун тартибида ҳеч бир муаммо ёки келишмовчилик мавжуд эмаслигини қайд этди. Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорликни изчил ривожлантираётгани, ушбу халқаро тузилманинг қолажагига катта умид ва ишонч билан қарашини ҳамда "Туркий кенгаш доирасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Ҳозирги босқичда унинг фаолиятида мамлакатимиз учун ималий жиҳатдан кизиқиш уйғотадиган йўналишлар бўйича иштирок этишга тайёрмиз", дея таъкидлаб ўтди. Мазкур учрашув туркий тилли давлатлар муносабатларининг асоси, яъни улар халқларининг тарихий, этник-маданий ва маънавий яқинлигидан иборат (таъкид бизники) эканлигини яна бир бор тасдиқлади». Туркий халқлар ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайиши ва мустаҳкамланиши 70 йилдан ортиқроқ давр мобайнида туркий тиллар тизимида рўй берган муайян жиҳатдаги ўзгаришлар сабабларини лингво-типологик нуқтаи назардан ўрганиш имконини берди. Шу боисдан туркий тиллар грамматикасини қиёсий ўрганиш, грамматик категорияларнинг ифодаланишидаги имкониятларни очиб бериш, қардош тилларнинг лексик-грамматик сатҳларини таснифлашнинг умумий мезонларини ишлаб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Туркий халқларнинг ўзаро муносабатида юзага келган янгича ижтимоий ва жуғрофий омиллар асосида туркий тилларнинг ҳар бирида ўзига хос янгича хусусиятлар пайдо бўлди. Бундай ўзгаришларнинг сабабларини бир неча туркий тил мисолида лексик-морфологик сатҳлар, категориал белгилар, парадигматик ва синтагматик алоқа воситаларини қиёслаш асосида таҳлил этиш туркологиянинг мунозарали масалаларини амалий ҳал этиш имконини беради. Хусусан, категориал белгиларининг ўзгарувчанлигига кўра туркий тиллардаги от сўз туркуми ўзига хос мураккабликка эга. Ҳозирги ўзбек ва турк тилларидаги от туркумига хос категориялар бир-биридан фарқланувчи айрим хусусиятлари билан ажралиб турса ҳам, тарихий тараққиётнинг дастлабки босқичларида уларда умумий жиҳатлар нисбатан кўп бўлганлиги маълум. Шу маънода, машҳур тилшунос Фердинанд де Соссюрнинг «Бутун тил механизми фақат ўхшашликлар ва

тафовутлар атрофида айланади»¹⁹, – деган фикри ғоят ўринлидир. Ўзбек ва турк тиллари таракқиётидаги ўзгаришларни таккослашда куйидаги икки жиҳатга эътиборни қаратиш зарур: биринчидан, бу икки тил бой ёзма адабиётга эга ва бу адабиётлар тили узоқ муддат муштарак бўлганлиги аниқ, иккинчидан, бу икки қариндош ёзма адабий тиллар бир манбадан озикланганлиги сабабли, сўнги замонларда, айниқса, XX аср бошларида ўзаро яқин алоқада бўлиб, бир-бирига таъсир ўтказган. Маълумки, давр ўзгаришлари, биринчи галда, лексикада ўз аксини топади. Аммо нутқ механизми учун грамматик қонуниятлар муҳим эканлигини назарда тутсак, морфологик категорияларнинг, ҳамда сўз шаклларининг шаклий-вазифавий имкониятларидаги ўзгаришларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек ва турк тилларида от туркумига хос грамматик категорияларнинг ўрганилиши, аввало, отнинг грамматик категориялари ривожини ҳамда ундаги ўзгаришлар қонуниятларини аниқлаштиришга, бу эса муайян грамматик ҳодисалар, жумладан, отга хос грамматик категориялар моҳиятини умумтуркологик жиҳатдан тавсифлашга имкон беради. Зеро, «Грамматик категорияларни қиёслашни семаларнинг категориал хусусиятларини солиштиришдан бошлаш лозим». Маълумки, грамматик категория кўп сўзларда ишлатиладиган, бир абстракт умумий маъно асосида бирлашган ва маънолари бир-бирига зид икки ва ундан ортиқ грамматик шакллар йиғиндисидир. Грамматик категория ифодалаган абстракт маъно ва грамматик категорияга кирувчи грамматик шакллар ифодалаган абстракт грамматик маънолар, одатда, умумийлик – жузъийлик муносабатида бўлади. Масалан, ўзбек ва турк тилларида отлардаги сон морфологик категорияси, умуман олганда, абстракт сон маъносини ифодалайди, унинг ичига кирувчи грамматик шакллар (*китоб – китоблар*) эса жузъий маъноларни, яъни бирлик ва кўплик маъноларини ифодалайди. Чунки «бирлик» ҳам, «кўплик» ҳам сон ҳисобланади. Сон маъноси бирлик ва кўплик маъноларига иерархик жиҳатдан юқори туради, шундай ҳолатни эгалик ва келишик категориялари мисолида ҳам кўриш мумкин. Эгалик грамматик категориясида умумий абстракт маъно «эгалик» маъносидир. Категория ичига кирган грамматик фарқлар эса / -им, -инг, -и (-си); -имиз, -ингиз, -лари/ жузъий абстракт маъноларни, «биринчи шахс бирлик эгалиги», «иккинчи шахс бирлик эгалиги» каби абстракт маъноларни ифодалайди. Келишик морфологик категорияси ифодалаган умумий абстракт маъно «муносабат» (предметнинг бошқа предметларга ёки бошқа нарсаларга муносабати) маъноси деб тушунилади. Аммо бу категория ичига кирган грамматик шаклларнинг маънолари шунчалик ранг-барангки, уларни «муносабат» маъноси ичига киритиш қийин. Шу боисдан ҳам туркий тилларда келишиклар сони ҳар хил талқин қилинмоқда. Морфологик категорияларни аниқлаш мезонлари биринчи марта машҳур олим А.А.Смирницкий томонидан ишлаб чиқилган²⁰. Унинг фикрича, бу мезонлар куйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир грамматик категорияда энг камида иккита категориал шакл бўлиши керак.
2. Ҳеч қайси грамматик категория сўзнинг бутун тузилишини қоплай

олиқиди. Агар сўзни бутунлай қопласа, у грамматик категория эмас, балки объектив грамматик категориядир.

3. Бир грамматик шаклда бир неча грамматик маъно бўлиши мумкин. Масалани, инглизча *likes* сўзидаги -s грамматик шакл, учинчи шахс, бирлик (сон категорияси), «ҳозирги замон» (замон категорияси), фаоллик (нисбат категорияси), реаллик (майл категорияси), давом этмаслик (тарз/вид категорияси) маъноларни ифодалайдики, бу бир неча грамматик категориялар шакли ҳисобланади.

4. Грамматик шакл бир категориянинг иккита шакли бўлиб кела олмайди, яъни бир сўзда иккита келишик шакли, иккита сон категориясининг шакллари бўлиши мумкин эмас. Агар шундай бўлса, улар бошқа-бошқа грамматик категорияларнинг шакллари дур.

5. Икки ҳадли грамматик категорияда грамматик шаклларнинг бири объектив материал (ноль эмас) бўлиши керак.

Ўзбек ва турк тилларида отга хос грамматик категориялар, яъни сон, сифат, келишик категориялари мазкур тилларда алоҳида-алоҳида категория сифатида мавжуд бўлса-да, бу категориялар ўз ичидагина эмас, балки умумий жиҳатдан ҳам ўзаро узвий боғлиқ ва бири иккинчисини тақозо қилувчи тегинмчалардир.

Тил ҳодисаларини талқин қилиш билан боғлиқ объектив ва субъектив фарқлар ўзбек ва турк тилларидаги ўзига хос ҳолатларни баҳолашда эътиборга олиниши лозим. Масалан, «*Ankaralar ayaga kalkti*» (Анкаралар оёққа турди) жумласи, гарчи, ўзбеклар учун ҳам тушунарли бўлса-да, ўзбек адабий тили морфологик меъёри нуқтаи назаридан бу ҳолат анормалдир. Турк тили учун эса бу ҳолат нормал ҳисобланади. Буни қиёсланаётган ушбу тилларга хос объектив фарқ, деб қараш мумкин. Субъектив фарқ эса, қиёсланаётган тиллардаги бир хил ҳодисани турлича талқин этишда кўринади. Масалан, турк тилшунослигида от, сифат, олмош, сон сўз туркумлари «исм» умумий номи остида ўрганилади. Ёки «кўплик» тушунчаси ва «жамлаш» тушунчаси ўзаро фаркланади. Бундай ҳолатларни ушбу тилларга хос субъектив фарқлар сифатида баҳолаш мумкин.

Туркологияда отнинг грамматик категориялари хусусидаги қарашлар бир хил эмас. Баъзи тадқиқотчилар отнинг лексик-семантик гуруҳларини грамматик категория англатадиган маънолар билан қўшиб, қориштириб талқин этадилар. Масалан, турк олими М.Ҳенгирмен отлар мазмунига кўра етти турга бўлинишини таъкидлайди: *аник отлар, мавҳум отлар, атокли отлар, турдои отлар, бирлик отлари, кўплик отлари, тўда отлари*.

Т.Генжан эса отларни уч нуқтаи назардан тавсифлаб, қуйидаги турларини кўрсатади:

- 1) *берилган номларга кўра: атокли ва турдои отлар;*
 - 2) *предметнинг хусусиятига кўра: аник ва мавҳум отлар;*
- предметлар микдорига кўра: бирлик ва кўплик отлари.*

К.Дийканов «Қирғиз тилида от» мавзусидаги тадқиқотида отдаги сон категорияси хусусида шундай дейди: «От предмет маъносини англатувчи сўз туркуми сифатида сон шаклига эга. Чунки предмет ёки ҳодиса – воқеа яқка, алоҳида, уюшган ёки кўплик ҳолатида намоён бўлади. Бу отни бошқа сўз

туркумларидан ажратиб турувчи бош белгидир. Бундай фикрларнинг бошқа туркий тилларда ҳам мавжудлиги туркологияда от туркумининг категориал белгилари хусусида ҳали аниқ бир фикрга келинмаганлигини кўрсатади. Тилшуносликда грамматик категорияларни киёсий ўрганишда, профессор Ў.Юсупов таъкидлаганидек, грамматик категорияларнинг тусланиши ва грамматик шаклларнинг синкретизмига алоҳида эътибор бериш лозим. Назаримизда, туркий тиллар грамматикасида феълдан бошқа мустақил сўз туркумларини анъанавий грамматикамизда илгари сурилганидек, бир туркум – исм деб олиш тилларимиз мазмунига мос келади. Шунда исмлар турланади, феъл тусланади, деб аниқ фарқлаш янада осонлашади.

Ўзбек ва турк тилларида сўз туркумларини ажратишда морфологик кўрсаткич инобатга олинмас экан, барча мустақил сўз туркумларига тегишли грамматик категорияларни бир туркумга, масалан, отга хос дейиш мантиқан бу ҳодисани грамматик ҳодиса дейишга мажбур қилиш билан баробар бўлади. Маълумки, сифат ҳам, олмош ҳам, сон ҳам, турланиши мумкин. Туркий тилларда сўз туркумлари Ҳинд-Оврупа тилларидаги каби асосан морфологик кўрсаткичларига кўра фарқланмайди. Шунинг учун бирор сўзнинг от, сифат туркумига хослиги масаласига нисбий ёндашиш мумкин. Жумладан, *чол, камтир* каби сўзларимиз қанчалик от бўлса, шунчалик сифат ҳамдир (*чол киши, камтир хотин*) ёки «тахта кўприк», «олтин соат» каби бирикмалардаги *тахта* ва *олтин* сўзлари қанчалик от бўлса, шунчалик сифатдир. Демак, сўз туркумлари орасидаги бундай «ўтиш» ҳоллари, «отлашиш», «сифатлашиш» деб эмас, балки туркий тилларда сўз туркумлари фақат морфологик кўрсаткич асосида ажратилмаслиги, унинг «отлик» маъноси бирикма таркибида реаллашуви билан изоҳланади, Бирикма таркибида қайси маъно реаллашувига қараб, у ўзгарувчан (турланувчи) ва ўзгармас (турланмайдиган) бўлади. Бунда аниқловчи – аниқланмиш муносабати муҳим аҳамият касб этади. Аниқловчи (сифатловчи) турланмайди, аниқланмиш турланади. Умуман, ўзбек ва турк тилларининг морфологияси билан синтаксиси ўртасига қатъий чегара қўйиш мушкул. Шу боисдан кейинги пайтларда турк тилшунослари сўзларни тил тизимидан ажратилган яқка ҳолда эмас, балки уни контекст ичида, нуткий ҳодиса сифатида ўрганишга мойиллик билдирмоқдалар. Турк олими М.Эргин ҳам ўз тадқиқотларида ҳозирги турк тилида отларни умумий ҳолда «*isimler*» деб кўрсатади. Турк тилида сифат, олмош, равиш каби феълдан бошқа сўзларнинг от туркуми ичида «исмлар» номи остида таснифланиши ҳам мантиқан отга хос белгилар сифатга ҳам тааллуқли эканлигини билдиради.

Адабиётлар

1. Соссюр Ф. Труды по языкознанию. - М.: Прогресс. 1977. - С.144.
2. Щербак А.М. Очерки по сравнительной грамматике тюркских языков. Л., 1977.
3. Юсупов У.К. Проблемы сопоставительной лингвистики. - Т., 1980. - 84 с.
4. Hengirmen M. Türkçe Dil Bilgisi: -Анкара. 1991. 116 s.

mahorati shundaki, u antonim soʻzlardan foydalanishda zidlanayotgan soʻzlarning maʼnolariga ham alohida eʼtibor qaratib, ularni toʻla ravishda didaktik maqsadlariga yoʻnaltira olgan. Masalan:

Qara tun yaruq kanga yaqmas yarugʻ (2215)

Keltirilgan misolda *tun-kun, qara-yaruq* soʻzlari antiteza hosil qilgan. Baytda muallif asarda sutkaning yorugʻ va qorongʻu qismini ifodalovchi *tun* va *kunni* qarshilantirish bilan birga, oʻziga xos falsafiy fikrlarni ilgari suradi. Misradda qoʻllangan *qara va yaruq* soʻzlari *tun va kun* soʻzlarining sifatlovchisi sifatida qoʻllangan boʻlsa-da, oʻziga xos tarzda kontekstual antonimlikni yuzaga keltirgan hamda simvolik xarakter kasb etgan. Misolda zidlanayotgan soʻzlar oddiygina soʻz boʻlmay, oʻzida butun bir mohiyatni: (yorugʻ - qorongʻu, tun - kun) ezigulik va yovuzlik, yaxshilik va yomonlik, bir soʻz bilan aytganda, hayotiy haqiqatni aks ettirgani holda, insonni chuqur mushohada etishga chorlovchi falsafiy ahamiyat kasb etgan.

Shuningdek, asarda *esiz - edgu, koʻni - egri, chigʻay - bay, oʻgʻul - qiz, suchug- achigʻ, eraj - emgak, yaqin - yiraq, achim -toʻqum, asigʻ- yas, isigka - soʻgʻuqqa, erir - toʻngar* kabi juftliklar zid maʼnoda qoʻllangan. *Koʻni, suchug, eraj, emgak, yas, asigʻ* soʻzlari hozirgi oʻzbek adabiy tilida isteʼmoldan chiqqan. *Emgek* soʻzi ayrim fonetik oʻzgarishga uchragan shaklda qirgʻiz, qoraqalpoq va tatar tillarida uchraydi. Asarda *esiz - edgu* soʻzlari juda koʻp oʻrinlarda qoʻllangan.

Xulosa qilib aytganda, har qanday badiiy asarda ijodkoming individual uslubi, voqelikka boʻlgan munosabati va dunyoqarashi oʻz ifodasini topadi. Shuni alohida taʼkidlash kerakki, donishmand bobomiz "Qutadgʻu biligʻ" asarida til vositalaridan unumli foydalangani holda, har bir soʻzga yuklangan maʼno ustiga butun bashariyat uchun xizmat qiladigan ramziy maʼnolarni ham muhrlab qoʻyganki, necha asrlar oʻtsa ham axloqiy mezon, maʼnaviyat mayogʻi sifatida oʻquvchilarni ezigulikka chorlab kelmoqda.

OILA KONSEPTLI OʻZBEK VA TURK MAQOLLARI TAHLILI

S.Bozorova (*ToshDOʻTAU katta oʻqituvchisi*),

I. Bozorova (*Navoiy davlat pedagogika instituti oʻqituvchisi*)

Maqol xalqning asrlar davomida toʻplagan tajribalari asosida shakllangan, muallifi maʼlum boʻlmagan, ogʻizdan ogʻizga oʻtib kelayotgan, nasihat berish, toʻgʻri yoʻlni koʻrsatish maqsadida aytiladigan, oz soʻz bilan koʻp maʼno ifoda etish imkoniyatini beradigan janr sanaladi.

Maqollar mavzuviy jihatdan tahlil qilinsa, oila va qarindoshlik munosabatlari haqidagilari koʻproq ekanligini sezish qiyin emas. Chunki oila turkiy xalqlar hayotida muhim ahamiyatga ega boʻlgan qadriyat hisoblanadi.

Oila haqidagi maqollar ichida boʻydoqlik haqidagilari ham talaygina. Bu maqollarda oʻzbek va turk xalqlarining boʻydoqlikka salbiy munosabatda ekani yaqqol aks etadi. Turk xalqining *Bekâr gözü kör gözü* (*Boʻydoq koʻzi - koʻr koʻzi*), *Bekârın parasını it yer, yakasını bit* (*Boʻydoqning pulini it, yoqasini bit yeydi*), *Bekârlık maskaralıktır* (*Boʻydoqlik masxaralikdir*), *Varsa eşin rahatır başın, yoksa eşin zordur işin* (*Bor boʻlsa yoʻldoshing - qotmaydi boshing, Yoʻq boʻlsa yoʻldoshing*

quramidir ishing), *Evlenenle ev alana (yapana) Allah yardım eder (Turmush qurgan bo'lmaganiga Ollah yordam beradi)* kabi maqollari o'zbek xalqining *Bo'yoqning bo'lini bit yeydi, Topgan-tutganini it yeydi, Boshing ikki bo'lmaguncha Moling ikki ko'lmaydi* singari maqollariga hamohang.

Turk maqollarida qizlarni ertaroq turmushga berish, lekin qaror qabul qilishda do'stlik tavsiya etiladi. Fatma Başaran tomonidan Manisa shahri va qishloqlarida o'tkazilgan tadqiqotlar natijalariga ko'ra, qizlar uchun oila qurishning eng maqbul vaqti 16-20 yosh, yigitlar uchun esa 21-25 yosh hisoblanadi [2.148]. Oila qurish yoshi qishloq va shahar o'rtasida, oliy ma'lumot olgan va olmaganlar o'rtasida farqlanadi. O'zbeklarning oila qurish yoshi haqidagi fikrlari ham deyarli shunday.

Qiz farzand uchun sep yig'ish kerakligi haqidagi maqollar ham ko'pchilikni tashkil etadi. *Kız beşikte çeyiz sandıkta (Qiz beshikda, sep sandiqda)* turk maqoli qiz buda tug'ilishi bilanoq sep yig'ishga kirishish lozimligi haqidagi fikrning ifodasidir. Bu maqolda qiz bolaning juda tez voyaga yetishi, sepnining qizlar hayotida ma'lum ahamiyatga egaligi ta'kidlanadi. *Bo'y qiz – uchirma qush; Borning qizi sepi bilan, Yo'qning qizi ko'rki bilan, Sepli qizim bo'lguncha epli qizim bo'l; Sepli qizim kerilar, Sepsiz qizim serilar* maqollarida insonning asosiy boyligi uning sepi emas, go'zal tarbiyasi ekanligiga urg'u beriladi.

Maqollarda *Kızın kimi severe güveyin odur, oğlun kimi severe gelinin odur (Qizning kimni sevsa, kuyoving – shu, o'g'ling kimni sevsa, keling – shu)* maqolida turmush qurish masalasida yoshlarga erkinlik berilishi kerakligi haqidagi tavsiya bo'lsa-da, hayotiy tajribaga ega bo'lgan, ko'pni ko'rgan kishilarning maslahatiga quloq solish shartligi, ayniqsa, hissiyotga beriluvchan, yosh qizlar turmush qurishda o'zlashishi mumkinligi maqollar mazmunidan sezilib turadi: *Kızı kendi havasma burakirlarsa ya davulcuya varır, ya zurnacıya (Qizni o'z holiga qo'ysalar, yo karnaychiga tegadi, yo surnaychiga), Kızı kendi keyfine koysalar, çalgıcıya varır (Qizni o'z xohishiga qo'ysalar, sozandaga tegar), Ergen gözü ile kız alma, gece gözü ile bez alma (O'smir ko'zi bilan qiz olma, kecha ko'zi bilan (kechki payi) bo'z olma)*. So'nggi maqol o'zbek xalqining *Yosh yigitning ko'zi bilan qiz olma* maqoli bilan mazmunan tengdir.

Ikkala xalqda ham oila qurayotganda tomonlarning ijtimoiy jihatdan teng bo'lishiga e'tibor qaratiladi. Ayniqsa, qizning tagli-tugli, odobli, bilimli, tarbiyali bo'lishiga katta ahamiyat beriladi. Oila poydevorining mustahkam bo'lishi ana shu tanlovning to'g'ri bo'lishiga bog'liqligi haqidagi fikrlar maqollar mazmuniga singdirilgan: *Davul dengi dengine çalar (Nog'ora teng tengiga chalinadi), Halayıktan (beslemeden) kadın olmaz, gül ağacından odun (Begonadan xotin bo'lmas, atirguldan o'tin), Kenarın dilberi nazik de olsa nazenin olamaz (Qishloqning dilbari nozik bo'lsa ham, nozanin bo'lolmas), Kendinden küçükten kız al, kendinden büyüğe kız verme (O'zingdan kichik(past)dan qiz ol, o'zingdan baland(ustun)ga qiz berma), Kız alan gözle bakmasın, kulak ile işitsin (Qiz olgan ko'z bilan ko'rmasin, quloq bilan eshitsin), Pekmezi kaptan, kadını kökten al (Shinnini idishidan, xotinning asilidan ol) Lafın azı uzu, çobana verme kızı, ya koyun güttürür, ya kuzu (So'zning qisqasi: cho'ponga berma qizni, yo qo'y boqtiradi, yo qo'zi), Asili alması zor, saklaması kolaydır (Tagli-tublini olish qiyin, asrash oson), Babasının mezarını*

görmədiğin adama qız verne (*Otasining qabrini ko'rmagan odamingga qiz berma*) kabi turk maqollarida ijtimoiy hayotning turli muammolari, ular asosida kelib chiqqan xulosalar ifoda etilgan.

Quyidagi turk maqollarida erta turmush qurishning ijobiy va salbiy jihatlarini tilga olinadi: *Onbeşindeki kız ya erdedir, ya yerde* (*O'n besh (yoshdagi) qiz yo erda, yo yerde*), *Demir tavında, dilber çağında* (*Temir tobida, dilbar (yetilgan, go'zallashgan) chog'ida (o'z vaqtida)*), *Erken evlenen döl alır, erken kalkan yol alır* (*Ertā turmush qurgan ertali (nasilli) bo'lar, erta turganning yo'li unar*), *Erken evlenen yamilmamiş* (*Ertā turmush qurgan yanglishmaydi*), *İven (acele eden) kız ere varmaz, varsa da baht bulmaz* (*Shoshgan qiz erga tegmaydi, tegsa ham, baxtli bo'lmaydi*). O'zbek xalqining *O'tirgan qiz o'rnini topar, Shoshgan qiz erga yolchimas* maqollarida ham xuddi shunday fikr ifodasini ko'ramiz.

Turk maqollarida bir nikohlilik tavsiya qilinadi. Turkiylar tarixida ko'p nikohlilik ham kuzatiladi. Turk xoqonlari va beklarining o'z rafiqalaridan tashqari boshqa yurtlardan keltirilgan joriyalari ham bo'lgan. Lekin ularning farzandlari taxt vorisi bo'la olmagan, merosdan ulush ham ololmagan [3.159]. Hozirgi turk jamiyatida ham ikkinchi xotinga nisbatan salbiy munosabat shakllangan. Turk maqollarida ko'p nikohlilik tavsiya etilmaydi: *Kadının biri alâ, ikisi belâdır* (*Xotinning bittasi a'lo, ikkitasi balodir*), *Bir eve bir baca, bir kadına bir koca* (*Bir uyga bitta mo'ri, bir xotinga bitta er*). O'zbek xalqining *İkki sigiring bo'lsa – moy, İkki xotining bo'lsa – voy; İkki xotinlik uy ivirsir* kabi maqollarida bir nikohning ma'qullanishi haqidagi ma'lumotlar mujassam.

Maqollarda ularning yaratuvchilari bo'lgan xalqning tarixi, hayot tarzi, madaniyati, ma'naviy qadriyatlarini, e'tiqodi, orzu-istaklari, armonlari aks etadi. Shu bilan birga, maqollar orqali ma'lum davrga xos til xususiyatlarini o'rganish imkoniyati ham bor. Oila konseptli o'zbek va turk maqollari tahlili ikkala xalqning hayotiy tamoyil va qadriyatlarini juda yaqin ekanligini ko'rsatib turibdi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: filologiya fanlari doktori, professor To'ra Mirzayev, filologiya fanlari doktori, professor Asqar Musoqulov, filologiya fanlari doktori, professor Bahodir Sarimsoqov. – Toshkent: Sharq, 2005.
2. O'zbek xalq maqollari. – T., 1988.
3. Arsoy, Ömer Asım, Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü, Cilt: I-II, 3. b., Ankara: Türk Dil Kurumu Yay., 1981.
4. Başaran, Fatma, "Ailede Cinsiyet Rollerine İlişkin Tutum Değişmeleri". Türkiye'de Ailenin Değişimi, Ankara: Sosyal Bilimler Derneği Yay., 1984.
5. Gökalp, Ziya, Türkçülüğün Esasları, (Haz: Mehmet Raplan), İstanbul: Kültür Bakanlığı Yay., 1976.
6. Kağıtçıbaşı, Çiğdem, "Aile İçi Etkileşim ve İlişkiler: Bir Aile Değişme Modeli Önerisi" Türkiye'de Ailenin Değişimi, Ankara: Sosyal Bilimler Derneği Yay., 1984.
7. Kağıtçıbaşı, Çiğdem, İnsan Aile ve Kültür, İstanbul: Remzi Kitabevi Yay., 1990.
8. Feridun Fazıl, Türk Atasözleri ve Deyimleri, İstanbul: İnkılâp ve Aka Kitabevi, 1963

AKSILOGIK LEKSIKANIING FRAZEOLOGIZMLARDA AKS ETISHI

G. Komilova

(ToshDO'TAU o'qituvchisi)

XX asr jahon tilshunosligida antroposentrik ilmiy paradigma asosida bir qator yangi yo'nalishdagi tadqiqotlar yuzaga keldi.

Zero, tilni uni yaratuvchi va qabul qiluvchi shaxs bilan birga tadqiq etish yangi ko'lamdagi tadqiqotlarni talab etadi. Tilning jonli muloqot muhiti, butun boshli faol intellektual-ruhiy murakkab fiziologik jarayon sifatidagi tadqiqi tilga yanada mukammal yondashishni talab qildiki, aksiologik leksika doirasidagi ishlarni xuddi shunday tadqiqotlar safiga bema'lol qo'shish mumkin.

Aksiologiya ko'p vaqtlar falsafa, psixologiya, tarix kabi ijtimoiy fanlar doirasida o'rganilgan bo'lsa, keying yil lingvistikaning ham o'rganish obyektiga aylandi. Aksiologik tadqiqotlar dastlab A.A.Ivin, N.D.Arutyunova, M.Bolf, S.Pavlov, F.Serebryannikova kabi olimlar tadqiqotlarida o'z aksini topdi.

Aksiolingvistikada qadriyat, baho, axloqiy me'yor singari tushunchalar markaziy o'rinni egallaydi.

Qadriyat kategoriyasi o'zida qadriyat ob'ekting nafaqat qimmatini, balki ijtimoiy ahamiyati, falsafiy-aksiologik mazmuni, jamiyat va inson uchun qadriini ham ifodalaydi. Qadriyat kategoriyasidan aksiologlar har qanday narsa, shu jumladan, insonning ham biror tarzidagi ijtimoiy qadriini, ahamiyatini ifodalaydigan umumiy va universal kategoriya sifatida foydalanadilar [1, 27].

Xalq tomonidan yaratilgan maqol va matallar, frazeologizmlar va shuningdek, badiiy asarlar qadriyatlar sistemasi bilan bog'langan bo'ladi. Chunki xalq og'zaki ijodida ma'lum bir tushunchaga nisbatan munosabat ifodalangan ekan, unda xalqning asriy tarixi, madaniyati, o'ziga xos axloqiy normalari o'z aksini topadi. Ular o'z navbatida qadriyat va antiqadriyatlarini ifodalovchi, shakllantiruvchi va avloddan avlodga yetkazuvchi leksik maydon sifatida hayotning barcha jabhalarini qamrab oladi.

Aksiologik leksikaning o'rganilganlik darajasiga e'tibor beradigan bo'lsak, bunda Qozon lingvistik maktabi haqida alohida to'xtalish lozim. Ma'lumki, Qozon lingvistik maktabi uzoq tarixga ega. Kurtene asos solgan ushbu maktab dunyo lingvistik maktabalari ichida ko'plab ahamiyatga molik tadqiqotlari bilan ajralib turadi.

Mazkur maktab vakillari aksiologik leksikani o'rganishda ham o'ziga xos bir maktab yaratishda desak mubolag'a bo'lmaydi. Ular tadqiqot obyekti deb frazeologizmlarni tanlashdi. Frazeologizmlarda millatning obrazli tafakkuri, milliy-mental dunyoqarashi yaqqol ifodalangan bo'ladi. So'nggi izlanishlar shuni ko'rsatadiki, frazeologizmlarni o'rganish darajasi kengayib bormoqda. Bunga turli tillardagi lingvokulturologik, aksiolingvistik, pragmatik tilshunoslik doirasida olib borilayotgan ishlarni aytish mumkin.

Qozon lingvistik maktabi vakillaridan G.A.Bagautdinova, L.K.Bayramovalar yaratgan "Baxt haqida aksiologik frazeologiya" maqolasida baxt konseptining rus,

tatar va ingliz tillari frazeologizmlari misolida aynan shu xalqlarga xos mushtarak va farqli jihatlarni asoslangan bo'lsa [2], R.J.Yunusova tomonidan yaratilgan "Rus va tatar tillarida "mehmondorchilik" tushunchasi bilan bog'liq aksiologik frazeologizmlar" nomli dissertatsiyasi 470 ta rus va 700 ta tatar tili frazeologizmlari, 800 ga yaqin turli uslub va janrdagi boshqa til birliklari asosida "mehmondorchilik" mavzusining aksiologik ahamiyatini yoritishga qaratilgan [3]. Shuningdek, Gibatova, Karasik va boshqalarning qator ishlari keltirish mumkin.

Maqolamizda ruxiy aksiologema baxt haqida fikr yuritmoqchimiz. Baxt konsepti sharq va g'arb faylasuflari tomonidan o'rganilgan bo'lib, uzoq tarixga ega. Buni Aristotel, Forobiy, L.M.Arxengelskiy, italiyalik faylasuf Lorenzo Ball va boshqalarning qator asarlarini misol keltirish mumkin. Baxt haqidagi qarashlarda din bilan bog'liq oxiratda yetishadigan baxt yoki shu dunyoning o'zida erishiladigan baxt farqlangan. Mazkur konsepsiya to'g'risidagi kitoblarda baxtga erishish yo'llari sifatida mehnat, bilim, moddiy boyliklarga nisbatan aqlli munosabatda bo'lish, shaxs erkinligi va boshqalar ko'rsatilgan.

Frazeologizmlarni aksio-lingvistik aspektida o'rganish (qarindosh va qarindosh bo'lmagan tillarni o'zaro qiyoslash orqali) ma'lum bir millatning qadriyatlar sistemasi, jamiyatdagi axloqiy me'yorlari va asrlar osha xalq qadrlab kelayotgan munosabatlarni aniqlash imkoni topiladi.

Rus tilida baxt ramzlari *алые паруса* (oliy orzuning ramzi), tatar tilida esa sambit daraxti xisoblanadi, inliz tilida *one's guiding star* - yo'l ko'rsatuvchi yulduzi hisoblanadi [2, 3-5]. A.S.Grinning «Алые паруса» asari o'zbek tiliga "Qizil yelkanli kema" bo'lib tarjima qilingan va asarda *Алые паруса* umid ramzi bo'lib kelgan. O'zbek tilida humo qushi baxt ramzi sifatida *boshiga humo qushi qo'ngan* kabi. Shoir Zavqiyda ham shunday misralarga duch kelamiz: "*Boshlar uzra soya solsin humo yetkur*". Shuningdek, xalq dostonlaridan "Kutug'mish"da ham davlat qushi Kutug'mishning boshiga qo'ngach, uni podshoh etib tayinlashadi. O'zbek tili va adabiyotining nodir namunalaridan "Qutadg'u bilig" da ham o'z davrining ma'naviy-axloqiy masalalari badiiy talqin qilingan, turkiy xalqlar tarixi, madaniyati va qadriyatlar haqida batafsil ma'lumot berilgan. Asardagi baxt haqidagi mulohazalar: "*San'at, hunar misoli oq qush, humo qush soyasi tushgan odam davlat va saodatga erishganidek, hunar va san'at egalari ham baxtiyor bo'ladilar*" [4,73]. Demak, o'zbek xalqida hunar baxtga erishish vositasi sifatida qadrlangan.

Baxt aksiologemasi tahliliga bag'ishlangan tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, bir qator xalqlardagi mushtaraklikdan biri baxtni xudo tomonidan berilishi deb tushunishdir. Masalan, rus tilida *родиться под счастливой звездой* - baxt yulduz ostida tug'ilmoq; *счастливая планета выпала кому* - очень повезло кому (планета - планета) - juda omadi kelgan; ingliz tilida *be born under a lucky star* - baxtli bo'lib tug'ilmoq; *bless (или thank) one's stars* (мэс. thanks one's lucky stars) - taqdiran rozi, minnatdor kabi [2, 14].

O'zbek tilida *xudo bergan, taqdir siylagan, peshanasi yarqiragan, peshanasi olti qarich, baxti kulmoq, omadi kulgan, tolesi baland* kabi frazeologizmlarni misol keltirish mumkin. Shu bilan birga shevalarda qo'llanadigan *baxt sochi paxmoqnik*i iborasi ham ayni shu ma'noda ishlatiladi. Ya'ni, shunday insonlar bo'ladiki, ko'zga ko'rimsiz, oddiy, lekin taqdir ularni baxt bilan siylab qo'ygan insonlarga nisbatan

qo'llanadi. Misollar shuni ko'rsatadiki, o'zbek tili frazeologizmlarida baxt peshana leksemasi bilan ifodalaniib, baxtsiz aksiologemasi ham *peshanasi sho'r* iborasi orqali beriladi.

Shuningdek, baxtni o'ta hursandchilik deb qaralgan iboralar ham uchraydi: *boshi ko'kka yetgan, boshi osmonga yetgan, terisiga sig'may ketmoq, og'zining tanobi qochdi, qo'yi mingga yetdi, sevinchi ichiga sig'may ketmoq, do'ppisini osmonga otmoq*. rus tilida *на вершху блаженства* – juda baxtli, *на седьмом небе* – baxtdan yettinchi osmonda, ingliz tilidagi shu tipdagi frazeologizmlar *osmon, oy, lunvo, bulut bilan bog'lanib, hursandchilikning yuqori cho'qqisi ifodalangan: be/sit on a cloud, float on a cloud / on clouds / on the clouds / on air, in the seventh heaven, tread / walk on / upon air* singari.

Ingliz tilidagi frazeologizmlarda baxtli on, baxtli minut kabi baxtli daqiqalar doim qadrlanganini ko'rish mumkin: *day out* – eng yaxshi kun; *halcyon days* – tinch osoyishta kunlar, *a high spot* – baxtli daqiqa, ajoyib voqea; *mark a day with a white stone / diem* - o'z ma'nosida: *kunlarni oq tosh bilan qayd qilmoq, kunni baxtli, mashxur kun deb xisoblamog*; *a red letter day* – bayramona, hursandchilikka boy, esda qolarli kun; *sweet seventeen* – qizlarning baxtli yoshi (17 yosh) [2,14]. O'zbek tili frazeologik fondida bu kabi iboralar uchratmadik.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, frazeologizmlarda millatning obrazli tafakkuri, dunyoqarashi o'ziga xos ifodalangan bo'ladi. O'zbek tili frazeologizmlarida baxt taqdir sovg'asi sifatida *peшонasi olti qarich*, omad bilan bog'langanligini *omadi chopmoq*, shuningdek, paremiya va badiiy asarlarda *hunarli kishi xor bo'lmas maqolidagidek* hunar ham baxtga yetaklovchi qadriyat sifatida baxolanganini ko'rish mumkin.

Yuqoridagi iboralarning milliy xususiyatlari quyidagilar: baxt aksiologemasi do'ppi (milliy bosh kiyim), peshana, humo qushi kabilar bilan ifodalangan; somatik leksikaning ustunligi: *boshi osmonga yetgan, terisiga sig'may ketmoq, og'zining tanobi qochdi* kabi, zoonim komponentli frazemalar *qo'yi mingga yetdi* va boshqalar. Keyingi izlanishlarimiz maqol va matallarda ifodalangan baxt aksiologemasi tahliliga qaratiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Nazarov Q. Qadriyatlar falsafasi (aksiologiya). - Toshkent, 2004.
2. Багаутдинова Г.А., Байрамова Л.К. Aksiologicheskaya frazeologiya o sчасье // Ученые записки казанского государственного университета. Том 148, кн. 2. Гуманитарные науки – 2006.
3. Юнусова Р.Ж. Aksiologiya frazeologizmov so znacheniem 'gostepriimstvo / kuнакчылык' v russkom itатарском языках. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Казань – 2009.
4. Yusuf Xos Hojib. "Qutadg'u bilig". (Saodatga yo'llovchi bilim"). - Toshkent, 2014.

СУРХОНДАРЁ ШЕВАЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ВОҚЕЛАНИШИ

Н.Қобилова

(Термиз давлат университети ўқитувчиси)

Ўзбек шеваларини илмий асосда ўрганиш, ўзбек диалектологиясининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши рус турколог олимлари Е.Д.Поливанов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, В.В.Решетов ҳамда ўзбек олимларидан Ғози Олим Юнусов, Ш.Шоабдурахмонов, Ф.Абдуллаев, С.Иброхимов, Саидмусо Рахимовлар тадқиқотларида ёритилган. Бугунги кунда, барча соҳаларда бўлгани каби, тилшунослиқда ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 8 апрелдаги 321-сонли буйруғи асосида ўзбек халқ шеваларининг кўп жилдли луғатларини тайёрлаш учун Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида “Шеваларни йиғиш” бўйича Ташкилий кўмитга ва мутахассислар жамоаси тузилиши фикримиз исботидир.

Маълумки, шева материаллари ўзбек адабий тилининг ривожланиши учун қанчалик қимматли манба ҳисобланса, тарих ва этнография фанларига ҳам шунчалик бой ҳамда ишончли материаллар беради. Чунки жонли тил халқнинг тарихий ёдгорлиги ҳисобланади [3, 6-8]. Бу борада Сурхондарё шеваларини фонетик ва лексик жиҳатдан тадқиқ қилган олим С.Рахимовнинг ишлари диққатга сазовор.

Ҳар бир шоир ва ёзувчи ўз асарларида ўзи туғилиб ўсган худуд шеvasидан унумли фойдаланади. Чунки ҳар бир сўзнинг адабий тилга хос синонимлари бўлсада, улар ўзига хос маъно нозикликлари билан ажралиб туриши мил.ав. IV асрдаёқ машҳур файласуф ва нотик Продик томонидан исботлаб берилган. Шу боис бугунги кунда шевага хос сўзларни тадқиқ қилиш ва ёш авлодга етказиш замонавий тилшунослиқ олдида турган устувор вазифалардан саналади. Бугунги кунда кекса авлод вакиллари нутқида фаол қўлланиладиган кўплаб шевага хос сўзларимиз ҳозирги глобаллашув жараёнида ёшларимиз нутқида умуман учрамаслиги ва бунинг натижасида шевага онд бу сўзлар истеъмолдан чиқиб кетаётганлиги барчамизга аён.

Сурхондарё шеваларида шундай сўз ва иборалар мавжудки, улардаги маънони бошқа сўз билан ифодалаб бўлмайди. Шу боис ҳам ёзувчиларимиз бундай сўзлардан унумли фойдаланади. Бу эса ўша сўзнинг яшовчанлигини оширади десак, муболага бўлмайди. Бугунги кунда Сурхондарёда Қўнғирот-Хомкон уруғи нутқида фаол қўлланиладиган бир қатор сўзларнинг бадиий адабиётда қўлланилишини қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

1. **Тайтув** (аҳмоқ сўзига синоним бўлиб, салбий бўёқдорлик даражаси нисбатан кўпроқ). Масалан: *Пича тайтувроқ бу қиз ҳам “ака-опаларимиз билан ўқиганлар” сирасидан, Маҳмуд айтмоқчи, “Ё” синф ўқувчиларидан бири эди.* [5, 193]

.....Рамазон – гўл, *тай-тув* Рамазон лаққа ишонади, ҳеч балони мисолдан рози бўлади. Ҳушини йиғиб, қараса – атрофни милиционерлар ўриб турибди.[6]

Бу сўз контекстда икки хил маънода қўлланилади. Юкоридаги биринчи мисолда салбий маъно оттенкаси кучлироқ бўлиб, камситиш, менсимаслик каби маънолар бўлса, иккинчи мисолда эса ачиниш, ичқуярлик каби маъно оттенкалари мавжуд.

2. Тупканинг туби (жуда узоқ, чекка жой маъносида шева вакиллари нутқида фаол қўлланади). Мисол:*Биттагина имзо билан бунақа кўркам мавзои билга ўхшаганларга тортиқ қилиб юборган амалдор, чамаси, ё ишнам мисабхонасидан чиқиб келиб қаровсиз ётган бу “тупканинг туби”ни кўришга эришган, ё Э.Сафар тоифасидаги галвачилардан тезроқ қутулиш мақсадида эришганда имзосини босгану юборган.*[4,44]

3. Аллатовур (*залати, ёқимсиз* сўзларига синоним бўлиб, салбий бўёқдорлик нисбатан кўпроқ). Мисол:

– *Ҳали подвалга тушиб кетгани, салқин деб. Боши оғриётганмиш. Сиздан сал олдинроқ аллатовур бўлиб кириб келди. Ранги ўчган. Қайдам.*

– *Чақир!*[4,44]

4. Ҳах, шал-лаб (Хомкон шеvasида *ҳойшаллаб* дейилади. Ҳовлиқиб маъносида, нисбатан салбий маъно кўпроқ). Мисол:

Деразада Зокирнинг телба қиёфаси намоён бўлади.

– *Ҳах, шал-лаб! Отанг тенги одам билан падрошқа қилиб юрасан-у, менга балиқ опкелмайсан! Лаққасидан бўлсин менга, лаққасидан!*[4,124]

Сўзлашувда баъзида инсонларни таърифлашда “*Ҳойшаллаган нарса экан*” тарзида қўлланилади.

5. Шотаймас (ҳеч нарсадан қайтмайдиган). Мисол: *Ана шу сочларига ҳавас қилиб бултур уни Шўро бобомиз арзанда ўғли Амалбекка олиб берган эди. Шотаймас бола бу сочларнинг қадрига етмадимми ёки етса ҳам билагига маҳкам ўраб олмоққа чоғи келмадимми, бир ойга бормаи нозанин Мусаллам кокилдор отасиникига кетиб қолди.*[5,221]

6. Имдод (Хомкон шеvasида *иннод* дейилади, мойиллик, розилик маъносида). Мисол:.... *Бошқа масалаларда кимдан имдод сўраш керак? Йе, Каттаконимиз-чи! Бизга қўшилиб қарта ўйнамасе ҳам, ўзидан билиб, мана, қўргоннинг озгини икки ёндан силлиқ гишт билан бежирим қилиб кўтариб, гажакдор темир қопқа ўрнатиб берди-ку, бу ёғига ҳам қараб турмас!*[5,36]

Оғзаки сўзлашувда кўпроқ “*Ўзиданам иннод кетган-да*” ибораси ишлатилади.

7. Берман (бу ёққа). Мисол: – *Берман кел, – дедим. – Мана, дўхтир бовани олиб келдим, сени бир кўрсатайин, дедим.*[2,101]

8. Гуллигич (хонқизи). Мисол: *Далаларимизга хонқизи дегич ҳашарот айланди. Биз сурхонилар хонқизини гуллигич деймиз.*[2,106]

9. Қабат (ён). Мисол: *Қабатимда ўтоқ қилмиш дехқонлар ўз дарди ўзи билан бўлади.*[2,120]

10. Ила-чила (дарров, бир зумда). Мисол: *Онамиз ила-чила қайтади.*

– *Ҳа, нима, нима? – дейди.*[2,30]

11. Паналатиб (хеч кимга кўрсатмай, сездирмай). Мисол: *Онамиздан паналатиб-паналатиб аёлимизга кўр-мушт дўлайтираман.* [2,100]

Замонавий ўзбек адабиётидан Сурхон воҳасига оид бу каби мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Шевага оид бундай сўзларимиз тузилиши режалаштирилган Ўзбек халқ шеваларининг кўп жилдли луғатлари таркибидан жой олишига ишончимиз комил.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рахимов С. Ўзбек тили Сурхондарё шевалари. –Тошкент, 1985.
www.ziyouz.com

2. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. –Тошкент: Шарқ, 1994.

3. Эркин Аъзам. Жаннат ўзи қайдадир. –Тошкент: Шарқ, 2007.

4. Эркин Аъзам. Гули-гули. –Тошкент: Шарқ, 1950.

5. Эркин Аъзам. Анойининг жайдари олмаси. <https://ziyo.uz/o'zbek-nasri/>.

МАТН ТАҲЛИЛИ

Д.Қобулова

(ТошДўТАУ тадқиқотчиси)

Аждодларимиз қолдирган ёзма ёдгорликларга назар ташлаб, уларнинг беҳисоблигидан фахрланамиз. Бу ёдгорликларнинг бизга маълум бўлганларидан кўра ҳали маълум бўлмаганлари кўлга ўхшайди, назаримизда. Уларнинг бир қисмини боболаримиз давр талаби билан араб тилида ёзиб қолдирганлар, каттароқ яна бир қисмини эса форс тилида битганлар. Туркий адабий тилда, эски ўзбек тилида ёзилган тарихий ёдгорликлар ҳам буюк мероснинг катта қисмдан иборат эканини энди-энди чуқур хис қилаётганимизни сир тутмасак ҳам бўлади. Мустақил, миллий тараққиётга йўл очилиб, маънавий қадриятларни яқиндан ва бевосита ўрганишга интиляпмиз.

Туркча-ўзбекча ёзма обидалар ичида насрий ёдгорликларга қараганда, назмий асарлар кўпчиликни ташкил этади. Бу эса туркий халқларнинг азалдан вазнли нутққа, шеърятга баланд ихлос билан қараганликларини кўрсатади.

Қайси тилда, қанақа ёзувда ва қандай ёзилган бўлишидан қатъи назар, ёзма тарихий меросни қадрлаш, уларнинг борлиги ва бизгача солим етиб келганига шукроналар ва таҳсинлар айтиб ўрганиш, улардан керагича баҳраманд бўлиш, маънавий улush олиш ва уни бойитган ҳолда келгуси авлодларга етказиш биз – ворисларнинг муқаддас бурчимиз саналади.

Тарихий ёдгорликларга ҳар ким ҳар жиҳатдан ёндашади. Тарихчи олимнинг мақсади бошқача. У тарихий ёдгорликларни қўлга олар экан, унинг қайси тилда, қачон, қаерда ёзилгани, муаллифи, котиби, хати, қоғози ва асар ҳақидаги умумий тавсифни яратади.

Асар филологик жиҳатдан тадқиқ этилса, у чуқурлашади. Тилшунослик, матншунослик фанларининг ўлчови улардан яна фарқ қилади. Умумий мақсад эса ёдгорликнинг мазмунига етиш, унинг моҳиятини англашга қаратилган, улар шу мақсадга турлича йўналишдан борадилар.

Тилшунослик фанида энг аввал ёдгорликнинг тил материали бир жиҳатдан, муаллифнинг давр тили меъёрлари ва имкониятларидан фойдаланиб фикр баён қилиш усули, нутки иккинчи жиҳатдан қараб баҳоланади.

Ёдгорликнинг тил материали деганда, унда давр тили хусусиятларининг қанчалик акс этиши тушунилади. Бу материал тил бирликлари (фонетик бирликлар, лексик бирликлар) асосида ўлчанади.

Муаллифнинг нутки эса унинг шу асарни яратишда давр тили бисотидан қандай ва қанчалик маҳорат билан фойдалангани (ифода йўли, нутқ услуги, сўз сингари) соҳасидаги маҳорати қабилар) ни ўз ичига олади.

Матрни ўрганишда унинг мақсадига қараб маълум жиҳатлардан таҳлил қилишнинг алоҳида аҳамияти бор. Ўрни билан матн лисоний жиҳатдан таҳлил қилинади, ўрни билан бадий жиҳатлардан. Лисоний таҳлил лексик-семантик таҳлил, график таҳлил, орфографик-орфоэпик таҳлил, грамматик таҳлил, услубий таҳлил, пунктуацион таҳлил сингари таҳлил турларини ўз ичига олади. Агар матн бадий асар матнидан иборат бўлса, айниқса, шеърин асар бўлса, уни адабий турнинг ўзига хос ўлчови ва талаблари бўйича кўздан кечириш алоҳида аҳамият қасб этади.

Биз матрни ўрганишнинг энг муҳим таҳлилини уч асосий йўналишда кўрамиз. Шулардан биринчиси – грамматик таҳлил, иккинчиси услубий таҳлил, учинчиси – тасвирий санъат ўлчовлари бўйича ўтказиладиган таҳлил. Матннинг грамматик таҳлили матнда нима ёзилганини унинг тили, ёзилган даври, жанри, мазмуни, услуги сингари энг муҳим жиҳатларини таниб олишга ёрдам беради. Услубий таҳлил асарнинг ва асар муаллифининг ўзига хос услуб жиҳатларини билиб олишга ёрдам берса, асарни тасвирий санъат ўлчовлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш унинг бадий қимматини тасаввур қилишга имкон беради.

Ушбу кузатишларимизнинг мазмуни умумий тарзда бўлса-да, матнга услубий нуқтаи назардан ёндашишнинг мақсади, йўналишлари устида тўхталишдир.

Матни услубий таҳлил қилишда асар ёзилган давр тилининг ифода йўли ва муаллифнинг фикр аниқлаш усулларидан қандай фойдаланганини кузатади. Ўзбекча матни услубий нуқтаи назардан таҳлил қилганда, таҳлил қилинаётган матн тарихий матнми ёки замонавий асарми, энг аввал шунга эътибор берилди. Агар тарихий кўринишда бўлса, унинг ифода йўли ҳам тарихий услубда бўлади. Агар матн шу куннинг манбаларидан олинган бўлса, унинг ифода йўли ҳам ҳозирги ўзбек адабий тили услубий меъёрлари доирасида бўлади. Биз учун замонавий матн моҳиятини идрок этиш, табиий, унча қийин туюлмайдди. Уни тилимизнинг ҳамма услубий меъёрлари қолипига солиб таҳлил қилиб ўтиришга ҳам ҳожат қолмайдди. Аммо гап тарихий матнни тушуниш устида борса, уни услуб бўйича назардан ўтказиш лозим, бу матн илмий асар парчасими ёки бадий-таълимий мазмундаги манбадан олинганми? Агар бадий таълим асар намунаси бўлса, насрий шаклдами ёки назм йўли билан ёзилганми? Қайси давр манбаеми, унинг қандай кўчирмаси эканлиги ҳақидаги саволлар шундан кейин ечилади.

хаммасида ҳам араб, форс ўзлашма қатламлари учраб туради. Лекин шу билан бирга, «Бу ғазал кимники?», «Бу байт кимдан?» деган саволларга дуч келиб кўшишда шоирнинг номини ўқимай, эшитмай туриб олдиндан уни баралла кўрсатиб турадиган нозик нукталарини ҳис қилиш керак. Масалан, Лутфийда поёқ мукояса ва муболагалар, Отойида туркона таъбиру ифодалар, Саккокийда ўшишма қатламнинг кенглиги, Турди ғазалларида чапанича ифодалар, Ёшқинлик, Машрабда халқона равонлик, Навойида баённинг мураккаблиги, Ҳансафийлик, Бобурда сўз такрори ва такрорнинг такрорланмас маъноси ана шундай белгилар жумласидандир.

Алишер Навоий асарларини ўқиб ўрганиш жараёнида уларга шоирнинг унча хос ифода йўли нуктаи назаридан ёндашадиган бўлсак, алоҳида ва кенг услубий оламга дуч келамиз, Навоий ўзбек тилида ижод қилиш билан фақат бу тилнинг бадиий ижод учун яроқли эканини эмас, шу билан бирга, унинг кенг ифода имкониятларини ҳам очиб берди.

Ҳикоянинг қизиқарли боришини таъминлаш учун қўлланган усуллар Навоийда жуда хилма-хилдир. Масалан, у муболагани поғонама-поғона орттириб боради:

*Жондин сени кўп севарман, ай умри азиз,
Сондин сени кўп севарман, ай умри азиз,
Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас
Ондин сени кўп севарман, ай умри азиз.*

Бир кимсанинг бирор нарсани жондин ҳам ортиқ севмагида катта муболага бор. Бироқ шоирга бу ўлчов озлик қилиб, севгининг бошқа бир тарозиси бўлса, унда севги бирор миқдор билан (сон билан) белгиланса (ўлчаб белгилашнинг иложи бўлса), мен сени ўша ўлчов сонидан ҳам ортиқроқ севадурман, дейди. Охириги қисм-ҳаммасидан ортиғи: «севгининг бир ортиқ меъёри бордурки, бошқа севгининг ундан ортиқ бўлиши қийин, мен эсам сени ундан ҳам ортиқ севаман». Орттириш усулининг яна бири:

*Бу эл эрур барча ямондин ямон,
Ҳар не йўқ ондин ямон – ондин ямон!*

«Бу эл (риёкор шайхлар эли) эрур барча ямондин ямон!» Барча ёмондан ёмон бўлганидан кейин ёмонлашга бошқа гап қолмайди.

Лекин муаллиф бу гап билан чекланмайди, «Ҳар не йук ондин ямон–ондин ямон». Дунёда шундай ёмон одам борки, ундан ёмон одам бўлиши мумкин эмас, лекин бу эл (риёкор шайхлар эли) ундан ҳам ёмондир, – дейди.

Ёмонларнинг ёмонлигидан бешиш ҳолати, ундан узоқлашиш нияти ифодасини қаранг:

*Зулминг эрур кундузу, фисқинг кеча,
Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?!*

Шоирнинг ёзганларини мутолаа қилиш орқали унинг услубини ўрганиб бориш мумкин. Услубни билиб олгандан кейин шу шоирнинг айтганларини кенг ва тўғри изоҳлаш имконияти вужудга келади. Шоир нимани дейиши мумкин эмас? Шоирнинг гапини қандай маънода тушуниш керак? Шундай саволлар туғилганда услуб мезонини билиш кишига жуда қўл келади.

Алишер Навоийнинг адабий тил услублари соҳасидаги буюк хизматларидан яна бири махсус иш юритиш ва расмий ҳужжатлар услубини, нома-мактублар услуби ҳамда илмий баён услубини ишлаб чиқиши ва тартибга келтириши ҳисобланади. Навоий ҳар хил мактублар, ҳужжатлар, ҳукм ва фармонларнинг халқ тушунадиган тилда, содда, раван ёзилишини қайд қилиб: «... ҳар турлук арзадоштким, юқори битилса, ўқурда ўқув кишига ташвиш этмаса». «Туркча» хат (уйғур ёзуви) «била худ асло битилмасак, бу болби кавледаги бордур» - деб кўрсатади.

Кўринадики, бу даврларда ҳукумат маҳкамаларида, девонхоналарда туркий тилда махсус иш юритишнинг расмий ҳужжатлар услуби анча тартибга келтирилган.

Хулоса шуки, матнни ўрганишда, айниқса, мумтоз адабиётимиз намуналари билан танишув жараёнида услубий таҳлилларнинг ҳам катта ўрни бор. Матннинг ёзуви, хат санъати, қоғози, китобат кўриниши, тили, тил услуби, муаллифнинг ифода йўли ва бошқа катор жиҳатлар матннинг моҳиятини тасаввур қилишга ёрдам беради.

«КУТАДҒУ БИЛИГ»ДАГИ ШЕВА СЎЗЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИГА МУНОСАБАТИ

М.Холмурадова
(ТошДЎТАУ ўқитувчиси)

Шева – маҳаллий диалектнинг фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан умумийликка эга бўлган, бир ёки бир неча қишлоқни ўз ичига оладиган қисми.[1;3] «Кутадғу билиг»да келтирилган сўзларнинг 15 %ни ҳозирги ўзбек шеваларида ишлатилади. Қуйида дostonда фаол қўлланган, бироқ ҳозирги ўзбек адабий тилида ишлатилмайдиган, ҳозирги айрим туркий тиллар ва ўзбек шеваларида мавжуд бўлган сўзлар хусусида тўхталамиз.

«Кутадғу билиг» матнида **qonuq** (qon+(u)q) сўзи “меҳмон” маъносини билдирган: *Nelik arsiqar-sen aya oldāci, öziñ ekki künlük qonuq boldāci* – Нимага мағрурланасан, эй ўлувчи, ўзинг икки кунлик меҳмон бўлувчи(сан) (ҚБН, 3482; 130b3). Бу сўз Маҳмуд Кошғарий луғатида “меҳмондорчилик, зиёфат” маъносида ҳам қўлланган. Ўғузлардан бошқа қабилалар тилида *qonuq* “уй эгаси ёқтирмагани холда, бировнинг уйда туриш” маъносида қайд этилган (ДЛТ, Ш, 351). «Кутадғу билиг» даги *qonuiquq* “меҳмондўстлик”, *qonui* “бошпана”, *qonuiçi* “бошпана берувчи, эшик оғаси, бошлиғи” сўзлари *qonuq* лексемасига алоқадор. Бу сўзлар ҳозирда истеъмолдан чиққан. *Qonuq* Қашқадарё, Сурхондарё шеваларида “меҳмондорчилик, тўйларда бериладиган кичик зиёфат” маъноларида қўлланади.[4;164] Узоқдан келган қариндошлар, яқинлар тўй эгасига алоқадор шахс хонадонида тунаб қолишган ва улар қўноқлар ҳисобланган. Тўй эгаси томонидан қўноқларга меҳмон қилиш учун ажратилган масаллиқлар (гўшт, ёғ, гуруч) *қўниқ* деб номланган. Қорақалпоқ шеваларида қоналқа “меҳмон” тушунчасини ифодалайди: Қоналқама бир қозп сойдпрмасанг...[1;19] Меҳмонларга бериладиган овқат метонимия усулидаги

таъни кўчиши асосида қоналқа дейилади. [1;28] Қўноқ сўзи Зомин шевасида ҳам қоллиниб қолган. “Қишлоқларда узоқдан келган қўноқлар тўй эгасига яқин кишиларнинг уйларига олдиндан бўлиб берилган. Масалан, бир уйга Ўшдан келган кишилар “қўниққа” боришган бўлса, иккинчи хонадонга Ўшар қишлоғидан келганлар қўнишган”. [3;50] Ҳозирги турк тилида “меҳмон” маъноси асл туркий *konuk* лексемаси қатори *misafir* ва *mihman* ўзлашмалари билан ҳам ифодаланишини таъкидлаш зарур (ТРСл, 560).

Yitür = “йўқотмоқ, бой бермоқ”: *Yitürdüm yigitlik yetildi yaşım, yipär ketti kafur eşündi başım* – Йигитликни йўқотдим, ёшим етилди, ипор [яъни қора] етилди, бошим кофур [яъни оқ] ёпинди (ҚБН, 4744; 175a13). **Yit** = “йўқотмоқ”нинг орттирма даражаси ҳисобланмиш бу лексема “Девону луғотит турк”да ҳам шу маънода қайд этилган (ДЛТ, II, 363). Алишер Навоий асарларида ҳам қўлланган: Ҳар ойнаким, мусофир кўрган йўлга қадам урса ва етмиган водийга югурса йўл йитурмак эҳтимолли бор (АНАТИЛ, II, 80). Ўшанларда қўлланган *yitür* = сўзининг “йўқолмоқ” маъносидаги асоси ҳозирда Қашқадарё, Сурхондарё шеваларида *житирмоқ*, *житмақ* шаклларида, бирламчи маъносида ишлатилади. [4;105]

İñäk сўзи асарда “сигир” тушунчасини билдирган: *Ya qızda yurıǵlı qalın kör qotuz, ya tüzdä yurıǵlı ud iñäk öküz* – Ё тоғнинг кун тушмас томонларида юрувчи беҳисоб кўп кўтос (лар), ё текислик(лар)да юрувчи бука, сигир, хўкиз (лар) (ҚБН, 5259; 193b14). *İñäk* ҳозирда “сигир” маъносида Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд шеваларида қўлланади. [4;35] *İñäk* лексемасида “жинсга мансублик”, “урғоччилик” семаси акс этган. Маҳмуд Кошғарий ўғузлар тошбақанинг урғочисини *iñäk* деб аташини айтиб ўтган (ДЛТ, I, 135). “Древнетюркский словарь”да бу лексемалар омоним тарзида изоҳланган (ДТС, 211). Бу ўринда Маҳмуд Кошғарий фикрларида асос бор: *iñäk* “сигир” тушунчасини ифодалаганда ҳам “урғочи жинс” семасини намоён этади.

Bek “маҳкам, берк, мустаҳкам”, *kenç* “чақалоқ, гўдақ”, *kizla* “яширмоқ, сақламоқ, асрамоқ”, *uşaq* “майда, ғийбат”, *uşaqı* “ғийбатчи, ёлғончи, майдагап одам”, *usal* “бепарво, беғам”, *ülgülä* = “ўлчамоқ”, “аниқламоқ”, *ülgülüg* “ўлчовли, бир маромда”, *bekla* = “маҳкамламоқ, мустаҳкамламоқ, кучайтирмоқ”, *qımartıqı* “васиятнома, мерос”, *qarıǵ* “эшик”, *niql* “ширинлик” сўзлари ҳозирги ўзбек шеваларида қўлланади.

Шевалар адабий тилни бойитувчи ички манба ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, энг қадимги лексик бирликларни ўзида мужассамлантирадиган, семантик ўзгаришларни намоён этадиган мулоқот шакли ҳамдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қарлибаева Г. Ажиниёз асарлари тилининг семантик-стилистик хусусиятлари. Филол. фан. док. дисс. – автореф. – Нукус, 2017.
2. Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Т., 1978.
3. Тўйчибоев Б., Қашқирли Қ. Зоминнинг тил қомуси. – Т.: Akademyashr, 2012.
4. Ўзбек халқ шевалари луғати. – Т., 1971.
5. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., 2002.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА СИНОНИМЛАР ТАВСИФИ ВА ТАЛҚИНИ

А.Эшмўминов (Термиз давлат университети ўқитувчиси)

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида синоним ва у билан боғлиқ ҳодисаларни атовчи терминлар ҳар хил талқинга эга бўлиб, мазкур изоҳларнинг турлича келтирилиши луғат муаллифларининг тадқиқ объектига ўзига хос ёндашувини белгилайди.

1981 йилда чоп этилган ЎТИЛда синонимга “товуш состави, талаффуз жиҳатдан бошқа-бошқа, аммо маъноси бир, ўхшаш ёки жуда яқин сўзлардан ҳар бири” дея таъриф берилади. Шу ўринда луғатда синоним, синонимлик, синонимика, синонимия тушунчаларига қисқа изоҳ бериб ўтилган.

Шунингдек, ЎТИЛнинг 2006 йилдаги нашрида ҳам синонимларга шакли ҳар хил, маъноси бир хил ёки бир оз фаркли бўлган тил бирликлари қаторидаги ҳар бир тил бирлиги дея тавсиф берилади. А.Мадвалиев таҳрири остида нашр этилган мазкур луғатда синоним, синонимлик, синонимика, синонимия тушунчалари маънодош тушунчасига нисбат бериб шарҳланган. Луғатдаги маънодош тушунчасига берилган изоҳда ҳам шунга мос шарҳ берилади, аммо бу ўринда маънодошлик билан синонимия ўртасидаги алоқадорлик борасида ҳеч нарса айтилмаган.

ЎТИЛнинг ҳар икки нашрида берилган сўз синонимик, полисемантик қуршовга эга бўлгани ҳолда, шу қуршовга алоқадор ҳар бир изоҳ араб рақамлари (1, 2, 3, 4 ва ҳ.) билан, шаклдошлик ҳолатида эса Рим рақамлари (I II III ва ҳ.) билан белгиланиб изоҳланган. Шунингдек, тегишли сўзнинг маънодоши мавжуд бўлгани ҳолда, унинг асл маъносига тенг келувчи синонимларнинг намуналари ҳам [] белгиси ичида ёхуд унингсиз, очиқ матнда, аммо лексик-семантик таснифсиз, шу таснифга ишора берувчи шартли белгиларсиз келтирилган. Ҳолбуки, аксар сўз ва сўз бирикмаларига (масалан, АТАЛМОҚ 1 атамoқ фл. мжҳ. н. 2: деб аталади айн. дейилади қ. демoқ) морфологик тасниф юзасидан ишора бериб ўтилган.

Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимовалар томонидан тузилган “Адабиётшунослик терминлари луғати”да синонимларга маънодош сўзлар, моҳияти билан бир хил бўлган ёки бир-бирига яқин турган, бироқ шакли билан бошқа-бошқа бўлган сўзлар, дея муносабат билдирилади. Луғат муаллифлари эски ўзбек тилида бундай сўзларнинг арабча муташобих деб аталганини қайд этиб, синоним сўзларни қўллаш нарса ва ҳодиса ҳолатини аниқроқ кўрсатишда аҳамиятли эканини таъкидлайдилар.

1979 йилда нашрдан чиққан “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да ҳам синонимларга изоҳ бериб ўтилган. Бироқ мазкур изоҳ ўзигача чоп этилган “Адабиётшунослик терминларининг изоҳли луғати”да келтирилган таърифдан ҳеч бир жиҳати билан фарқ қилмайди.

Мазкур нашрлардан фарқли, “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати”да синонимик қатор, синонимия, синоним конструкциялар, синонимлар сингари терминлар тушунтириб ўтилган. Хусусан, луғат муаллифи А.Ҳожиёв

синонимия ходисасини тил бирликларининг (сўзлар, иборалар ва б.) бир хил денотатив маънога эга бўлиши сифатида изоҳлайди ҳамда синонимиянинг: лексик синонимия, фразеологик синонимия, аффиксал синонимия, синтактик синонимия сингари турларини ажратади. Синонимлар изоҳида эса академик олимнинг: “Денотатив маъноси бир хил, коннотатив маъноси (кўшимча маъно оттенкаси, стилистик бўёғи) ва бошқа хусусиятлари фаркли сўзлар” деган фикрлари келтирилган.

Қайд этиш керакки, синонимлар шарҳи, уларнинг табиатига доир тушунчалар синонимлар изоҳига бағишланган алоҳида луғатлардагина ифода топмасдан, ўрта ва олий таълим учун мўлжалланган илмий-ўқув адабиётларда ҳам берилади. Масалан, Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тили изоҳли фразеологик луғати”, Ж.Лапасовнинг “Бадийий матн ва лисоний таҳлил” номли ўқув қўлланмаси, Ш.Бобожонов, И.Исломовларнинг “Ўзбек тилининг сўзлар диражаланиш ўқув луғати” ва бошқалар шулар қаторидандир.

Хусусан, синонимияни иборалар мисолида чуқур таҳлил қилиб берган атоқли олим Ш.Раҳматуллаев мазкур ходисани тил бирликлари орасида семантик микросистемалардан бири сифатида таърифлайди ҳамда уларнинг иборалар орасида ҳам талай эканлигини кўшиб ўтади. Олимнинг фикрича, икки иборани синоним дейиш учун улар айна бир маънони англатиши шарт. Айна бир маънолиликни тенг маънолилик деб тушуниш ярамайди. Ҳар бир синоним, шу синонимия уяси учун умумий маъно ўзагидан ташқари, ўзига хос маъно қиррасига эгадир. Фразеологик синонимларни белгилашда улар асосида бошқа-бошқа образнинг ётиши ҳам ҳисобга олинади. Масалан, *бир оғиз, бир ишиги, бир чимдим* синоним иборалари асосида ҳар хил образлар ётади: сўзлаш органи; бир бош узумнинг қисми; чимдиб олинган микдор. Синоним ибораларни бир иборанинг вариантларидан ажратиш керак. Бунда ибораларнинг сўз-компонентларига диққат қилинади. Лексик таркибида айна бир сўз-компоент қатнашмайдиган ибораларнинг синоним эканига шубҳа йўқ: “бутун тафсилоти билан”, “майда-чуйдасигача” маъносини англатадиган *ипидан игнасигача, миридан сиригача, қилидан қуйруғигача* иборалари ўзаро синоним бўлиб, улар таркибида умумий сўз-компонент йўқ.

Мазкур луғат ўзида иборалараро синонимия ходисасини ибора нариантларидан ажратиш, уни иборалараро полисемиядан фаркларга қаратилган тамойилларни жамлагани билан қимматлидир. Жумладан, айна бир маънолилик моносемантик фразеологик бирликларда ибора билан ибора орасида белгиланади. Агар синонимик муносабатда полисемантик ибора қатнашса, иборадан эмас, балки конкрет фразеологик маънодан келиб чиқиш зарур. Чунки ҳар бир фразеологик маъно ўзича синонимга эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги мумкин.

Атоқли олимнинг ушбу қарашларини ЎТИЛда берилган қуйидаги икки мисол ҳам тасдиқлайди. Яъни юқорида эътиборга олинган ҳар икки нашрда тегишли сўзнинг маънодоши (мавжуд бўлишига кўра) келтирилиб, қуйироқда мазкур сўзлар юзага чиқиши мумкин бўлган маъно қуршови келтирилади. Масалан, аҳд [а.-ваъда бериш, сўз бериш] 1.Ўзига ёки ўзгага қатъий берилган сўз, ишонтириш сўзи; қарор. Аҳд қилмоқ Жазм қилмоқ. *Сизни жуда кўп*

эсладим, жуда кўп ўйладим, кейин шу хатни ёзишга аҳд қилдим. О.Ёкубов
 Тилла узук. 2.Шартнома, келишув, битим. *Биринчи сентябр, бутун халқимиз*
Тинчликнинг аҳдига кўяди кўлин. Ғ.Ғулом. Ёки **аъзо** [а. – узвлар, қисмлар]
 1.Одам ёки ҳайвон организмнинг муайян бир вазифани бажарувчи қисми
Сези аъзолари, ички аъзолар. 2. Кишининг бутун вужуди; бадан, тана 3. Бирор
 гуруҳ, ҳудуд ва ш.к.да яшовчи, унга мансуб шахс. *Оила аъзоси, маҳалла аъзоси.*
 4. Бирор гуруҳ, кенгаш, жамоа, жамият ва ш.к.га расмий қабул қилинган,
 сайланган, унда фаолият кўрсатувчи шахс, жамият, мамлакат ва ш.к.лар
Партия аъзоси, кенгаш аъзоси Келтирилган 1-мисолнинг семантик хусусияти
 2-мисолнинг семантик хусусиятидан фарқ қилади. 1-мисолда сўзлардаги
 синонимик алоқадорлик, 2-мисолда полисемияга оид ҳолат яққол кўриниб
 турибди. Биринчи ҳолатда *Сизни жуда кўп эсладим, жуда кўп ўйладим, кейин*
шу хатни ёзишга аҳд қилдим жумласидаги аҳд қилмоқни ўрни билан қарор
қилмоқ, жазм қилмоқ қурилмалари билан; *Биринчи сентябрь, бутун халқимиз*
Тинчликнинг аҳдига кўяди кўлин мисолидаги аҳдига сўзини *шартнома(си)га,*
битим(и)га, келишув(и)га сўзшакллари билан бемалол алмаштириш мумкин.
 Бирок иккинчи ҳолатда лексик алмаштиришнинг имкони мавжуд эмас: *партия*
аъзоси (қисми эмас), *оила аъзоси* (узви эмас), *ички аъзолар* (ички қисмлар эмас).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Рус тили, 1981.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
3. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
4. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент, 1985.

TURLI TIL ASPEKTLARIDA “GO‘ZALLIK” KONSEPTNING VOQELANISHI

T.Yandashova
 (ToshDO‘TAU tadqiqotchisi)

Tilshunoslikda har bir til hodisasi turlicha talqin etiladi. Nafaqat tilshunoslikda, balki jami ijtimoiy-siyosiy ilmlarning asosi bir-biriga zid, ayni paytda bir-birini to‘ldirib turuvchi fikrlar, nazariyalar asosiga quriladi. Shunday ekan, tilda mavjud har qanday til birligi tilning turfa xil aspektlari doirasida o‘rganilishi bu – aynan o‘sha til birligiga nisbatan mukammal tadqiqotlar va dolzarb fikrlar yaratilishiga zamin hozirlaydi. Jumladan, konsept tilning ijtimoiy-madaniy sathiga tegishli kognitiv, shu bilan birga, lingvokulturologik birlik bo‘lib, uning tilning nazariy aspektlari doirasida talqin qilinishi konseptning qay darajada tugal lingvistik hodisa ekanligini aniqlashga yordam beradi.

Jahon tilshunosligida konsept va uning o‘rganilishi bilan bog‘liq tadqiqotlar talaygina. Biroq bu fikrni o‘zbek tilshunosligiga nisbatan qo‘llash biroz noo‘rin, bizningcha. Ayni paytda ikki, uch til qiyosida turli xil lingvokulturologik konseptlarni o‘rganishning ilmimizda jadal tus olayotgani, bu sohada ham kelgusida

astaricha ilmiy qo'riqlar ochilishidan darak berib turibdi. Xususan, go'zallik konsepti va u bilan bog'liq tadqiqotlar juda ko'p jahon tilshunoslarining tadqiqotiy faoliyatiga aylanib ulgurgan. Biroq mazkur til hodisasining ba'zi jihatlarida borki, tilda juda ko'p munozaralarga sabab bo'lishi mumkin. Jumladan, go'zallik konseptining:

- Milliy-mentalligi bilan bog'liq
- Gender xususiyatlariga asoslangan
- Ijtimoiylik kasb etishi nuqtayi nazaridan quyidagi turlarini alohida ajratib ko'rib chiqish mumkin.

- An'anaviy va individual go'zallik kognitiv belgilari
- Milliy va universal go'zallik kognitiv belgilari
- Standart va nostandart go'zallik kognitiv belgilari.

Bundan tashqari go'zallik konsepti qaysi til aspekti doirasida voqelanishi jihatidan ham leksik-semantik, morfologik, sintaktik, frazeologik qiymat kasb etadi. Aynan shu doirada o'rganilishi esa tadqiqotchining mazkur konseptga yanada chuqurroq kirishishiga yordam beradi. Masalan, go'zallik konseptining leksik-semantik talqinlarida xuddi shu konsept atrofida to'planuvchi jamiki leksemalarning kelib chiqishi, lug'aviy ma'nosi bilan bog'liq ma'lumotlar to'plab o'rganiladi. Bu go'zallik konsepti bilan bog'liq assotsiativ til fondini yaratish uchun juda samarali tadqiqot bo'lib xizmat qilishi mumkin. Chunonchi, birgina "go'zal" so'zining o'zini leksik-semantik tahlilga tortsak, bu so'z o'zbek tilining besh jildli izohli lug'atida "juda ham chiroyli, husndor, xushro'y" kabi sinonimlar va "kishi ko'zini quvontiradigan, kishini maftun etadigan, zavqlantiradigan", "zavq-shavqqa boy, xorzavq, unutilmas (davr, vaqt haqida)" [1; -530 b.] kabi sifatlardan iborat bo'lgan hamda, shuningdek, u muloqot jamiyatida xotin-qizlar ismi vazifasini bajarishi ham aytib o'tilgan. Bunda e'tibor berishimiz kerak bo'lgan asosiy nuqta ham aynan shu – oxirgi izohdir. Nega aynan xotin-qizlar ismi? Chunki go'zal so'zi tilmizda hamisha ayollarga, tabiatga va ba'zi bir voqea-hodisalarga nisbatan qo'llaniluvchi leksema hisoblanadi. Va bu bevosita mazkur leksemaning gender ahamiyatga ega so'z ekanligiga ishora qiladi. Fikrimizni asoslash uchun tilmizda mavjud bo'lgan "go'zal" so'zining sinonimlariga murojaat qilamiz. "Go'zal" leksemasi o'zbek tilining jonli muloqot sharoitida hech qachon erkaklarga nisbatan qo'llanilmaydi. Yoinki, "nozli, ishvali" so'zlari go'zallik parametrlarida ayollarga nisbatan ijobiy semantik voqelikni gavdalantirsa, bil'aks, erkaklarga nisbatan salbiy semantik bo'yog'orlik kasb etadi. Go'zal so'zining mutlaq gender ahamiyatga ega ekanligini "O'zbek tilining etimologik lug'ati"da keltirilgan quyidagi izoh ham yaqqol isbotlaydi. "Go'zal - xushro'y, husndor. Bu sifat asli qadimgi turkiy tildagi "nazar sol" ma'nosini anglatgan 'ko's' fe'lidan -al qo'shimchasi bilan yasalgan. Keyinchalik so'z boshidagi k undoshi g undoshiga, unililar oralig'idagi s undoshi z ga almashgan; o'zbek tilida o' unlisining yumshoqlik belgisi yo'qolgan. Bu sifat asli "o'ziga e'tiborni tortadigan" ma'nosini anglatgan bo'lib, "xushro'y" ma'nosi shu ma'no asosida o'sib chiqqan" [2;88]

Leksemaning etimologik ma'nosi ham mazkur sifating ko'rish, his qilish ongli faoliyat turlari bilan bog'liq estetik xususiyat ekanligini anglatmoqda. Shu ikki lug'atning o'zidayoq "go'zal" so'zining ham gender (lingvokulturologik), ham estetik jihatga ega ikki eng muhim tomonini ta'kidlab ko'rsatish mumkin. Shu jihatdan,

go'zallik konseptining assotsiativ til fondini leksik-semantik tadqiq etish qimmatli ahamiyatga ega. Bundan tashqari, *go'zal* so'zi semasiologik nuqtayi-nazaridan, tilimizda darajalanish xususiyatiga ega leksema hisoblanadi. Uning ma'no taraqqiyotida o'ziga yondosh leksemalar orasida sezilarli ma'no nozikliklari bilan ajralib turuvchi ba'zi jihatlarni ilg'ab olish qiyin emas. Chunonchi, "go'zal" so'zi "istarali" so'zi bilan qiyoslanganda, mazkur so'zning semantik tarkibi "go'zal" so'zi ifodalagan mukammallik etaloniga nisbatan biroz qashshoq, biroz quyiroq darajada ifodalagani bois, garchi ikkisi ham bir xil nuqt sharoitida qo'llanilsa-da, har doim ham kontekstda teng munosabatni ifodalamaydi. Shu boisdan ham, tilda, ayniqsa o'zbek tilida so'zning ma'no qirralari, leksik-semantik tadrijiy taraqqiyoti bilan bog'liq hosilalar muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Konseptni morfologik tahlil qilish aynan shu konsept doirasidagi leksemalarning qo'llanilish chastotasi bilan bog'liq muhim ma'lumotlarni qo'llanib kiritish imkonini beradi. Isbot uchun taniqli rus tilshunos olimasi A.A.Volkovaning "Ingliz tili parfyumeriya reklamalari matnida go'zallik konseptining yosh va gender jihatlari ifodasi" [3;15] nomli maqolasiga murojaat qilmoqchimiz. Mazkur tadqiqotda jami 50 ta reklama matni o'rganilgan bo'lib, ularda hammasi bo'lib 127 ta til birligi mavjudligi aniqlangan. Bu til birliklari orasida 21 ta ot, 78 ta sifat, 1 ta undov so'z, 27 ta so'z birikmasi (ularning ham 24 tasi oti, 2 tasi holli, 1 tasi fe'lli) ekanligi qayd qilinadi. Biz uchun mazkur tadqiqotning muhim jihati shundaki, mazkur tajriba bizga go'zallik konseptini ifodalovchi leksik birliklar fondida sifat leksemalar eng yuqori natijaga ega ekanligini ko'rsatmoqda. Bu esa, har qanday til birligining qo'llanilish holatlari bilan bog'liq morfologik tadqiqotlarning ham nechog'lik qimmatli ahamiyatga ega ekanligidan dalolat beradi.

Sintaktik birliklar sifatida, asosan, birikmali qurilmalar va gapshakllar qayd etilsa, go'zallik konseptida, asosan, o'xshatishli birikma va jumlarlar, asosan, katta qismni tashkil etadi. N.Mahmudov, D.Xudoyberganovalar hammuallifligidagi "O'zbek tili o'xshatishlarining izohli lug'ati" dan keltirilgan quyidagi misollar leksemalarni asoslashimiz mumkin. *Gulday go'zal, g'umchaday nozik, qo'g'irchoqdek bejirim, suvday pokiza* va hokazo. *Pari paykar, hur-u g'ilmon* kabi an'anaviy parafrazalarni ham shular qatorida sanash mumkin. Yuqoridagi misollar doirasida go'zallik konseptining nafaqat leksik-semantik, morfologik-sintaktik xususiyatlari, balki ichki bo'linuvchanlik asosida uslubiy-semantik, frazeologik-metaforik, paremiologik xususiyatlarini ham alohida tadqiq etish mumkin. Birgina uslubiy-semantik go'zallik kognitsiyasi o'z ichida ijobiy ottenka, salbiy ottenka, yoki neytral ottenka bildiruvchi leksemalarni qamrab olishi bilan ahamiyatli. Misol uchun, *kelishgan, chiroyli, yoqimli* so'zlari neytral ijobiy ottenkani ifodalasa, *xunuk, badbashara, ajinasifat* leksemalari mutlaq salbiy bo'yoqdorlikni ifodalash uchun xizmat qiladi.

Umuman olganda, go'zallik konseptini tilning barcha aspektlarida barobar tahlilga tortish mumkin. Va bu tahlillar go'zallik kognitsiyasining o'zbek tili lisoniy bazasida mavjud jamiki lingvistik qirralarini ochishga ko'mak berishi, shubhasiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'TIL: - T.: O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2006.

1 Rahmatullayev Sh. O'zbek tilining etimologik lug'ati: - T.: "Universitet" nashriyoti – 2000, 1 jild.

1 Полкова А.А. Языковая репрезентация гендерных и возрастных особенностей концепта "beauty" в англоязычных текстах рекламы косметики // Современные научные исследования и инновации. 2015. № 12.

4 N.Mahmudov, D.Xudoyberganova. O'zbek tili o'xshatishlarining izohli lug'ati. - T.: Ma'naviyat, 2013.

ДИГНИТОНИМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Т.Эназаров (ТошДЎТАУ профессори),
М.Хусанова (ТошДЎТАУ мустақил тадқиқотчиси)

Биламизки, қадим тарихимизда кишиларни рағбатлантириш учун унвон, орден ва медаллар таъсис этилгани каби, бугунги кунда меҳнат қилиб, обрў топганларни давлатимиз томонидан эътироф этиш мақсадида унвон(расмий ва фахрий)лар, орден ҳамда медаллар таъсис этилиб, уларга лойиқ кўрилганлар мамлакатимизнинг тантанали кунларида, аниқроғи, Мустақиллик байрами ва Конституциямиз қабул қилинган кун атрофида мукофотланишмоқда. Масалан, медалдорлардан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Суюма Ғаниевалар Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан мукофотланган.

Номшуносликда кишиларни рағбатлантириш учун халқ томонидан берилган ва давлат томонидан махсус таъсис этилган унвон, орден ва медалларнинг умумий номи *дигнитонимлар* дейилади. Улар тўғрисида ном термини билан умумий изоҳ берилган ишлар бор⁴³. Н.В. Подольскаянинг "Словарь русской ономастической терминологии" номлилуғатида бу тушунчага (унвон, фахрли ном ва унвон) қисқа таъриф берилган⁴⁴.

Мазкур термин ва тушунча ХХІ асрнинг бошларидан тадқиқотчилар томонидан жиддий ўрганила бошланган. Масалан, Авлакулов Яшнарбекнинг "Ўзбек тили ономастик брикларининг лингвистик тадқиқи" номли илмий тадқиқотида баён этилган⁴⁵.

Айни вақтда ҳам кишиларнинг қилган ишларини маънавий ва руҳий жиҳатлардан рағбатлантириш учун таъсис этилган унвон (фахрий, диний ва илмий унвон), орден, медаль ва мукофотларнинг номларини, яъни дигнитопонимларни ўрганиш зарурияти сезилмоқда⁴⁶. Улар бугунги кундан туриб, ўтмишнинг танланган, сараланган воқеа-ҳодисаларини унвон, орден, медаль ва мукофотларнинг номлари)лар мисоли билан таништиради. Халқ тарихида муаян тарихий қимматга эга бўлган унвон (фахрий, диний ва илмий унвон), орден, медаль ва мукофотларнинг номлари)лар таъсис этилган ва улар

⁴³ Суперанская А. В., Сталтмане В. Э., Подольская Н. В., Султанов А. Х. Теория и методика ономастических исследований. – М.: Наука, 1986. – С.16-, 21-, 40-, 48-, 66-, 211-, 217-, 232-, 233-, 237.

⁴⁴ Подольская Н. В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1978. – С.56-, 115.

⁴⁵ Авлакулов Я. Ўзбек тили ономастик брикларининг лингвистик тадқиқи. 10.02.01 – Ўзбек тили. Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – Б. 21.

⁴⁶ Юқорида кўрсатилган манба. – Б.17.

маълум даврда фаол қўлланган. Унвон (фахрий, диний ва илмий унвон), ордон медаль ва мукофотларнинг номларига нарсалар, воқеа-ҳодисаларнинг мазмунидан келиб чиқиб, махсус номлар берилади.

Унвон, ном ва унвон сўзларининг маъноларига тўхталсак: “Унвон [арабча. — адрес; сарлавҳа, ном; белги, рамз].

1. эск. Мактуб устига ёзилган ном, қаерга, кимга жўнатилганлик ҳақидаги ёзув. *Қумуш хатни хотиннинг қўлидан олиб, раҳмат айтди ва хатини унвонига кўз ташлади: «Марғилон шаҳрида сокин Мирзакарим кутидор ҳовлисига».* (А. Қодирий. “Ўтган кунлар”)

Бирор иш-фаолият соҳасидаги алоҳида хизматни ёки мутахассислик даражасини расман эътироф этадиган, ваколатли органлар томонидан белгиланадиган ва бериладиган ном. *Профессорлик унвони. Халқ артисти унвони. Эртасига. келиб, уни лейтенант унвони ва взвод командири вазифаси билан табриклади.* (Шуҳрат. “Шинелли йиллар”)

эск. Мерос бўлиб келадиган ёки иш-вазифа даражасини кўрсатувчи, шунингдек, инъом қилинган хурматли, фахрий ном. *Қорилик унвоничи олиш учун мен ҳам бел боғлаган эдим.* (М. Муҳаммадҷонов. “Турмуш уринишлари”) *Подшоҳ оиласи Қосимбекка алоҳида эҳтиром билдирганда унинг номига «амирлар амири» деган унвон қўшиб айттар эди.* (П. Қодиров. “Юлдузли тунлар”).

Дигнитонимлар унвон сўзининг иккинчи ва учинчи маъноларини ифодалар экан. Унвон сўзининг биринчи маъносини эса хат – мактуб устига ёзилган ном, қаерга, кимга жўнатилганлик ҳақидаги ёзув маъносини англатади, яъни унвон сўзи бу ерда кенг маънода қўлланилган.

Хуллас, унвон сўзи ном ҳамда ёрлиқ сўзлари билан ҳам ўзаро боғлиқ. Шунинг учун уларнинг маъноларига эътибор қаратсак. “Ном [форс-тожикча — от, исм; шон-шуҳрат, обрў; от сўз туркуми]

1. Шахс ёки нарса-предметларга қўйилган от; исм. *Шаҳар номлари. Ном қўймоқ. Кексайиб қолган эшоннинг хотираси анча пасайганидан кўп вақт ўз ўғилларининг номларини ҳам хотинидан сўраб олар эди.* П. Турсун, Ўқитувчи.

2. Бирор соҳага, гуруҳга оидликни билдирувчи атама. *Мансур, Муслим! Сенга бир гап бўлдими? Муаллим деган номимиз бор, шундай вақтда иш кўрсатмасак, қачон кўрсатамиз?!* (С. Саид, Н. Сафаров. “Тарих тилга кирди”).

3. Фаолиятнинг бирор соҳасида эришган ютуқ, малака даражасини кўрсатиш учун расмий йўл билан бериладиган унвон. *Фахрий ном. Хизмат кўрсатган артист. Классик кураш бўйича мамлакат чемпиони деган ном.*

4. Кўпчилик орасида маълум-машҳурлик; донг, доврўғ, шуҳрат. *Ном чиқарган жамоа хўжалиги. Сибё волостининг Қўштамғали қишлоғида ном чиқарган шахс эди.* (М. Ўринхўжаев. “Унутилмас кунлар”)

Номи билан топшириғи, ваколати билан. *Ўзбекистон номи билан. Номига. Шунчаки, хўжакўрсинга, йўли учун. Ҳури, олдин номига бир оз кўнмай турар, кейин мажбуран бораётгандай, юзига қайгули ифода бериб чиқиб кетарди.* (Ф. Мусажонов. “Ҳури”). Номидан, тарафидан, исмидан; топшириғи билан. *Жамоа номидан ташақкур билдирмоқ*” (ЎТИЛ-3.55-6.).

Ушбу сўзнинг учинчи (Фаолиятнинг бирор соҳасида эришган ютук, яъни даражасини кўрсатиш учун расмий йўл билан бериладиган унвон) ҳамда унингчи (Кўпчиликл орасида маълум-машҳурлик; донг, довруғ, шухрат) маънолари унвон сўзига яқин маъноларни ифодалаб турибди.

“Ёрлик” 1. *тар.* Бирор амал, унвон, суюрғол ва ш. к. берилганлиги ҳақидаги расмий ҳужжат; фармон. *Тўранинг хондан икки юз таноб эрга ёрлик берилди бежиз эмас.* (Ж. Шарипов. “Хоразм”)

2. Бирор саноат маҳсулотига, унинг номи, миқдори, ишлаб чиқарилган вақти ва ш. к. маълумотлар ёзиб, бириктириб, ёпиштириб қўйилган қоғоз парчаси. *Фабрика ёрлиги. Багаж ёрлиги. Ёрлигини ўқисак, ўзимизнинг қўллантерея ва спорт буюмлари бирлашмамыз маҳсулоти экан.* («Саодат» журнали).

3. Кўчма. Номаяқул, салбий сифат; лақаб, ном, «тамға». *Нигора тўхмат ташқарга ишонади: Шербек унинг учун бевафо, бурдсиз. Ким билади дейсиз, унга нини қандай ёрликларни ёпиштирди экан.* (С. Анорбоев. “Оқсой”) *Яқин иллитларгача боболаримиз кураши “миллатчи” “ватан хоини” деган ёрликлар ниқоби остида талқин қилинди.* («Фан ва турмуш») (ЎТИЛ-2.52-б.).

Бу сўзнинг ҳам биринчи маъноси (Бирор амал, унвон, суюрғол ва ш. к. берилганлиги ҳақидаги расмий ҳужжат; фармон) унвон сўзининг маъносига яқин маъноликни хосил қилган.

Дигнитонимлар жой номлари, яъни топонимлар каби сўзлардан ташкил топган бўлади. Ушбу мавзуда кам илмий кузатишлар олиб борилгани учун дигнитонимларга хос материалларнинг миқдори кўп эмас. Биз тўпланган дигнитонимларнинг тузилишига кўра турларини ўрганиб чиқдик. Улар қуйидаги кўринишга эгадир:

1. Содда дигнитонимлар; 2. Қўшма дигнитонимлар; 3. Бирикмали дигнитонимлар. Албатта, дигнитонимларнинг бу учта тури ўз ичида яна бир неча гуруҳга бўлиниши табиий ҳолдир. Қуйида содда дигнитонимларнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ўрганилди.

Содда дигнитонимлар. Содда дигнитонимлар ўзига хос хусусиятларига кўра иккита алоҳида гуруҳларга бўлиниши кузатилди: 1) содда (туб) дигнитонимлар; 2) содда ясама дигнитонимлар. Қуйироқда уларни тўплаб ўрганилган материалларимизга таянилган ҳолда ўрганишни амалга оширамиз.

1.2.1. Содда (туб) дигнитонимлар. Содда туб дигнитонимлар бир ўзақдан иборат бўлади ёки ўзлашган сўз тилимизда вақт ўтиши билан бир ўзақ кўринишига келиб қолган бўлади. Албатта, уларни мисолларда кўрамиз:

Устоз – [Айни вақтда турли касб эгалари ўз устозларига, хусусан, ўқитган ўқитувчиларига устоз деб мурожаат қилишлари одат бўлиб қолган].

Ҳақим – [Абу Али ибн Сино замондошлари томонидан тан олинди, бу унвон билан улуғланган (МНМ-1.100-101б; МССШ.105б.)].

Авиценна – [Ибн Сино ғарбда шу унвон билан улуғланган (МСССХ.105б.)].

Жаруллоҳ (Аллоҳнинг қўшниси) – [Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад Жаруллоҳ Замахшарийга берилган унвон (МСССХ.118б.)].

Амир – [Алишер Навоий 1472 йилда амирликка қўйилди (ҚБЖН.29б.)].

Турк – [Навоийнинг: “Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур, Муайян турк улуси ҳуд менингдур. Олибмен тахти фармонимга осон, Черик чекмай Хитодин то Хуросон”, яъни турк – менман, деб ўзига турк унвонини берган (ҚБЖН.9)].

Ғолиб – [Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон: “Мен ғолибман. Буюк лашкарман, Босиб олдим севги юртини”. Унда ўзини “Ғолиб”, “Лашкар” деб унвонлар билан шарафлаган (МССШ.1216.)).

Шад – [Тўнюкук этти юз кишилиқ лашкарни тайёрлаб, жангларда ғолиб чиккани учун Элтариш ҳокон унга шад деган унвон берган (ЎА.9.25-436)].

Нодир – [Навоий: “Мен ул менки то турк бедодидур, Бу тил бирла то назм бунёдидур, Фалак кўрмади мен каби нодирэ...”, деб ёзган (МНМ-1.6346), ўзини улуғлаб “нодир” деган унвон билан атаган].

Қодир – [Навоий: “Мен ул менки то турк бедодидур, Бу тил бирла то назм бунёдидур, Фалак кўрмади мен каби нодире, Низомий каби назм ар қодирэ”, деб ёзган (МНМ-1.6346), ўзини улуғлаб “қодир” деган унвон билан атаган].

Гадо – [Муқимий “Подшоҳ йўқлатсалар ногоҳ гадо деб ахтаринг, Тутманг ҳаргиз номими, бахти қаро деб ахтаринг” байтда ўзини “гадо” деган унвон билан атайди (ЎАМ.10.3546)].

Генерал – Ҳарбий соҳадаги энг юксак унвонлардан бири.

Адмирал – Ҳарбий соҳадаги энг юксак унвонлардан бири.

Бу дигнитонимлардан 3 таси бир бўғинли, 7 таси икки бўғинли, 3 таси уч бўғинли, 2 таси тўрт бўғинлидир, жами 15 тадир. Улар қайси тил элементларидан шаклланганига кўра:

1. Ўз катлам сўзларидан шаклланган дигнитонимлар: Қодир, Шад (туркийларда қўлланадиган ҳарбий унвон), Турк.

2. Ўзлашган катлам сўзларидан шаклланган дигнитонимлар: *Нодир* (а.), *Гумроҳлик* (форс.), *Ғолиб* (ар.), *Шоир* (ар.), *Мутафаккир* (ар.), *Амир* (ар.) *Авли* (ар.), *Устоз* (форс.) *Ҳаким* (ар.), *Авистенна* (лот.), *Жаруллоҳ* (ар.), *Аллоҳнинг кўшниси*, *Генерал*, *Адмирал*.

1.2.2. Содда ясама дигнитонимлар. Содда ясама дигнитонимлар сўз ўзагига қўшимча қўшилишидан ҳосил бўладиган ясама сўзлардан ташкил топади, яъни “ўзак+қўшимча” кўринишида бўлади. Мана шундан кейингина ясама сўз махсусланиб, дигнитонимга айланади, яъни сўз номга, аниқроғи, унвон номига айланади. Бу дигнитонимлашув (дигнитонимзация) дейилади. Қуйида улар ҳақида тўхталинадим:

Дарвешваш – [Алишер Навоий Атоийни шундай таърифлаган: “Мавлоно Атоий Балҳа бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидандур, дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит киши эрди” (МНМ-1.3436; МССШ.1336.)).

Энг истедодли – [Садриддин Айний: “Фитрат бу талабаларнинг энг истедодлиси ва энг фозили”, деган фикрни айтган эди (ЎА.11.696)].

Энг фозили – [Садриддин Айний: “Фитрат бу талабаларнинг энг истедодлиси ва энг фозили”, деган фикрни айтган эди (ЎА.11.696)].

Маърифатпарвар – [“Хоннинг маърифатпарвар ва шеърпараст акаси Кутлугмурод иноқнинг бу даъвати Мунисдек камтарин шоир учун ҳам қонун, ҳам ифтихор ва масъулиятли вазифа эди” (ҚБЖН.284)].

Миллатпарвар - [Абдулла Қаҳҳорни профессор Нурбой Жабборов шундай унвон билан атаган(АФ.284)].

Шеърпараст – [“Хоннинг маърифатпарвар ва шеърпараст акаси Кутлугмурод иноқнинг бу даъвати Мунисдек камтарин шоир учун ҳам қонун, ҳам ифтихор ва масъулиятли вазифа эди”. Бу билан хоннинг акаси шеърпараст унвони билан таърифланмоқда (ҚБЖН.284)].

Мазкур (6та) дигнитонимлар ўзлашган қатлам сўзларидан шаклланган бўлиб, –ваш, энг, -ли, -парвар, –параст ясовчи воситалари билан ясалган. Шу дигнитонимлардан *дарवेशваш* жуда кам қўлланиш доирасига (частотасига) эга, қолганлари эса бугунги кунда ҳам фаол ишлатилмоқда.

ҚИСҚАРТМАЛАР:

-АФ.284. – Жабборов Н. Миллатпарвар // Адабиётимиз фахри. Т., Ўзбекистон, 2007.284-бет.

-ЎҚМР-7.52. - Йўлдошев Қ., Мажидов Р.Ўзбек адабиёти.7-синф учун (дарслик-мажмуа). Тошкент: Ўқитувчи, 1993.52-бет.

-КИА.ЎМЎК. - Каримов И.А.Юксак маънавият энгилмас куч. Т., Маънавият, 2010 йил.47-бет.

-МССШ.1056. - Матчонов С. Сариев Ш. Адабиёт.– Тошкент, 2010.105-бет.

-ЎА.25-436. - Ўзбек адабиёти.9-синф учун мажмуа. Тузувчилар: Н.Комилов, Б.Тўхлиев.Тошкент: Ўқитувчи,1995.25-43-бетлар.

-ЎАМ.10. - Муҳаммад Амин Муқимий // Ўзбек адабиёти мажмуа (ХВ асрнинг иккинчи ярми – XIX аср)10-синф учун.354-бет.

-ЎА.11.696. - Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслик.69-бет.

-ЎТИЛ-4.304-305-б. - Ўзбек тили изоҳли луғати.4-том.– Тошкент, 2006.304-305-бетлар.

-ЎТИЛ-3.55-б. - Ўзбек тили изоҳли луғати.3-том.– Тошкент, 2006. 55-бет.

-ЎТИЛ-2.52-б. - Ўзбек тили изоҳли луғати.2-том.– Тошкент, 2006.52-бет.

-МНМ-1.634б. - Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи.1-китоб.– Тошкент: Ўқитувчи,1965.634-бет.

-ҚБЖН.29. - Қосимов Б., Жумаев Н. Ўзбек адабиёти.10-синф учун дарслик.– Тошкент: Ўқитувчи,1999.29-бет.

“АЛПОМИШ”ДА ГИ АНТРОПОНИМЛАР – ЛИСОНИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ БИР ҚИСМИ

Ҳ.Ҳайитов (ТошДУТАУ магистранти)

Истиклол ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган маънавий қиёфасининг қад кўтаришига тағзамин бўлди. Бунинг нағижасида кўплаб маънавий сарчашмалар қайта кўз очди. Халқимизнинг маънавий чанқоғини

қондиришга хизмат қила бошлади. Ана шундай бебаҳо маънавий сарчашмалардан бири қаҳрамонлик эпоси – “Алпомиш” достонидир.

“Бу ўлмас асарни халқимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон этиқоидибек асраб-авайлаган, қанча авлод-аждодларимиз “Алпомиш” достони асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эга бўлган. Демак, халқимиз бор экан, Алпомиш сиймоси ҳам барҳаёт.

Чунки “Алпомиш” достони ижодий тафаккуримиз, маънавий бойлигимизнинг ёрқин намунаси бўлиб, тарихий илдишларимизнинг қанчалик чуқур экани, халқимиз қандай табиий-ижтимоий муҳитда шаклланиб, ривожланганини, аجدодларимизнинг олис даврларда ҳам жамлоа бўлиб, бирига елкадош бўлиб, ўз бошига тушган қийинчиликларни биргаликда енгиб яшаганини ёрқин бўёқларда тасвирлаб беради”⁴⁷.

“Алпомиш” – жаҳон аҳамиятига эга бўлган нодир бадиий, қомусий ва илмий қадрият. Чунки асарда бир халқнинг эзгу ниятларининггина эмас, бутун инсониятнинг фикру хаёлини акс эттирувчи, она-Ватанга садоқат туйғуси, соф инсоний муҳаббат, инсонпарварлик ва байналминаллик, фаровон турмуш ва хуррият гоյллари илгари сурилган. Бугун бу достонни “Кишилик жамиятининг бахтли болалиги” деган юксак таърифга сазовор бўлган “Илиада” жаҳон эпосининг мумтоз намуналаридан биридир, деб айтиш мумкин”⁴⁸.

Таниқли тилшунос олим Н.Маҳмудов эса достон ва унинг тили хусусида куйидаги фикрларни билдиради: “Алпомиш” достонида ўзбек халқининг кўҳна ва ҳаммиса навқирон тили ўзининг бутун салоҳияти билан жилваланади.

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, “Алпомиш” достони ўзбек халқ тилининг хира тортмас кўзгуси, жонли халқ тилининг, халқ донолигининг тарихи инъикосидир”⁴⁹. Достон матнига диққат қилар эканмиз, унда ўзбек халқи ва тилига хос атоқли отларнинг қўлланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Антропоним – асли грекча сўз бўлиб, антро – одам, яъни кишиларга берилган атоқли отлардир. Ўзбек тилида бу термин ўрнида *исм, киши исми, одам отлари, киши номлари* каби терминлар қўлланилади⁵⁰.

Достондаги Добонбий, Алпинбий, Бойбўри, Бойсари, Ҳақимбек, Барчиной, Қоражон, Қалдирғоч, Қултой, Кўкалдош, Кўкаман, Кўққашқа, Бойқашқа, Тойқашқа, Қўшқулоқ, Ёртибой Сурхайл, Товка, Ёдгор, Бодом, Ултонтоз, Қайқубод, Тойчаҳон, Суқсурой сингари бир қанча антропонимлар учрайди ҳамда бу антропоним бирликлар халқнинг этник таркиби, аънавалари билан узвий ҳолатда шаклланиб борган. Бу эса асарда ҳар бир атоқли от социолингвистик вазифа бажарган, деган фикрни айтишга асос бўлади.

“Алпомиш”нинг Фозил шоир варианты бошланмаси куйидагича: “Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Кўнғирот элида Добонбий деган ўтди.

⁴⁷ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Маънавият. – Т., 2011. 34-бет.

⁴⁸ М.Жўраев. Достонлар достони. Тошкент оқпоми, 1999, 20 октябрь, 122-сон.

⁴⁹ Н.Маҳмудов. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. 27-бет.

⁵⁰ Эназаров Т. ва бошқалар. Ўзбек номшунослиги. Т., 2015. 11-48-бетлар.

Довонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди”⁵¹. Бирок Алпомиш”⁵² достонининг бошқа нашрида Довонбий антропоними Довонбий шарифинида қайд этилган. Дов сўзи ўзбекча бўлиб, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да бу сўзга “қадди баланд, йўзон, бақувват” изоҳи келтирилган -он йўшмчаси форс тилида кўплик -ларни ифодалайди. Довонбий – қадди баланд, бақувват киши деб хулосалаш мумкин. Довонбийнинг фарзанди Алпинбийда алплик хусусияти бор. Бу унинг невараси Алпомишга ҳам хос:

*Ҳақимбек етти ёшга кирган. Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон бириндан бўлган парли ёни бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳақимбек иул би тўрт ботмон ёни қўлига ушлаб кўтариб тортади, тортиб қўйиб юборади. Еттининг ўқи яшиндай бўлиб кетади, Асқар тоғининг катта чўққиларини келиб ўтиди, овозаси оламга кетди...*⁵³

Шунда барча халойик келиб айтди. “Охири Алпомишбек алп бўлиб, тўқсон алпининг бири бўлиб санага ўтиб, алплик отини кўтариб, етти ёшида Алпомиш от қўйилди. Ана шундан – етти ёшида ёни кўтариб отгани учун Алпомиш алп атанди” Алп сўзига “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”⁵⁴да “биҳодир”, “пахлавон” изоҳи берилган. Достонда Довонбийга дахлдор воқеалар акс этмаган бўлса-да, Довонбий, Алпинбий, Алпомиш антропонимларининг ишига келиши алпликни исботлаш учун кечувчи маросимлар билан боғланади.

Профессор Н.Улуков ва Б.Юнусова⁵⁵ эълон қилган мақоласида Бойбўри, Бойсарини антропонимларига тўхталлади: “Бойбўри антропонимининг ономастик маъноси “соғ, давлатли, ҳукмрон киши”дир. Бойсарини антропоними ҳам бой ва сарини сўзларининг қўшиливидан ясалган. Сарини сўзи қўмакчи маъносидан ташқари “сарик рангли, сарик сочили ёки таниқли, машхур, оқсуяқлар, аслзодалар авлодига мансуб” маъноларини англатади”. Мақоладаги Бойбўрини антропонимига библиририлган муносабатга қўшимча сифатида фольклоршунос олим ф.ф.д Ш.Турдимовнинг “Ҳақимат хазинаси” китобидаги “Халқнинг тасаввурлар тизимида турувчи маросимлар, жумладан, фольклорда ҳар бир нарсанинг ўз тимсоли бор. Масалан, кўкларнинг зооморфик тимсоли сифатида эчки олинган. Қишининг зооморфик тимсоли эса бўри ҳисобланади”⁵⁶. деган фикрларни келтириш мумкин.

Умуман, Бойбўрини исми бўрини тотемни ҳамда қадимда ўтказилган маросимларга бориб тақалади, деб айтиш мумкин⁵⁷. Достондаги бу каби антропонимларни ўрганиш тил соҳасининг асосли хулосалар билан бойишига замин яратади. Хуллас, мазкур достондаги киши исми, шарифлари халқ

⁵¹ Алпомиш. Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти. – Тошкент.: 2010, 12-бет.

⁵² Алпомиш. Фан нашриёти. – Тошкент.: 1999, 14-бет.

⁵³ Алпомиш. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2010, 15-бет.

⁵⁴ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Москва: Рус тили, 1981. 42-бет.

⁵⁵ Улуков Н., Юнусова Б. “Алпомиш” достонидagi ономастик бирликлар хусусида. – Самарқанд, 2018. 236-бет.

⁵⁶ Турдимов Ш. Ҳақимат хазинаси. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти. 2016, 235-бет.

⁵⁷ Эназаров Т. Бойбўри ва Бойовул. Сим-сим // Соғлом авлод учун. -1999. 10-11-сонлар. 17-бет.

томонидан қўлланадиган исмлар мажмуи ҳисобланадики, улар ҳам лиссон меросимиз саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2011. 34-бет.
2. Жўраев М. Достонлар достони. Тошкент окшоми, 1999, 20 октябр, 122-сон.
3. Махмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. 27-бет.
4. Алпомиш. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2010, 12-бет.
5. Алпомиш. – Тошкент: Фан, 1999, 14-бет.
6. Алпомиш. – Тошкент: Шарқ НМАК, 2010, 15-бет.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Рус тили, 1981. 42-бет.
8. Улуков Н., Юнусова Б. // “Алпомиш” достонидаги ономастик бирликлар хусусида. Халқаро конференция илмий тўплами. – Самарқанд. 2011. 236-бет.
9. Ш. Турдимов. Ҳикмат хазинаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016, 235-бет.
10. Эназаров Т. ва бошқалар. Ўзбек номшунослиги. – Т., 2015. 11-48-бетлар.
11. Эназаров Т. Ж. Бойбўри ва Бойовул. Сим-сим // Соғлом авлод учун. – 1999. 10-11-сонлар. 17-бет.

GAZETA SARLAVHALARINING FUNKSIONAL-SEMANTIK TAHLILI

Xasanova Aziza (*FarDU talabasi*)

Matbuot sahifalarida chop etilayotgan har bir maqolani o'qishdan avval o'quvchi, albatta, uning sarlavhasiga e'tibor qaratadi. Tilshunos olim Abdurahmonovning “Gazeta jurnalistikasi terminlarining qisqacha izohli lug'ati” da quyidagicha ta'rif keltiriladi: “Sarlavha – maqola va materialning ichki mazmunidan kelib chiqib, unga qo'yiladigan nom” [1. 30-bet]. Sarlavha maqola mazmunidan xabar beruvchi, uning o'qilishini ta'minlovchi asosiy vositadir.

O'zbek tilshunosligida gazeta matnlarini o'rganish borasida bir qator ishlar amalga oshirilgan. Jumladan, gazeta sarlavhalarining turli xususiyatlarini o'rganish sohasida A. Abdusaidov, A. Boboyeva, P. Rustamov, B. Mirzayev, I. Toshaliyev, N. Jumanazarovning ilmiy maqolalari, I. Toshaliyevning “Sarlavha stilistikasi” o'quv qo'llanmasi mavjud. Bu tadqiqotlarda gazeta matnlaridagi sarlavhalar til vositalariga ko'ra tahlil qilingan. Xususan, birgina so'zdan iborat sarlavha, so'z birikmasi orqali ifodalangan sarlavha, gap orqali ifodalangan sarlavha. Bundan tashqari, olib borilayotgan tadqiqotlarda sarlavhalarining gapning ifoda maqsadiga ko'ra turlari bo'yicha ham tahlil qilinganligini ko'rishimiz mumkin [3. 41-bet].

Tilshunos I. Azimova o'zining nomzodlik dissertatsiyasida gazeta sarlavhalarining retsipyent tomonidan tushunilishi bo'yicha psixolingvistik aspektda tajriba olib boradi va gazeta sarlavhalarini quyidagi turlarga ajratadi:

1. So'zlar asl ma'noda qo'llangan, maqola mazmunini umumlashtiruvchi darak gap shaklidagi sarlavhalar.

2 So'roq gap shaklidagi sarlavhalar.

1 Matnning mazmunini mavhumlashtirib ifodalovchi, so'z yoki so'z birikmasi shaklidagi sarlavhalar.

4 G'ayriodatiy lisoniy vositalar qo'llangan sarlavhalar [2. 93-bet].

Biz mazkur maqolada yuqorida keltirilgan tasnif asosida "Xalq so'zi" va "O'zbekiston ovozi" gazetalarining 2019-yil aprel oyida nashr etilgan maqolalari asosida sarlavhalarning leksik-semantik jihatlarini tahlil qilishga harakat qildik.

Darak gap shaklida ifodalangan sarlavhalar: "Ayol baxti bo'lsa, yurt farovon bo'ladi", "Investitsiyalar o'zini oqlayapti", "Bog'dorchilikda innovatsion texnologiyalar", "So'z millat qiyofasini ifodalaydi", "Barkamol avlod yurtni mahkamlaydi". Mazkur sarlavhalar maqola mazmunini umumlashtirib, xabar mazmunini ifodalaydi. Bugungi matbuot sahifalarida darak gap shaklidagi sarlavhalarni ifodalashda sarlavhaosti izohi ham berilmoqdaki, bu maqolaning ekspressivligini oshirishga xizmat qiladi. Masalan, "Noyob ilmiy meros jammiyialiklar bilan birga tadqiq qilinadi", "Mo'ynoqdagi tarixiy o'zgarishlar O'zboqdayo ovuliga ham xayrli keldi", "Diniy va dunyoviy ta'lim yo'nalishlarini jiddiy ta'sir o'tkazadi". Bunda maqola sarlavhasi o'quvchi diqqatini jalb qilishga qaratilsa, sarlavhaosti izohi uning ma'nosini to'ldirish uchun xizmat qiladi.

So'roq gap shaklidagi sarlavhalar: "Yo'l harakati qoidalariga o'zgartirishlar kiritildi. Bundan xabardormisiz?", "Xalqaro reytinglar biz uchun qanchalik muhim?", "Inoyatchilikka qarshi kurashish qanday samara beryapti?", "Ishonasizmi, familiyamni eslay olmadim?!", "Qamoq jazosi... bolani to'g'ri yo'lga boshlay oladimi?". Mazkur sarlavha turi gazeta maqolalarida eng ko'p qo'llaniluvchi turidir. Bunga asosiy sabab shuki, maqola avvalida so'roq gap orqali o'quvchiga ta'sir o'tkaziladi va mazkur savolning yechimi maqola so'ngida beriladi.

Matnning mazmunini mavhumlashtirib ifodalovchi sarlavhalar: "Xalq borki, davlat bor", "Kalutaradagi muvaffaqiyat", "Yigirma uch asrlk qadimiy shahar", "Kuyula, do'mbiram...", "Hayotbaxsh tashabbuslar "Bo'ston"ni gulistonga aylantiradi", "Noyob hujjatlar xazinasi". Mazkur sarlavhalarda mazmun yashiringan bo'lib, o'quvchini maqola bilan tanishishga undaydi.

G'ayriodatiy lisoniy vositalar qo'llangan sarlavhalar: "KOPIA nega aynan O'zbekistonni tanladi?", "Olamning lisoniy manzarasi", "Xotin-qizlar uchun barqaror ish o'rni... bu masalada o'kampaniyaboz"lik qilishning oqibati og'ir bo'ladi...". Mazkur sarlavhalarda o'quvchiga tushunarsiz bo'lgan so'z yoki so'z birikmalari qo'llanadiki, ular maqola uchun reklama vazifasini bajaradi.

Gazeta sarlavhalari bilan ishlash jarayonida shu narsa aniq bo'ldiki, maqola sarlavhalari gazetaning qaysi sohalardagi axborotlarni yetkazishiga qarab turlicha ifodalanadi. Masalan, "Xalq so'zi" gazetasining 2019-yil №79-sonida darak gap shaklidagi sarlavhalar 4 ta, so'roq gap shaklidagi sarlavhalar 3 ta, mazmuni mavhumlashtirib ifodalovchi sarlavhalar 3 ta, g'ayriodatiy lisoniy vositalar orqali ifodalangan sarlavhalar 1 ta berilgan. "O'zbekiston ovozi" gazetasining 2019-yil №32-33-sonida berilgan maqolalarda esa darak gap orqali ifodalangan sarlavhalar 6 ta, so'roq gap orqali ifodalangan sarlavhalar 4 ta, matn mazmunini mavhumlashtirib ifodalovchi sarlavhalar 3 ta, g'ayriodatiy lisoniy vositalar orqali ifodalangan

sarlavhalar 2 ta ekanligi ayon bo'ldi. Maqola sarlavhalarining turlicha ifodalanganligiga sabab sifatida mazkur gazetalarning ijtimoiy-siyosiy gazeta ekanligini nazarda tutish lozim. Ijtimoiy-siyosiy xabarlarni yoritishda esa, ko'pincha xabarni umumlashtirib ifodalovchi darak gaplardan foydalaniladi.

Kuzatishlarimiz natijasida gazeta sarlavhalarining yuqoridagi tasnifda ko'rsatilganlaridan tashqari quyidagi turi borligi ham ayon bo'ldi. Gazeta sahifalarida "Intervyu" rukni ostida suhbat olib borilayotgan suhbatdoshning maqola mazmunidan kelib chiqqan holdagi keltirilgan fikrlari bevosita maqola sarlavhasiga aylantiriladi. Masalan, Szyan Yan XXRning O'zbekistondagi favqulotda va muxtor elchisi: "Xitoy va O'zbekiston tomonidan "Bir makon, bir yo'l"ning birgalikda barpo etilishi tobora dolzarb ahamiyat kasb etmoqda", Pak Ning Xu, Koreya Respublikasi Sog'liqni saqlash va ijtimoiy ta'minot vaziri: "Bizda tibbiy sug'urtani tatbiq etishga 40 yildan ziyod vaqt ketgan bo'lsa, O'zbekiston bu yo'lni 20 yilda bosib o'tishi shubhasiz", Li Dong Uk, O'zbekiston sog'liqni saqlash vazirining Janubiy Koreyalik o'rinbosari: "O'zbekiston tibbiyoti rivojiga hissa qo'shish menga faxr bag'ishlaydi", "Alan Duncan: O'zaro aloqalarni yanada taraqqiy ettirish niyatidamiz", "Vladimir Jonibekov: Yerga qaytish... har doim og'ir kechgan...", "U Duk Chen: Prezident Shavkat Mirziyoyev Markaziy Osiyo birdamligiga asos soldi...". Bunday sarlavhalar qo'llanilganda intervyu olib borilgan suhbatdoshning maqolada nima demoqchi bo'lganligi, asosiy maqsadi o'quvchiga o'z fikrlari orqali yetkaziladi va ta'sirchanlikni oshirishga xizmat qiladi. Masalan, Pak Ning Xu, Koreya Respublikasi Sog'liqni saqlash va ijtimoiy ta'minot vaziri: "Bizda tibbiy sug'urtani tatbiq etishga 40 yildan ziyod vaqt ketgan bo'lsa, O'zbekiston bu yo'lni 20 yilda bosib o'tishi shubhasiz" sarlavhasini o'qish jarayonida intervyu kim bilan olib borilishi, nima mavzuda ekanligi xabari yetkazilishi bilan birga, suhbatdoshning o'zi orqali berilgan alohida e'tirofi maqolani o'qishga undaydi. Shunisi e'tiborga loyiqki, mazkur shakldagi sarlavhalarda, asosan, chet ellik mutaxassislarining O'zbekistonda bugungi kunda olib borilayotgan siyosatga nisbatan e'tirofi aks etadi. Ularning hammasi ijobiy munosabatni ifodalaydi. Aytish mumkinki, sarlavhalarning mazkur turlari jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy jarayonlarning ommaviy axborot vositalari tiliga bevosita ta'sirini yaqqol namoyon etadi.

Maqolamizning xulosasi sifatida qayd etish lozimki, gazetalarda sarlavhalarning tuzilishini, odatda, shu sohadagi mavjud an'analar belgilab beradi. An'anaviy bo'lmagan tuzilishdagi sarlavhalar jamiyat hayotidagi keskin o'zgarishlar va xalqaro ommaviy axborot vositalari tajribasi ta'sirida kirib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdurahmonov A. Gazeta jurnalistikasi terminlarining qisqacha izohli lug'ati. – Toshkent: O'qituvchi, 1983.
2. Azimova I. O'zbek tilidagi gazeta matnlari mazmuniy persepsiyasining psixolingvistik tadqiqi. Filol. fan. nom. diss. ... avtore. – Toshkent, 2008.
3. Odilov Y., Musayeva F. Publitsistik matnlar sarlavhalarining lingvistik xususiyatlari. //Til va adabiyot ta'limi. – Toshkent, 2018.

MUSTAQILLIK YILLARI O'ZBEK TERMINOLOGIYASIDAGI NOFAOL TERMINLAR XUSUSIDA

F.Saidova

(ToshDO'TAU magistranti)

Har qanday amaldagi til doim rivojlanib, takomillashib boradi. Bu o'z mavjudatida terminologik tizimga ham o'z ta'sirini ko'rsatadi, yangi tushunchalar, terminlar vujudga keladi. Ba'zan davr uchun mos kelmaydigan, ijtimoiy yaroqsiz narsa (predmet)lar o'zi ifodalayotgan tushuncha(termin) bilan birga eskiradi va foydalanilmaydi. Bularidan birinchisi, terminologik neologizmlar, ikkinchisi terminologik arxaizmlar hisoblanadi. Terminologik arxaizmlar kamdan kam uchrashi terminologiya sohasining o'ziga xos xususiyatlaridan hisoblanadi. Bunga terminlardagi sinonimiya hodisasi asosiy sababdir. Chunki har bir mutaxassis o'zi uchun ma'qul bo'lgan terminni qo'llaydi. Shuning uchun ham terminlarning yo'qolishi, eskirishi ko'p uchraydigan hodisa emas.

Ma'lumki, o'zbek tilshunosligi shakllanish tarixi mobaynida turli tillar ta'siri kuzatilgan. Xalifalik davri, Temuriylar davri, sho'rolar davri o'zbek tilshunosligi hozirgi o'zbek tilshunosligi uchun asos vazifasini o'tagan. Dunyoda hech bir til yo'qki, bir-biridan so'z o'zlashtirmasa, so'z olmasa. Muloqot, ehtiyoj bor ekan, bu almashinuv davom etadi. Shu jihatdan til boyiydi, tilda yangi tushunchalar paydo bo'ladi. Terminlarni qabul qilishda esa mutaxassislar ehtiyotkor bo'lishni ta'kidlaydilar. Chunki termin aniq, lo'nda va qisqa, xaliq uchun foydali, qabul qilinishi oson bo'lishi, tezda muloqotga kirishi lozim.

Avvalo termin tushunchasi haqida to'xtalsak. Fan, texnika va boshqa sohaga oid narsa haqidagi tushunchani aniq ifodalaydigan, ishlatish doirasi shu sohalar bilan chegaralangan so'z yoki so'z birikmasi; atama. Terminlar bir ma'noli bo'lishi, ekspressivlik va emotsionallikka ega bo'lmasligi kabi belgilari bilan ham umumiste'moldagi so'zlardan farqlanadi[3.]

Har qanday sohada ham yangi bir tushunchaning paydo bo'lishi va uni tilda ifodalash zaruriyati tufayli terminlar shakllanishining ilk bosqichida sinonimiyaning vujudga kelishi tabiiy bir bosqich hisoblanadi. Eng asosiysi, ulami tartibga solishda tushuncha yoki predmetning eng xarakterli tomonini, vazifasini, ijtimoiy mohiyati va qimmatini ifodalagan terminni tanlab olish.

Terminologiya bu tez o'zgaruvchan, leksikasi boy soha hisoblanadi. O'zbek tilshunosligida, balki boshqa sohalarda ham terminlarni o'zlashtirish, ulami iste'moldan chiqarib tashlash tezda hal qilinadigan masala emas.

Masalan, "1) bor deb qaralgan narsa (hodisa)ning , tushunchaning yo'q ekanligi ma'lum bo'ladi, natijada, uning ifodasi uchun qo'llangan termin ham iste'moldan chiqadi. "O'zak", "negiz" terminlari va ular ifodalagan "tushunchaning taqdiri bunga misol bo'la oladi, ya'ni, jumladan, o'zbek tilshunosligi taraqqiyotining keyingi davrlarida o'zak va negiz deb atalishi mumkin bo'lgan tushunchaning yo'qligi ma'lum bo'ldi va bu terminlar iste'moldan chiqdi. Mavjud ilmiy tushuncha uchun qo'llangan termin uning mohiyatini aniq ifodalay olmasligi mumkin" [2. 3-10].

1930-yillarda Abdurauf Fitrat tomonidan o'zbek tilshunosligiga kiritilgan o'zbek termini 75-yildan beri ishlatilmoqda. Bugungi kunga kelib o'zak va modal tushunchasining yo'qligi uchun ularni ifodalovchi terminlar iste'moldan chiqdi deb hukm chiqarish munozarali. O'zak so'zi anglatayotgan tushuncha yo'qligini asoslab kerak bo'ladi. Bizning fikrimizcha, bu qarash ilmiy asosga ega emas. Shu sababdan o'zak termini hamon ishlatilmoqda. Asos, so'z yasash asosi kabi terminlar to'g'ri tushunchani ifodalamoqda, lekin ularning hech biri o'zak atamasi ifodalagan nu'nona teng kela olmaydi. Ushbu termini iste'moldan chiqarsak, o'zbek tilshunosligida qo'llanilayotgan: o'zak morfema, o'zaktosh so'zlar, o'zak so'zlar, hozirgi o'zak, o'zak, bog'liq o'zak terminlaridan ham voz kechishga to'g'ri keladi. Holbuki ularning har biri o'z vazifasi va tushunchasiga ega [3, 10-16]

Yuqoridagi misoldan ham ko'rinib turibdiki, tilimizdagi terminlarni iste'moldan chiqarib tashlash oson emas. Terminlar sinonimik qatorida faol va nafaol terminlar mavjud. Tilshunosligimizda hozirgi kunda nafaol bo'lgan terminlar anchagina. Quyida o'zbek tilshunosligi terminlaridan misollar keltiramiz.

“Appozitiv- tuziluvchi (appozitiv aloqa , appozitiv munosabat).

Atribut-aniglovchi (atributiv aloqa, atributiv birikma, atributiv konstruktsiya, atributiv munosabat, atributiv shakl).

Betaraf leksika. Ushublarning biror turiga birkutilmagan, uslubiy sinonimlarga ega bo'lib, o'zi uslubiy jihatdan betaraf bo'lgan leksika. Masalan, sovg'a, armug'on, tuhfa sinonimlaridan sovg'a- betaraf leksika.

Determinant – gapning boshlanishida mustaqil tarkibiy qism sifatida kelib, o'zidan keyingi qismga bir butun holda taalluqli bo'lib, uni yaxlitligicha kengaytiradigan ikkinchi darajali bo'lak. Kecha havo bulut bo'lib, yomg'ir yog'di.

Fazali fe'l- bosqichli fe'l.

Fe'l boshqaruvi (hozirda fe'li boshqaruvi).

Fe'l darajalari- fe'l nisbatlari.

Fe'l vidlari- Vid kategoriyasi.

Funksional so'zlar. Yordamchi so'zlar va modal so'zlarning umumiy nomi.

Mahsullik affiks, mahsulsiz affiks.

Qo'sh boshqaruvi. Ikki boshqa-boshqa shakldagi so'zning bir so'z, bo'lak tomonidan boshqariluvchi: Hikoyani o'quvchilarga aytib bermog; majburiyatini ortig'i bilan bajarmoq kabi.

Qo'shilma. Sintaktik birliklar sifatida so'z birikmasi va gap uchun umumiy nom.

Tobedosh aloqa. Bir-biriga nisbatan hokim-tobelik holatidagi sintaktik aloqa. Bu hodisa tobe aloqaning bir turi hisoblanadi. O'zbek tilidagi qaratqich-qaralmish munosabatidagi aloqa tobedosh aloqa hisoblanadi: studentning kitobi.

Uvulyar undosh. Hosil bo'lishida kichik til faol ishtirok etadigan undosh.

O'ram. Fe'lining funksional shakllaridan biri va unga tobe bo'lgan mustaqil so'zdan tashkil topgan sintaktik butunlik. Hokim qismi fe'lining qanday funksional shakllidan bo'lishiga qarab o'ramning 3 turi farqlanadi: sifatdoshli o'ram; ravishdosh o'ram, infinitiv o'ram.

Xoslik shakli- Qarashlilik shakli.

Shipildoq tovushlar. Sirg'aluvchi j, sh va affrikat ch tovushlari talaffuzida

Yuqorida keltirilgan terminlarning ko'pchiligi mavjud, ammo shakli o'zgargan holda Bunga asosiy sabab, mustaqillik davrida o'zbek tiliga e'tiborning ko'payishida. Ma'lumki, tilshunosligimizdagi, balki boshqa sohalarda ham terminlarning aksariyati kalkalash asosida qabul qilinadi.

An'anaviy o'zbek tilshunosligi rus tilshunosligi ta'sirida shakllangani hamda kirib kelgan va shu orqali o'zbek tilshunosligi ham xabardor bo'lgan. An'anaviy tilshunoslik terminlarining ko'pchiligi rus tilidan aynan so'zma-so'z tarjima qilingan: atributiv aloqa-атрибутивная связь, binar oppozitsiya-бинарная оппозиция, leksik kalka-лексическая калька va boshqalar.

Mustaqillik yillarida ruscha, ammo o'zbekcha muqobili bor bo'lgan so'zlar o'z o'rnini topdi, shu jumladan o'zbek tilshunosligi terminologiyasida ham: Atributiv aloqlovchi, appozitiv – izohlovchi, obyektlilik- o'timlilik, affiks- qo'shimcha va b. k. Ammo ushbu terminlarni asl holicha qo'llash ham kuzatiladi, faqat tor doirada (shu soha yetuklari).

Til taraqqiyotdan to'xtab qilmaganidek, terminlar kirib kelishi ham to'xtamaydi. Zamonaviy o'zbek tilshunosligi tilshunosligimiz uchinchi paradigma sifatida e'tirof etilgan antroposentrik tilshunoslik ham terminlar tarjima qilish yoki to'g'ridan-to'g'ri so'zni (terminni) qabul qilmoqda va amalda bu terminlardan foydalanilmoqda.

Hozirgi kunda terminologiya sohasi oldida turgan muhim masalalardan biri tilshunoslik terminlarining yangi mukammal lug'atini ishlab chiqishdir. 2002-yilda nashr etilgan Azim Hojiyevning " Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati" mukammal lug'atlardan hisoblanadi. Ammo bu lug'at tarkibi lug'at yaratilgan vaqtidan buyon boyidi va ba'zilar iste'moldan chiqib ketdi. Bu lug'at mustaqillik yillarida qayta chop etilgan bo'lsada, 1985-yildagi lug'at tarkibi bilan deyarli bir xildir. 2013-yilda Ne'mat Mahkamov va Ixtiyor Ermatov bilan hammualliflikda "Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati"ni nashr qilishgan, ammo bu lug'atga umumiy o'rta ta'lim darsliklari o'zbek tilshunosligi terminlari kiritilgan, xolos, Shu sababdan mustaqillik yillari terminologiyasi lug'atini qayta ishlab chiqish zarurati o'zbek tilshunoslari oldida turgan muhim vazifalardan biri bo'lib hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1.Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. –Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2002.

2.Hojiyev A. So'z o'zlashtirish va terminologiyani takomillashtirish muammolariga doir// Xorijiy so'z va terminlardan foydalanishda me'yor va ilmiy-assotsiativ fikrlash muammolari. – Toshkent, 2011. 3-10- betlar.

3.Mahkamov N. Terminlarni me'yorlashirish muammolari // O'zbek tili va adabiyoti. – Toshkent, 2015. 10-16-betlar.

ALISHER NAVOIYNING “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDAGI KOSMONIMIK NOMLAR TAHLILI

D. Suyunova (*ToshDO‘TAU talabasi*)

Kishilik jamiyatida nomsiz bir narsani ikkinchisidan farqlab bo‘lmaydi. Odatda, hamma narsaning o‘z nomi bo‘lganligi uchun shu nomi bilan aytilishi shart. Har bir davrda yashagan xalq o‘zi istiqomat qilib turgan hududdagi nomlar, ularning etimologiyasi borasida aniq tasavvurga va ma‘lumotga ega bo‘lmasligi mumkin. Oldingi davrlarda yaratilgan asarlar, yozma manbalar orqali esa ayrim ma‘lumotlarga ega bo‘linadi.

Xususan, buyuk mutafakkir Navoiy yaratgan asarlarda ba‘zi bir nomlar, ularning ma‘nolari, leksikasi haqidagi qimmatli ma‘lumotlar mavjud. Mutafakkir yaratgan mashhur “Xamsa” tarkibiga kiruvchi “Farhod va Shirin” dostonida toponimlar (joy nomlari), antroponimlar (kishi nomlari), zoonimlar (hayvon nomlari), kosmonimlar (osmon jismlari nomlari) singari onomastik leksik birliklardan o‘rinli foydalanilgan. Bunda kosmonimlarga alohida to‘xtalib o‘tamiz.

Onomastika o‘z ichida bir qancha bo‘limlarga bo‘lingan bo‘lib, kosmonim – osmon jismlari nomlari, kosmonimika – osmon jismlari nomlarini o‘rganadigan bo‘limi hisoblanadi.⁵⁸ Ushbu kosmonimik nomlarning qo‘yilishi ham ma‘lum sabablarga asoslanadi.

“Farhod va Shirin” dostonida keltirilgan kosmonimik nomlar o‘z va turli ma‘nolarda hamda leksik jihatdan o‘zgargan holda ham kelgan:

Aningdek chirmadim Birjisdin toj

Ki, boshi taylasong ‘a bo‘ldi muhtoj.

Ushbu misrada Navoiy *Birjis* deya Yupiter sayyorasini tilga olib o‘tadi. Sayyoralar ham o‘z nomlariga ega bo‘lib, turlicha nomlar bilan atalgan. Birgina shu Yupiter sayyorasining to‘rt-beshta nomlarini sanasak bo‘ladi: *Birjis*, *Burjis*, *Mushtariy* hamda Navoiy ushbu sayyorani “Sa‘di Akbar”, “Falak qozisi” deb ham ataydi.

Atorud bodroyidin bo‘lib shod,

Berib avroqu ajzosini barbod...

Chu tortib Zuhra, lahni Borbadni,

Olib Bahromvashlardin xiradni.

Keltirilgan misralarda sayyora va yulduz nomlarini ko‘rish mumkin. Bilamizki, koinotda sakkizta sayyora mavjud. Ulardan har birining o‘ziga xos nomlari ham bor. Navoiy tilga olib o‘tgan *Atorud* sayyorasi hozirda biz biladigan *Merkuriy* sayyorasi hisoblanadi. U ba‘zi manbalarda *Dabir*, *Tyr* deb ham ataladi. *Qizil sayyora*, ya‘ni *Mars* ham *Bahrom* hamda *Mirrix* deb yuritiladi. Dostonga nisbat berib qaraydigan bo‘lsak, Bahrom kishi nomini (antroponim) ham ifodalaydi. Bunga leksik jihatdan shakldosh deb qarash mumkin. Shuningdek, Navoiy dostonida Mars (Bahrom) sayyorasini “Turki falak” deya nomlaydi. Ilmi nujumda Bahrom harbiy ishlar homiysi hisoblanadi:

⁵⁸ Enazarov T., Husanova M., Yesemuratov A.. O‘zbek nomshunosligi. Monografiya. - T., 2015 – B. 224.

*Debon Tuki falak o'tqonda zihla,
Tavahhum toridin ochib girihlar.*

“Chu tortib Zuhra...” deganda muallif osmondagi porloq yulduzga ishora qilgan. Zuhra – qadimgi yunonlarda muhabbat ma’budasi bo’lgan. Sharqda erta zamonlarda, G’arbda kechqurun porlab ko’rinadigan yorqin yulduz. Go’zallik hamda musiqa homiysi.⁵⁹ *Zuhra* yulduzi *Nohid* nomi bilan ham keladi.

Bulutsiz tunda osmonda shoda-shoda yulduzlarni ko’rib, undan zavq olmagan odam bo’lmasa kerak. Qadim sharqda kishilar yoritgichlarga qarab mo’ljal olish uchun osmonning yorug’ yulduzlarini alohida to’dalarga ajratib, ularga yulduz turkumlari deb nom berganlar.⁶⁰

*Qaro tunga nishon aylab Suhoni,
Falakcha novakig’a ul nishoni.*

Yuqorida yulduz turkumlari haqida gap ketganda misrada keltirilgan *Suho* – Hulkar turkumidagi xira ko’rinadigan yulduz nomini aytish joiz. Yulduz turkumlari hayvon yoki jonivorlar, yunon afsonalarining qahramonlari, turli geometrik shakl yoki buyumlarning nomlari bilan atalgan. *Suho* ham ana shu yulduz turkumiga mansubdir. Dostonda *Uqob* nomi ham keltirilgan bo’lib, u *burgut* ma’nosida ishlatilgan, shuningdek, u kosmonimik nom sirasiga ham taalluqli hisoblanib, *Suho* singari yulduzlar turkumini bildiradi.

Ko’rinib turibdiki, Navoiy ham o’zining bir qancha asarlarida astronomik nomlardan foydalanib, asarlarining serjiloligini oshirgan hamda osmon jismlari nomlarining o’z va boshqa leksik xususiyatlari takomiliga hissa qo’shgan. Navoiy ushbu “Shavq doston”ida nom qo’yishda ham katta e’tibor qaratgan. Jumladan, Farhod ismini oladigan bo’lsak: “Shodligi ichiga sig’magan podshoh farzandiga yaxshi bir ism qo’ymoqchi bo’ldi. Chaqaloqning yuzida “farri shohiy”, ya’ni shohlik nuri porlab turardi. Bu nur soyasi ostida esa himmat, iqbol hamda davlat o’rin olgan edi. Shoh “far” so’ziga *himmat*, *iqbol* hamda *davlat* so’zlarining bosh harflarini qo’shgan edi, Farhod ismi hosil bo’ldi”.

Nomlarni, nomlanish jarayoni va nomlanish muammolarini tadqiq etishni davr talablaridan kelib chiqqan holda muvaffaqiyatli amalga oshira olinsa, turli fanlar doirasidagi nomlar, nomlanish jarayoni hamda terminologiya masalalariga munosabat ham rivojlanadi. Xulosa qilib aytganda, har bir joy, kishi nomi va boshqa shu kabi nomlarga ongli va madaniy munosabatda bo’lish madaniyatini aholi qatamlariga singdirish, nomlarning talqini va tahlilini o’rganish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Enazarov T., Husanova N., Yesemuratov A. O’zbek nomshunosligi. Monografiya. – Toshkent, 2015.
2. Alisher Navoiy tilining izohli lug’ati. IV tomlik. I tom. – Toshkent, 1983.
3. Mamadazimov M. Astronomiya. – Toshkent, 2008.

⁵⁹ Alisher Navoiy tilining izohli lug’ati. IV tomlik - I tom T.: 1983, 656B.

⁶⁰ M. Mamadazimov. Astronomiya. - T.: 2008 264B.

JUMABOZOR QISHLOG'I SHEVASIDA KELISHIK QO'SHIMCHALARINING QO'LLANILISHI

M. Rahmatova (SamDU talabasi)

Ma'lumki, dunyodagi barcha tillarning adabiy shakli doimiy ravishda shevalardan oziqlanib boradi hamda rivojlanadi va takomillashadi. Sheva tilning fonetik, grammatik, lug'aviy jihatdan o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan ma'lum bir hududga tegishli bo'lgan tilning bir ko'rinishidir. U boshqa shevalardan sezilish darajada lisoniy tafovutlariga ega bo'lgan bir yoki bir nechta aholi maskani (odatda qishloq yoki mahalla) da yashovchilar so'zlashuv nutqining o'ziga xos lisoniy vositalari orqali ifodalaniş jarayonini o'z ichiga oladi. Boshqacha qilib aytganda, sheva ma'lum bir hududda yashovchi aholigagina xos va shu aholi uchun tushunarli bo'lgan so'zlashuv uslubining bir ko'rinishidir. Shevalarning bir-biridan farq qilishiga turli ichki va tashqi omillar sabab bo'ladi. Ichki omillarga shevaning qayta urug' yoki hududga mansubligini ifodalovchi o'ziga xos lisoniy xususiyatlar kiradi. Tashqi omilni esa chegaradosh hududlarda istiqomat qiluvchi boshqa urug' yoki millatlar so'zlashuv uslubiga xos fonetik, leksik hamda grammatik xususiyatlarning ta'siri tashkil etadi.

Adabiy tildan o'ziga xos xususiyatlari bilan farqlanadigan shevalardan biri Samarqand viloyati Toyloq tumani Jumabozor qishloq shevasidir. Qishloqning tub aholisi o'zbeklarning 92 urug'idan biri bo'lgan yuz urug'iga mansubdir. Yondosh hududlarida esa bahrin, kenagas, ming va boshqa urug'larga mansub kishilar istiqomat qiladi. Qishloqning bunday nom bilan atalishi qadimda qishloq hududida Juma kunlari katta bozor bo'lganligidir. Vaqtlar o'tib, haftaning juma kunida bo'ladigan bozor qishloqning geografik nomiga aylanishiga olib keladi va qishloq *Jumabozor* deb atala boshlanadi. Qachondan boshlab bunday nom bilan atalganini ko'rsatib beruvchi manbalar saqlanib qolmagan, hatto, qishloqning eng keksa nuroniylari ham qishloq qachon bunday nom bilan atalgani haqida aniq ma'lumotga ega emas ekan. Juma kuni bo'ladigan bozor qishloqning moddiy hayotini yaxshilash bilan birga uning til xususiyatlariga ham ta'sir ko'rsatmay qolmadi. Ko'plab hududlardan savdogarlar va xaridorlar kelishi sababli aholi qipchoq lahjasiga xos bo'lgan "j" lashish xususiyatini yo'qotib boradi. Bozorga keluvchilar orasida qarluq lahjasida so'zlashuvchilar hamda tojik millatiga mansub insonlarning ko'p kelishi esa hudud shevasining qarluq lahjasiga yaqinlashib "y" lashishga o'tib qolishi va ular leksikasida tojikcha so'zlarning o'mashib qolishiga sabab bo'lgan.

Jumabozor qishloq shevasi adabiy tildan va boshqa shevalardan fonetik, leksik, morfologik, grammatik jihatdan farq qiladi. Qishloq shevasida fonetik hodisalar faolligini kuzatish mumkin. Shuningdek, kelishik qo'shimchalarining adabiy tildan ancha farq qilgan holda so'zlashuv uslubida turli shakllarda qo'llaniladi.

Biz ushbu ishimizda qishloq shevasida kelishiklarning adabiy tildan farq qilgan holda qo'llanish jarayonlari haqida fikr-mulohazalar bildirishga harakat qilamiz.

Ma'lumki, o'zbek adabiy tilidagi oltita kelishik shevalarning ba'zilarida oltita, boshqalarida esa besh yoki to'rtta holatda qo'llanadi. Besh yoki to'rt kelishikka ega bo'lgan shevalarda ikki kelishik funksiyasini birgina affiks bajaradi [1, 132].

Jumabozor qishloq shevasida kelishiklar soni to'rtta, adabiy tilda qo'llaniluvchi qaratqich va o'rin-payt kelishiklari jonli nutqda qo'llanilmaydi. Kelishik qo'shimchalari qishloq shevasida turlicha ko'rinishda qo'llanadi. Xususan, tushum kelishigi qo'shimchasining og'zaki so'zlashuv nutqda –di shakli ishlatiladi:

Hududni -Hydyddn. Katta hydyddn egallayotgan joy boganakən.

Xo'jalarni – Xejeləddn. Xejeləddn tuzas' yeg'

Qaratqich kelishigi vazifasini esa tushum kelishigi, ba'zi o'rinlarda egalik qo'shimchasi yoki –di fonetik variant bajaradi:

Daraxtnig - Dərxət'. Mevəl' dərxət' zəp' b'lən bet'n' ozədn.

To'yning - Təyd'. Təyd' ettas' kyn' etkəz'ləd'

Qishloq shevasida eng faol qo'llanadigan kelishik jo'nalish kelishigi hisoblanadi. Jo'nalish kelishigining –ga qo'shimcha qishloq aholisi so'zlashuv nutqida o'rin- payt kelishigining –da qo'shimchasi o'rinda qo'llaniladi. Aholi bilan suhbat davomida o'rin- payt kelishigi umuman qo'llanmaslik holatlariga guvoh bo'ldik. Bu shevaning o'ziga xos jihatlaridan biridir. Jo'nalish kelishigining o'zi esa adabiy tilda bo'lgani kabi, –qa, –ka, –ga shakllarida qo'llanadi. Bu kelishikni qo'llash bilan bog'liq o'ziga xosliklar mavjud emas.

Qizig'i shundaki, o'rin-payt kelishigi hudud jonli so'zlashuv nuqtida deyarli qo'llanilmaydi. Bu kelishik qo'shimchasi vazifasini jo'nalish kelishigi qo'shimchalari bajaradi :

Qishloqda – Q'şloqqə. B'zəd' qışloqqə bələnd tepalnik bə

Uyda - Öygə. Öygə m'ymən bə.

Adabiy tilda - dan qo'shimchasi bilan ifodalanadigan chiqish kelishigi shevada –dan, –nan, –tan shakllari bilan qo'llaniladi:

Undan – Unnən. Unnən təşqərn yəş-yəş bəzələr'm'z 3'llnk öynaydn.

Qachondan -Qazonən. Qazonən ber' yəşəyd'.

Qaytadan – qəytəttən. Qəytəttən tey qiləm'z.

Xullas, adabiy tildan ma'lum darajada farq qiladigan Jumabozor shevasining o'ziga xos xususiyatlarini tadqiq etish tilshunosligimiz oldidagi dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

O'G'UZ LAHJASINING BA'ZI XUSUSIYATLARI

K.Matkarimova (*ToshDO'TAU talabasi*)

O'zbek shevalari ichida o'ziga xosligi bilan ajralib turuvchi o'g'uz lahjasini juda ko'p olimlar o'rgangan. Jumladan, G'ozii Olim Yunusov, E.D. Polivanov, A.K. Borovkov, Ahmad Ishayev, Yusuf Jumanazarov, Erka O'rozov, Fattoh Abdullayev va boshqalar mazkur lahjani maxsus tadqiq etgan.

Xorazmning janubiy qismidagi bir qancha shevalar o'zbek tilining o'g'uz lahjasiga taalluqlidir. Xorazmdagi Xiva, Xonqa, Shovot, Hazorasp, G'azavot, Yangiariq, Sho'raxon, Urganch singari aholi yashaydigan joylarda, shuningdek,

Toshhovuz va To'rtko'l shaharlarida ham o'g'uz lahjasi vakillari juda ko'p uchraydi. Ta'kidlash kerakki, Xorazmda shahar va qishloq nomlari ham boshqacha talaffuz qilinadi. Masalan: Xonqa - Xonqo, Hazorasp - Hozoris, G'azavot - G'ozavot, Yangiariq - Yongoriq, Urganch - Uryanch, Toshhovuz - Doshovuz.

O'g'uz lahjasining ba'zi belgilari: 1. Unlilar qisqa va cho'ziq aytiladi (hayvon), ad (ism), ot (o'simlik), ot (olov). [2.64-b] Shu o'rinda Xorazm viloyatidagi Xiva shahri Gulshan mahallasidan yig'ilgan namunalar dialektologiyaga oid mazmunli manbalarda keltirilgan misollardan farq qilishini ta'kidlashni istardik. Misol uchun: ot - ot hayvon, ad - od ism, ot emas ya'ni o't o'simlik va olov ma'nolarida ishlatiladi. 2. -ning qo'shimchasi -ing tarzida aytiladi: akamning - akaming. 3. O'g'uz lahjasi ham, qipchoq lahjasi kabi, ohangdoshlik (singarmonizm) qonuniyatiga amal qiladi [3.101-b] Misollar: O'qishimo - o'qishimga, ukama - ukamga. Gimima shiyo dedi (Kiyimimga siyoh tegdi).

Xorazm shevasi o'g'uz lahjasiga mansub bo'lib, adabiy o'zbek tilidan fonetik jihatdan farq qiladi: a) so'z boshida k, t tovushlari o'rniga mos ravishda g, d ishlatiladi: til - dil, tosh - dosh, taroq - dorog, tish - dish, kel - gal, kerak - garak to'g'ri - do'g'ri, kuydi - go'ydi, ter - dar, tugma - d'ima, kulish - gulish, to'ldi - do'ldi, kema - gama, tuvak - duvak, tashqari - deshon, tugun - duyun; b) q, k harflari so'z oxirida tushib qoldiriladi: issiq - issi, tirik - diri, xivalik - xivoli, quduq - quyi; c) ko'pchilik so'zlarda e dan a ga o'tish hollari uchraydi: men - man, sen - san, kel - gal, kes - kas, kerak - garak; d) so'zlarning o'rin-payt kelishigi shakllarida shaxs shaklida kelishik qo'shimchasidan oldin n tovushi qo'shiladi: ichinda (ichida), dishinda (tishida); e) ng harf birikmasi ikki xilda aytiladi: ng va n shakllarida. kitopin (kitobing), giyiming (kiyiming). Misollardan ko'rinib turibdiki, Xorazm shevasi adabiy tildan fonetik, leksik va morfologik jihatlardan farq qiladi.

Bu shevada affikslarning o'zak yoki negizga qo'shilish tartibi, asosan, adabiy tilimizdagi singari, ya'ni avval ko'plik, so'ng egalik, undan keyin kelishik affiklari qo'shiladi: atalarimizga, galdingizlami kabi. [1.143-b] Hozirda Xorazm viloyatida otolorimizga, galdingizlami tarzida talaffuz etiladi. Masalan: ag'amlara [1.143-b] emas og'omlora deyiladi.

Urganch - Xiva shevalarida otlarning kelishiklar bilan turlanishi quyidagicha: paxta + ni, paxta + g'a, paxta + da, paxta + dan. [1.151-b] Hozirda poxto, poxto + ni, poxto + g'o, poxto + do, poxto + don shaklida talaffuz qilinadi.

Antonimlar (oji - suji "achchiq - chuchuk", o'li - diri "o'lik - tirik", uli - kichi "katta - kichik", nomoy - oz "mo'l - ko'l - oz", kuri - izg'or "quruq - nam") va boshqalar. [4.16-b] Xorazm viloyatida hozirgi kunda ulli - kichchi, no'moy - oz, quri - izg'or tarzida o'zgargan. Oldingi talaffuzi taxta, baxt, daraxt(t), taxt, puxta, ixtiyar [5.43-b], duvak - qopqoq, qapi - eshik, qarinja - chumoli, uniq - ushoq, ko'shayana - go'shanga, nax - ip. [6. 24-b]. Hozirgi talaffuzi toxto, boxt, doroxt, toxt, puxto, ixtiyor, duvak - tuvak, qoppoq - qopqoq, gopi - eshik, qorinjo - chumoli, o'niq - ushoq, ko'shana - go'shanga, nox - ip. Misollardan ko'rinib turganidek, Xorazm viloyati shevasi oldingiga qaraganda ancha o'zgargan. Bunga Xorazm viloyati Xiva shahri Gulshan mahallasidan yig'ib olingan namunalari misol bo'la oladi.

Qarindoshlik nomlari: ana – buvi, oto – bobo, qoynoto – qayinota, qoynono – qayinona, aka – dada, opo – ona, apka – opa, doyi – tog'a, og'o – aka, biyi – kuyov, xolobiyi – katta xola, galin – kelin, guyov – kuyov, boldiz – qayinsingil, cho'liq – nevara, cho'liq – chevara, yo'liq – evara, yotliq – begona, jo'ro – o'rtog, chopon – dugona, bavak – chaqaloq, qo'mishi – qo'shni.

Yuqorida keltirilgan qarindoshlik nomlari adabiy tildan ham, boshqa lahjalardan ham ajralib turadi. Negaki, o'g'uz lahjasi ko'proq Xorazm viloyati aholilaridagi qishloq va shaharlarda keng tarqalgan. Gulshan mahallasidan yig'ib olingan namunalar bunga misol bo'la oladi. Yig'ib olingan namunalarda nafaqat qarindoshlik nomlari, balki ust kiyimlar, bosh kiyimlar, oyoq kiyimlar, taomlar, poliz mevalari, mevali daraxtlar, sabzavotlar, dukkakli mahsulotlar, daraxtlar, tana a'zolari, ranglar, oshxona anjomlari, uy anjomlari, o'quv qurollari, mehnat qurollari, hayvonlar, parrandalar, qushlar, hashorotlar nomlari va kundalik muloqotda faol ishlatiladigan so'zlar ham bor.

Kiyimlar nomlari: go'ynak – ko'ynak, jallapka – nimcha, chorul – shim, kostum-chorul kostyum-shim, jo'rob – paypoq, kisa – cho'ntak, qo'lliq – qo'lqop.

Bosh kiyimlar nomlari: texo – do'ppi, to'ppi – shapka, shapka – kepka.

Oyoq kiyimlar nomlari: ko'vish – kalish, adik – etik, shippiq – shippak, massi – maxsi.

Taomlar nomlari: barak – chuchvara, bilomiy – atala, so'rgildoq – qovurdoq, tujon – qiyma, yimiro – tuxum, osmo sho'rvo – qaynatma sho'rva, plo'v – osh, unoshi – lag'mon, moshovo – moshxo'rda, suturinch – shirguruch, qo'rilig'on bog'ir – qovrilgan, jigar chakida – suzma, go'k barak – ko'k chuchvara, qo'rsoq – bo'irsoq, qo'rilig'on et – qovrulgan go'sht, qo'rilig'on zomoriq – qovrilgan qo'ziqorin.

Xorazimning asosiy ovqatlaridan bo'lmish "tuxumbarak" adabiy tilda "tuxum chuchvara" deyiladi. Tuxumbarak – Buxoro, Navoiy hamda Xorazm viloyatlarida qilinadigan ovqat turi.

Poliz ekinlari nomlari: horvuz – tarvuz, qo'vin – qovun, zomcho – handalak.

Mevali daraxtlar nomlari: arik – o'rik, chiya – olcha, beye – behi, g'o'vuz – yong'oq, rujja – ko'ksulton, oli – olxo'ri.

Sabzavotlar nomlari: gashir – sabzi, karchika – kartoshka, kadi qavoq.

Daraxtlar nomlari: darak – terak, so'vit – tol (turk tilida sog'ul).

Tana a'zolari nomlari: al – qo'l, go'z – ko'z, mirn – burun, domoq – tamoq, dinmoq – tirnoq, diz – tizza, o'chcha – tavon, dil – til, dish – tish, angak – dahan, mongloy – peshona, qopoq – qavoq, yimiriq – musht, deri – ter.

Ranglarni ifodalovchi so'zlar: go'k – yashil, sori – sariq.

Oshxona anjomlari nomlari: koso – piyola, lovopkoso – kosa, tonqo – tuncha, ustax – xontaxta, chalak – chelak, sixak – qirg'ich, blyudo – agan, layan – tog'ara, chonoq – tog'aracha, chonik – choynak, alak – elak, yo'g'ich – jova, kurit – gugurt, yenglik – nonvoy qo'lqopi.

Uy anjomlari nomlari: g'oli – gilam, qopi – eshik, taka – yostiq, etik – dazmol, to'rvo – turba, do'shak – to'shak, inna – nina, noh – ip, o'ymoq – angishvona, orjo – sandiq, kat – karavot, tizo'r – televizo'r, moytofon – magnitafon.

O'quv qurollari nomlari: daptar – daftar, o'chirik – o'chirg'ich, yo'noq – oqgich, so'mka – sumka, qolom – qalam.

Mehnat qurollari nomlari: *katman – ketmon, beshdinnoq – haskash, yovo – payshaha, bichqi – arra, zanggi – narvon, supsa – supurgi, chat supsa – kato supurgi, zambal – zambil, yorg‘i – katta arra, to‘kich – belg‘a, orvo – arava, g‘ollik orvo – arava, bel – lapatka.*

Hayvonlar nomlari: *diya – tuya, o‘jak – buzoq, sig‘ir – sigir, gechi – echki, o‘kiz – buqa, bajik – qo‘y, pishik – mushuk, moymul – maymun.*

Parrandalar nomlari: *juja – jo‘ja, induq – kurka, to‘vuq – tovuq.*

Qushlar nomlari: *secha – chumchuq, gorg‘o – garg‘a.*

Hasharotlar nomlari: *to‘kichcha – chigirtka, kaltikalos – kaltakesak, qirqo‘yoq – o‘rgimchak, qorinjo – chumoli, no‘xarak – suvarak, chiyon – chayon.*

Olmoshlar: *man – men, san – sen, vi – u, vilo – ular, sizlo – sizlar, biza – bizlar, ovilo – anavilar.*

Kundalik so‘zlashuvda faol ishlatiladigan so‘zlar: *gal – kel, get – ket, bonogal – buyoqqa kel, so‘lla – gapir, ay – hoy, jolli – zo‘r, at – qil, nichiksan – qalreysan, novvi – nima? nachun – nimaga, nedasan – qayerdasan, bedaman – shu yerdaman, nadayan – namuncha, horidim – charchadim, orimodimi? – og‘rimadimi? borosimbo – borgim kelyapdi, akka – olib kel, ovo – ha, ono – voy, bar – ber, qor atdim – xafa bo‘ldim, xo‘sh – xayr, nishatti – mnima qildi, vog‘irdi atma – shovqin qilma.*

Xulosa o‘rnida shuni ta‘kidlash kerakki, o‘g‘uz lahjasi boshqa lahjalardan tubdan farq qiladi. Xorazmning Xiva shahridan to‘plangan namunalarni bunga misol qilish mumkin. Yig‘ilgan namunalar darsliklar va o‘quv qo‘llanmalarda keltirilgan misollardan farq qiladi. Negaki, yillar o‘tgani sayin o‘g‘uz shevasida ham ma‘lum o‘zgarishlar yuz bermoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdullayev F. O‘zbek tilining Xorazm shevalari. – Toshkent: Fan, 1960.
2. Ashiiboyev S. O‘zbek dialektalogiyasi. – T.: Navro‘z, 2011, 2016.
3. To‘ychiboyev B., Hasanov B. – T.: Xalq merosi, 2004.
4. Allaberdiyev A. Buxoro o‘g‘uz shevalari leksikasi, .– T., 2018.
5. Saparov M. Xorazm vohasidagi turkiy tillarning o‘zaro munosabatlari. – T.: Fan, 1988.
6. Madrahimov O. O‘zbek tilining o‘g‘uz lahjasi leksikasi. – T.: Fan, 1973.

«ЗАФАРНОМА» АСАРИ ТАРЖИМАСИДАГИ АЙРИМ ЛЕКСЕМАЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИГА МУНОСАБАТИ ҲАҚИДА

А.ПРИМОВ (Урганч ДУ катта ўқитувчиси)

Шарафиддин Али Яздий қаламига мансуб «Зафарнома» асарининг эски ўзбек адабий тилидаги таржимаси XVI аср бошлари эски ўзбек адабий тили ҳолатини ўзида тўлиқ мужассам этган муҳим манбалардан биридир. Мазкур асар лексикаси тадқиқи ўша давр тил хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотлар бериши билан бирга, асар тилида қўлланган сўзларни ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларига киёслаш орқали уларнинг маъно тараққиёти,

турли семантик-услубий хусусиятлари ҳақида маълумот олиш мумкин. Қуйида
бирим сўзларнинг маъновий хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Фута/фўта сўзи ҳозирги ўзбек тилида “матодан қилинган белбоғ”, белга
бир неча марта айлантириб ўраладиган узун белбоғ” маъносида қўлланиши
ишохланган, (2.IV.369) тожик тилида эса “белбоғ сифатида ишлатиладиган
мат”, “дасторча”, “рўмол”, “хаммомда лунги вазифасини бажарувчи
чипто”(3.449). Хоразм шеваларида ушбу сўз *пўта* шаклида ишлатилиб,
“аёлларнинг бошга ўралиб, учлари белга айлантириб боғланадиган катта қалин
рўмоли” маъносини билдиради. Хоразмда, асосан, кекса ёшдаги аёллар *пўта*
ўрайди.

Айақ сўзи қадимги туркий тилда “қадах”, “коса” маъносида, ДПТ да
“идиш”, “коса”, “пиёла” маъноларини ифодалайди (4.I.112). “Зафарнома”
тилида бу сўз “қадах” ва “коса” маъноларида ишлатилган: Шаҳзодалар навбат
била аёғ тутуб ича бошладилар. (1.299а); Беклар эҳтиёт қилдилар, бир ботмон
улуғ тош билан олтмиш аёғ балмоқ бўлди ва муқаррар қилдилар: черик кишиси
ҳар кун бир аёғ била қаноат қилсунлар ва кўб киши бор эрдиким... (1.119б).
Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз идиш-оёқ жуфт сўзи таркибида ишлатилади.

Асар тилида *табақ* сўзи “егулик солиш учун мўлжалланган олтин ёки
ёғочдан ясалган идиш” маъносида қўлланади “...Бу янги мевадин олтун *табақ*
ичра солиб йибарали”. Беклар дедиларким, «Олтун *табақ* не ҳожат турур, йағоч
табақ етар». (1.75а) Табақ араб тилидан олинган сўз бўлиб, “копқоқ”, “ликоп”,
“лаганча” маъноларини ифодалайди. (3.625) У “*юзи ёйиқ, бир оз ялтоқ, коса*
шаклидаги чуқурроқ идиш (турли ўлчамда сопол, чинни, металл, баъзан
мармрдан тайёрланади)”. Хоразм шеваларида ҳам мазкур сўз “юзи ёйиқ,
бир оз ялтоқ, коса шаклидаги чуқурроқ идиш” ва “ялтоқ, текис шаклидаги
юзи ёйиқ идиш” маъносида ишлатилади. Қарлуқ лаҳжасига мансуб
шевларда бу сўзга синоним сифатида лаган лексемаси қўлланади. Хоразм
шеваларида лаган сўзи “хамир қориш ёки кир ювиш каби мақсадларда
ишлатиладиган тозора” маъносида қўлланади.

Пиёла сўзи туркий тилларга эроний тиллардан ўтган сўз бўлиб (5.99),
асосан, чой ичиш учун мўлжалланган идиш номидир. Асар тилида олтин,
биллур ва яшм тошларидан қилинган пиёлалар ҳақида сўз кетади: Ва офтобдек
соқийлар олтун *пиёлаларни* тўлдуриб тута бошладилар. (1.299а) Ўзбек адабий
тили ва унинг кўпчилик шеваларида *пиёла* сўзи “Зафарнома”да қўлланган
маъносида келади. Хоразм шеваларида *пиёла* сўзи ўрнида *коса* сўзи
ишлатилади. Аниқроғи, чой ичиш учун ишлатилганида *чой коса*, суюк таомлар
солинадиган идиш сифатида *лувоб коса/лебаб коса* бирикмали номлари
қўлланади. “Зафарнома” лексикасида эса *коса* сўзи учрамайди.

Хум сўзи суюклик, дон ва шу кабиларни сақлаш учун сополдан ясалган
турли катталиқдаги идиш номи бўлиб, “Зафарнома”да тузланган маҳсулотлар
солиш учун ишлатилганини кўриш мумкин: Алар чумчуқлардин тутуб, туз уруб,
кўзаларда ё *хумларда* солур эрдилар. (1.119б) Ш.Усмонова *қумгон* сўзининг
этимологиясини *қум/қум* унсуридан излаш кераклигини таъкидлайди, кирғиз
тилидаги *қумра* сўзи ҳам “сопол хумча” маъносини эслатишини таъкидлайди.
Олтой тиллари учун муштарак бўлган “гешик, ўйиқ, чуқур” маъносидаги

мазкур асосдан *қумгон*, ўзбек шеваларидаги *қума* (ертўла, овчи ёки хирмончиларнинг кичик кулбаси) каби маъноларда ишлатилганини таъкидлайди (7.131). Хоразм шеваларида итнинг уйчаси ҳозир ҳам *қума*, пишми ёки гишт ёки сопол идиш тайёрланадиган ўчоқ *хумбуз* деб аталади. *Хумбуз* сўзи *хум* ва фор-тожикча *паз* (*пазидан* - пиширма) қисмларидан ташкил топган. Хоразм шеваларида таркибида *хум* сўзи мавжуд бўлган “кружка” маъносини англатувчи *сархум* лексемаси ҳам бор. *Сархум* (хумнинг боши) “хумнинг оғзини жойлашиб турадиган, ҳам қопқоқ, ҳам кружка вазифасини бажарувчи идиш” номидир. Ҳозир турмушимизда хумлар ишлатилмаса ҳам, *сархум* сўзини истеймолда бор.

Кўза одатда суюқликларни сақлаш учун ишлатиладиган қорни кенг, бўғзи ингичка бўлган дастали идиш номи бўлиб, *хум* сўзи каби “тешик, ўйиқ” маъносини ифодалаш учун қўлланган бўлиши мумкин. Тилимизда *булоқнинг кўзи*, *дерзанинг кўзи* каби бирикмалардаги *кўз* сўзининг метафорик қўлланиши ҳам шундай тахминга асос бўла олади. Худди *қумгоннинг оғзи*, *ўчоқнинг оғзи* деб айтилганидай.

“Зафарнома”да *саноч* сўзи “сув ҳавзаларидан кечиб ўтганди ишлатиладиган, ичига ҳаво тўлдирилган идиш” маъносиде келган: Чериққа жар еткурсунларким, киши бошига икки *саноч* ўзи билан олиб туруғайким, тонгла сувдин ўтарда керак бўлғай турур». (1.146а) “Теридан қилинган идиш, тери тўрва, меш, мешкоб” (2.П.441) маъносини англатувчи бу сўз ҳозир тарихий лексема ҳисобланади. Хоразм шеваларида “бурни осмонда”, “кеккайган”, “димогодор” маъносини ифодаловчи *har qolitiqinda: bir sanach* (ҳар қўлтиғида бир саноч) ибораси таркибида ҳам *саноч* сўзи бор.

“Зафарнома”нинг ўзбекча таржимасидаги жанг ва жанг майдони тушунчасини ифодаловчи сўзларни тасниф қилганда ҳам терминларнинг контекстдаги маъноларига катта эътибор қаратиш лозим бўлади. Масалан, *маърака* сўзи эски ўзбек тилида 1) “одамлар тўпланадиган жой”; 2) “жанг майдони” маъноларини англатган. Агарчи, ҳеч андоқ бўлмадиким, ўзининг илиғи ишга етмиш бўлғай, вале дерларким, баъзи *маърака*ларда андин асари шижоат зоҳир бўлур экандур (6.368). Ва ул ҳамлада бир отликни найза билан тушурди ва ани боғлаб *маърака*дин чиқарди. (1.238а). *Маърака* сўзи аслида арабча *маъракатун* шаклига эга феъл бўлиб, ўзбек тилида “курашмоқ” маъносини ифодалайди. Бу сўз араб тилида “кураш”, “жанг”, “кампания” маъноларини англатади (2.255). Мазкур сўз “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да 1) “мотам маросимларининг йиғиндиси ва ҳар бири”; 2) “тўй, томоша ва шу кабилар муносабати билан бўладиган йиғин, маросим”; 3) “жанг майдони, жанг” каби маъноларни англатиши билан омоним экани белгиланган. *Маърака* сўзининг “мотам маросимларининг йиғиндиси ва ҳар бири”, “тўй, томоша ва шу кабилар муносабати билан бўладиган йиғин, маросим” семалари XVI асрдан кейинги даврларда шаклланган.

Умуман, “Зафарнома” лексикасидаги сўзларнинг айримлари ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларида айнан бир хил маъно ва қўлланишга эга бўлса, айримлари эскирган, асар тилида ифодалаган маъноларидан бошқа семалари ҳам юзага келган. Бу жараёни муайян сўзлар тахлили орқали

«Урсатиб бериш тилимиздаги сўзларнинг маъно таракқиётига оид муносиқатларини яна-да кенгрок очиб беришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳаммад Али таржимасидаги «Зафарнома» асарининг Туркиянинг Истамбул шаҳридаги Нури Усмония кутубхонасида 3268-рақам билан оқланаётган нусхаси.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006–2008. – Т.1. 2006. – 680 б., Т.2. 2006. – 672 б., Т.3. 2006. – 688 б., Т.4. 2008. – 602 б., Т.5. 2008. – 592 б.

3. Фарҳанги забони тоҷики. Т.2. – Москва, нашриёти «Советская энциклопедия», 1969. – Б.449

4. Кошғарий Махмуд. Девону луғотит турк. 3 томлик. – Тошкент: ЎзССР ФЛ нашриёти, 1960–1963. – Т.1. 1960. – 499 б.

5. Миллер. Персидско-русский словарь. -М. 1960. - С.99

6. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома (Нашрга тайёрловчи С. Ҳасанов. Масъул муҳаррир В. Раҳмонов. –Т.: Шарқ, 2002.–368 б.

7. Усманова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика. Монография. -Тошкент: Фан, 2010. - 231 б.

О‘ЗБЕК VA TURK MAQOLLARIDA OILAVIY MUNOSABATLARNING IFODALANISHI

S.Bozorova (*ToshDO‘TAU katta o‘qituvchisi*),

L.Bozorova (*Navoiy davlat pedagogika instituti o‘qituvchisi*)

Maqollar tilning ko‘rki hisoblanadi. Ulardan nutqda foydalanish mazmunni boyitishga, ta’sirchanlikni oshirishga, tilning ko‘rkamligini namoyon etishga xizmat qiladidi, nutqning xalq tiliga yaqin bo‘lishini ta’minlaydi. Maqollardagi ixcham hajm va ma’no xalq ma’naviyati, zakovati mahsulidir. Ularda hayotning barcha masalalari qamrab olinadi. Oilaviy munosabatlar maqollarda eng ko‘p tilga olinadigan mavzulardan biri hisoblanadi.

Oila hayotida ayolning muhim o‘rin tutishi, qarindoshlik rishtalarini mustahkamlovchi shaxs ekanligi turk maqollarida ham aks etadi: *Evi ev eden avrat (kadın), yurdu şen eden devlet (Uyni uy qilgan – xotin, yurtni shod qilgan – xotin), Kadın erkeğin eşi, evin güneşidir (Ayol erkakning yo‘ldoshi, uning quyoshidir), Kadının düzdiği evi Tanrı yıkmaz, kadının bozduğu evi Tanrı yapmaz (Ayol qurgan oilani Tangri buzmaydi, ayol erkakning yo‘ldoshi, uning quyoshidir), Kadın var ev yapar, kadın var ev yıkar (Ayol bor – uy tuzadi, ayol bor – uy buzadi), Kadınsız ev olmaz (Ayolsiz oila bo‘lmaydi).*

Ayolga nisbatan salbiy munosabatni ko‘rsatuvchi maqollar ham bor: *Kadını sırdaş eden esrara tellal aramaz (Ayolni sirdosh qilgan sirga dallol izlamas), Avratın kazdığı kuyudan su çıkmaz (Ayol qazigan quduqdan su chiqmas), Kadının saçı uzun olur, aklı kısa (Ayolning sochi uzun, aqli qisqa bo‘ladi), Kadın şerri şeytanın şerrine eşittir (Ayolning yomonligi shaytonning yomonligiga tengdir), Kadının bir aklı, erkeğin dokuz aklı vardır (Ayolning bir, erkakning to‘qqiz aqli bor), Avrattan vefa, zehirden şifa (Ayoldan vafu, zahardan shifo kutilmaydi).*

Oilada ayolning eng muhim vazifasi onaligidir. Ayolning ona sifatida fidokorligi maqollarda e'tirof etigan asosiy fazilatlaridan biridir: *Ağlarsa anam ağlar, gayrisi yalan ağlar* (Yig'lasa, onam yig'lar, boshqasi yolg'on yig'lar), *Ana gibi yalan Bağdat gibi diyar olmaz* (Onadek yor, Bag'doddek diyor bo'lmas), *Ana evlâdından geçmez* (Ona farzandidan kechmaydi).

Turk maqollarida qarindoshlik nomlari ichida onadan keyin eng ko'p ishlatiluvchi so'z "ota"dir. *Baba nasihati tutmayan pişman olur* (Ota nasihati tutmaymagan pushaymon bo'ladi), *Baba oğlumun fenahğim istemez* (Ota o'g'lim yomonlik tilamaydi) maqollarida otaning inson va oila hayotidagi o'rniga aytilgan.

Turk maqollarida farzand mavzusi muhim o'rin tutadi. Farzandning oilani mustahkamlovchi, naslni davom ettiruvchi inson sifatida qadrlanishi maqollarda o'z aksini topadi: *Çocuklu ev pazar, çocuksuz ev mezar* (Bolali uy – bozor, bolasiz uy – mezar), *Çocuksuz kadın meyvesiz ağaç gibidir* (Bolasiz ayol mevasiz daraxt kabidir), *Çocuk evin meyvesidir* (Bola uyning mevasidir), *Oğlam kızı olmayan avrattan, eski hasır yeğdir* (O'g'il-qizi bo'lmagan ayoldan eski bo'yra yaxshi), *Evlâdi olmayanda merhamet olmaz* (Bolasi yo'qda mehr bo'lmaydi).

Turk maqollarida farzandni voyaga yetkazish qiyinligiga ham e'tibor qaratiladi. *Çok çocuk anayı şaşkın, babayı düşkün eder* (Ko'p bola onani hayron, otani parishon qiladi), *Evlâdın varsa başında derdin var* (Bolang ho'lsa, boshingda darding bor), *Çocuk büyümek taş kemirmek* (Bola o'stirish – tosh kemirish), *Çocuk isteyen belâsım da istemek gerek* (Bola istagan balosini ham istashi kerak), *Evlâdın varsa bin derdin var, evlâdın yoksa bir derdin var* (Bolang bo'lsa, ming darding bor, bolang yo'q bo'lsa, bir darding bor), *Evlâdın var mı derdin var* (Bolang bormi – darding bor).

Oiladagi farzandlarning jinsiga qarab qadrlanishi haqidagi ma'lumotlar ham maqollarda saqlangan. Qiz bola boshqa oilaga ketib begonalashishi, o'g'il esa doimo ota-onaning yonida bo'lishi, yaxshi-yomon kunida qo'llab-quvvatlashi, naslni davom ettirishi sababli ko'proq qadrlanishini sezish mumkin.

Qiz farzandni voyaga yetkazish, uni asrash, or-nomusini himoya qilish oson emasligi maqollarda ta'kidlanadi: *Kız yükü tuz yükü* (Qiz yuki – tuz yuki), *Kız doğuran tez kocar* (Qiz tuqqan erta qariydi), *Kız evde olsa da elden sayılır* (Qiz uyda bo'lsa ham, birovniki hisoblanadi), *Oğlan doğuran övünsün, kız doğuran dövünsün* (O'g'il tuqqan maqtansin, qiz tuqqan o'zimi ursin), *Oğlanı her kari doğurmaz, er kari doğurur* (Har qanday xotin o'g'il tug'olmaydi, mard xotin o'g'il tug'adi), *Oğlandır oktur, her evde yoktur* (O'g'il o'qdir, har uyda yo'qdir). Qiz bolani asrash, uning sha'niga dog' tushirmaslik oson emasligi o'zbek xalqining *Qiz asraguncha tuz asra* maqolida yaqqol aks etadi. Tuz tashqi ta'sirlarga beriluvchan, juda tez eruvchi, oson g'ubor yuqtiruvchi modda bo'lganligidan taqqoslash obyekti sifatida olingan. *Qiz saqlasang, tuz saqla* maqolida esa tuz so'zining hozirda deyarli unutilgan ma'nosi (to'g'ri, tekis, silliq) nazarda tutilgan. Ya'ni: *Qiz saqlasang, to'g'ri saqla, yaxshi tarbiya ber degan* ma'no ifodalangan. Turk tilida *düz* shaklida ishlatiladigan bu so'z hozir ham faol qo'llaniladi va *to'g'ri, tekis, silliq, oddiy, sidirg'a, naqshsiz* kabi ma'nolarni bildiradi.

Har bir xalq asrlar davomida juda katta hayotiy tajriba to'playdi, shu tajribani bilim vositalari bilan kelajak avlodlarga meros qilib qoldiradi. Maqol va hikmatli asarlar ana shunday ma'naviy merosimiz hisoblanadi. Dunyoda hikmat durdonalari yaratmagan, ulami asrlar osha ko'z qorachig'iday asrab, avaylab, sayqal berib, dilida, shunda saqlab kelmayotgan biror bir xalq yo'q.

Jamiyat hayotidagi o'zgarishlar insonlar dunyoqarashiga ta'sir qilmay qolmaydi, albatta. Bu holat maqollarda ham o'z aksini topadi. Maqolada tahlil etilgan maqollarda o'zbek va turk xalqlarining oila haqidagi hukmlari aks etgan deyish mumkin. Bu hukmlarda ma'naviy qadriyatlar, asriy an'ana va urf-odatlaming izlari sezilib turadi. Shu bilan birga, yangicha qarashlar ham ifoda etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbek xalq maqollari. Tuzuvchilar: filologiya fanlari doktori, professor To'ra Mirzayev, filologiya fanlari doktori, professor Asqar Musoqulov, filologiya fanlari doktori, professor Bahodir Sarimsoqov. – Toshkent Sharq, 2005.
2. Mudayev O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – T.: Mumtoz so'z, 2010.
3. O'zbek xalq maqollari. – T., 1988.
4. Arsoy, Ömer Asım, Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü, Cilt: I-II, 3. b., Ankara: Türk Dil Kurumu Yay., 1981.
5. Başaran, Fatma, "Ailede Cinsiyet Rollerine İlişkin Tutum Değişmeleri".
6. Türkiye'de Ailenin Değişimi, Ankara: Sosyal Bilimler Derneği Yay., 1984.
7. Kağıtçıbaşı, Çiğdem, "Aile İçi Etkileşim ve İlişkiler: Bir Aile Değişme Modeli Önerisi" Türkiye'de Ailenin Değişimi, Ankara: Sosyal Bilimler Derneği Yay., 1984.
8. Feridun Fazıl, Türk Atasözleri ve Deyimleri, İstanbul: Remzi Kitabevi Yay., 1990.
8. Feridun Fazıl, Türk Atasözleri ve Deyimleri, İstanbul: İnkılâp ve Aka Kitabevi, 1963.

МАЪНАВИЯТГА ОИД АЙРИМ СЎЗЛАР ТАХЛИЛИ

Ю.Ходжиев (ТошДУТАУ ўқитувчиси)

Маълумки, ўзбек миллий тафаккурида "маънавият" тушунчаси минг йиллар давомида барқарор ва бардавом бўлган, бу тушунча халқ дунёқарашининг таркибий қисми, ўзини ташкил этувчи бирликлар тизимининг марказий ва локомотив бирлиги сифатида уюштирувчилик вазифасини бажариб келган. Гарчи у ижтимоий онгда мавжуд бўлса-да, лекин яқин ўтмишимизда унинг расмий лисоний ифодаси йўқ, нутқда ҳам қўлланмас эди. На қомус, на энциклопедик луғатларда унинг моҳиятига дохил талқин ва изоҳларни кўрамиз. Дейлик, 2 томли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да *маънавий* лексемаси берилмаганлиги⁶¹, бироқ унга генетик жиҳатдан алоқадор бўлган *маънавий* лексемаси изоҳланганлигининг бир неча мафкуравий ва гносеологик ҳамда когнитив асослари бор. Фикрларимизни луғатдан олинган иллюстратив далиллар билан қувватлашга ҳаракат қиламиз:

МАЪНАВИЙ (а) 1 Кишининг ички рухий ҳаётига оид. Маънавий эҳтиёжлар. Маънавий ёрдам. *Еш совет ўқитувчисининг ҳар бир иши зағчақўз*

⁶¹Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли Луғати. 2 томли. 1- том. – М.: Русский язык, 1981.

домлага маънавий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам зарба эди. П.Турсун ўқитувчи.

2 айн. ахлоқий Кишининг маънавий қиёфаси.

Шунингдек, маънавият сўзи изоҳланмагани ҳолда, маънан сўзига изоҳ берилган эди. Эътибор беринг:

МАЪНАН [а] рвш I Маънавий жиҳатдан, рухан. Унинг (Юсуфбев хожининг) ҳар бир раъйига Нормухаммад қумбеги қонунан мажбур бўлмасанда, маънан бир мажбурият ҳис этар эди. А.Қодирий, Ўткан кунлар. Маънан ва жисман эзилган ...Анвар ...гўё ҳусисиз каби бошини икки қўли орасига олиб, сандал устига энгашиди. А.Қодирий, Мехробдан чаён.

2 Маъно жиҳатдан, маъносига кўра. Маънан бир хил сўзлар⁶².

Ушбу лексикографик далиллар шунни кўрсатадики, истиқлолгача бўлган ўзбек расмий лексиконида маънавият лексемаси ўта пассив бўлиб, ижтимоий тор катлам нутқи ва тафаккуридагина мавжуд эди. Гарчи бу лексема қўлланмаса-да, унинг денотати – яъни борлиқдаги ифодаланмиши мавжуд эди. Маънавият умумий семали тил бирликлари, унинг таркибига кирувчи беҳад катта миқдордаги лисоний ифодалар – сўзлар, мақоллар, маталлар, иборалар минг-минг йиллар давомида халқимиз шуурида сайқалланиб, бойиб борар, ёзма адабиёт, халқ оғзаки ижодида фаол қўлланар эди. Янги давр изоҳли луғатларидаги қуйидаги талқинлар фикримизнинг далилидир:

“МАЪНАВИЯТ [a. معنويّات - ахлоқий ҳолат; барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар | Инсониятнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва ш. к. тасавурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Газетадан⁶³.

Модомики, инсон маънавиятсиз мавжуд бўлмас экан, уни луғатларга шунчаки киритмаслик билан махв этиб бўлмайди. Ёки идеология сўзини тилга зўрлаб киритиш ва унга берилган сохта ва объектив реалликдан йирик тавсиф ёки сунъий равишда ёпиштирилган “мохият” билан уни барҳақлиги ва бардавомлигидан маҳрум этишнинг иложи йўқ. Масалан, биргина “сиёсий” семаси маънавият ва идеология терминлари орасига чегара қўйиб, уларнинг муқобил тушунчалар эмаслигини кўрсатади. Эътибор қилинг:

“ИДЕОЛОГИЯ [p>грек] Идеаллар мажмуи, муайян синфнинг манфаатларини химоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, ахлоқий қарашлар системаси; мафкура. Буржуа идеологияси. Идеология ишлари”⁶⁴.

Тилшунос Г.Тожиева идеология ва маънавият, мафкура сўзлари ҳақида фикр юритар экан, уларнинг мавжудлиги ва талқинлардаги беўхшовликларнинг гносеологик илдизларига эътибор қаратади. “Албатта, синфийлашган жамиятда идеологияни инсоният учун умумий ва муштарак ходиса сифатида талқин қилиш мумкин эмас эди. Шунингдек, эски луғатдаги идеал, идея каби сўзлар изоҳи ҳам юқоридаги тушунчанинг моҳиятини очишга хизмат қилади. Шу

⁶²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 1- том – М.: Русский язык, 1981. – Б. 454-455.

⁶³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 2- жилд. – Тошкент: ЎзМЭ Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 556.

⁶⁴Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 1- том. – М.: Русский язык, 1981. – Б. 314.

Уринда, идеология сўзига тенглаштирилган *мафкура* сўзининг ҳам ўтган диндаги изоҳи эътиборли:

МАФКУРА [a] Муайян бир синфнинг манфаатларига қаратилган философия, сиёсий, ҳуқуқий, диний ва бадий қарашлари системаси. **Идеология.** *Пролетариат мафкураси. Буржуа мафкураси.*

Эътибор қилинса, *идеология* ва *мафкура* сўзлари изоҳи орасидаги фарқ баъдий (мафкура), *ҳимоя қилувчи* (идеология) ва *қаратилган* (мафкура) сўзларида мужассам⁶⁵.

Олиманинг талқинича, *мафкура* ва *идеология* сўзлари талқинида “синфий кураш” (ва муайян синфни ҳимоя қилиш) семасига эътибор қаратилган, бироқ *маънавият* сўзида бу сема мўътадил ва бетараф. Эски талқинлардаги *мафкура* ни *идеология* сўзлари моҳияти янги талқинлардаги *маънавият* сўзи моҳиятига қисман тўғри келади ва улар бир-бирини тўла маънода қопловчи ходисалар эмас⁶⁶ деганида олима, албатта, ҳақ.

Давр ўз сўзини айтади. *Маънавият* ифодаси ўзбек тилининг янги изоҳли луғатларида ўзгача талқинларда, ўзбек миллий психологияси билан боғлиқ равишда намоён бўлмоқда. Атама луғатнинг 1-жилдида 1март, 2-жилдида 13 март, 3-жилдида 5 март учраганлигини кузатишимиз мумкин. Бу *маънавият* сўзи (тушунчасининг эмас, албатта) ўзбек ижтимоий онгида қанчалик фаол ва устувор бўлиб келганлигининг расмий ифодаси бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий дунёқарашдаги туб ўзгаришлар, инсоннинг ўзини ва борлиқни идрок этиш усулининг янги сифат босқичига кўтарилаётганлиги, миллий маънавият ва меросга муносабатнинг янгича тус олаётганлиги, “миллий ўзлик” тушунчасининг қадрият даражасига кўтарилаётганлиги, тараккиётнинг таянч ходисаси ифодаси сифатида англаётганлиги, *маънавият* ходисасига муносабатни буткул ўзгартиришни тақозо этмоқда. Жаҳон айвонида муносиб мавқе ва рутбага эга бўлиш фақат техно-технологик ва иқтисодий омиллар билан эмас, балки маънавиятни сақлаш ва ривожлантириш, миллий қадриятларни умуминсоний идеаллар билан мос тараккий эттириш асосидагина содир бўлишини нафақат англаб этиш, балки унга амалий ёндашиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Иқтисодиётни маънавият билан уйғун ривожлантирмас эканмиз, ҳеч қачон кўзланган мақсадга эриша олмаймиз. Инсонни ҳайвондан фарқловчи омил маънавият, фақат маънавий ривожланишгина инсониятнинг тараккиёт даражасини кўрсатади. Иқтисодий, техник ривожланиш маънавий юксалиш билан уйғун кечган тақдирдагина тараккиётнинг охири таназзул билан тугамайди. Маънавий ва иқтисодий тараккиёт уйғунлиги таъминлансагина табиат инсон билан ўчакишмайди, инсоф, виждон, диёнат, ҳалоллик ва жонкуярлик ҳислари бошига тож бўлсагина инсониятни порлоқ келажак, гўзал табиат кутади. Жаҳонда экологик, молиявий-иқтисодий инқирознинг,

⁶⁵Тожиёва Г.Н. Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараккиёти (“миллий ғоя” атов бирликлари тизими). Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Самарқанд, 2017. – 139 б. – б.21.

⁶⁶Кўрсатилган манба. – Б.7.

терроризм, экстремизм ва диний радикализмнинг кучайиб бораётганлиги нафақат таракқиётнинг маънавий-ахлоқий таракқиёт билан тескари кутблар сарф интилаётганлигини кўрсатади. “Глобаллашув шароитида бу инкироз турлари бир-бирлари билан чирмашиб, инсониятнинг илгари мисли кўрилмаган улкан глобал инкирозига айланиш хавфи кучайиб бормоқда. Агар бу хавфнинг олди олинмаса, нафақат бир миллат ёки халқ, балки бутун инсоният таракқиёт деб аталаётган, аслида таракқиёт эмас, балки тўла маънодаги инкироз олдида оқиб қолиши мумкин. Миллат ва шахс маънавиятининг ўзаги бўлган эътиқод, виждон, оила каби муқаддас тушунчаларнинг таназзули шусиз ҳам ортиб бораётган халқаро зиддиятлар натижасида маънавий емирилишнинг ўзагига айланиб қолиши мумкин. Маънавиятни ана шу тизим таркибида англаш, уш яхлит таракқиётнинг асоси сифатида идрок этиш тенденциясини кучайтириш барча зарур амалларнинг муҳимига айланиб қолаётир. Бу эса, аввало, ҳар бир шахс дунёқарашини ривожлантириш асосида аҳолининг умумий маънавиятини юксалтириш заруратини кун тартибига қўяётир”⁶⁷.

ЖАНУБИЙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЭТНИК БЕЛГИ АСОСИДА ЯРАТИЛГАН ЖОЙ НОМЛАРИ ХУСУСИДА

Холмуродов И. (*НДПИ хузуридаги ХТХҚТУМОМ катта ўқитувчиси*)

Этник (халқ, қабила, уруғ, уруғнинг кичик бўлимлари) номлар билан аталувчи жой номлари Жанубий Қорақалпоғистон топонимиясида алоҳида ўринни ва катта гуруҳни ташкил этган этнотопонимлардир. Улар сон жиҳатдан кўп бўлишдан ташқари, турли объектларнинг номи ҳам ҳисобланади.

Этнотопонимларнинг хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин этник номларнинг ўзи, уларнинг характери ҳақида қисқача фикр юритишга тўғри келади. Чунки иккаласи ўзаро узвий боғлиқдир. Этник номлар тилдаги энг қадимий сўзлардан ҳисобланиб, ҳар бир халқнинг ўтмиши, этнографик хусусиятлари, тил тарихини ўрганишда муҳим манбалардан биридир. Этнонимлар уруғчи ва қабилачилик жараёни (тузуми)да пайдо бўлган. Бу жараён кейинчалик ҳам давом этиб, бугунги кунгача етиб келган. Тарихий ўтмишда туркий ва мўғул халқлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ва тил алоқалари турли кўриниш ва мазмунда амалда бўлган. Шу сабабли мўғул топонимикасида туркий сўзларнинг, ёки аксинча, туркий топонимик номларда (айниқса, қабила номларида) баъзи мўғул сўзларининг учраши табиийдир⁶⁸.

Ном қўйиш хусусияти ҳамма халқлар, элатлар, қабилалар ҳамда турли даврларда бир хил асосга эга бўлмаганлиги, номларнинг эса бирланига эмас, онгли равишда жамият ривожланишининг турли босқичларида юзага келганлиги, этноним учун асос бўлган сўзнинг ўзини аниқлаш анча қийин.

⁶⁷Тожиева Г.Н. Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги таракқиёти (“миллий ғоя” ағов бирликлари тизими): Филол. фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)... дисс. – Самарқанд, 2017. – 139 б. – 64.

⁶⁸А. Ишасв. Шимолий Хоразмдаги баъзи топонимик номларнинг этимологияси. Т., 1963, 163-6.

Ўзбек халқининг таркибий қисмини ташкил этувчи, Қипчоқ, Қўнғирот, Найман, Хиттой, Жалойир, Дўрмон, Митан, Қангли, Қарлук, Барлос каби қабила номлари учун асос бўлган сўзларнинг лексик маъноси ва ўзаги аниқ эмас. Мазкур номлар учун асос бўлган сўзлар ҳозирги ўзбек тилида истъмождан чиқиб кетган. Уларнинг кўпчилиги турк-мўғул тилларига хос тарихий муштарак лексемалардир. Этник гуруҳларга ном қўйиш гуруҳлари ранг-баранг бўлган. Этнонимлар турли хил усулда юзага келиб, этнотопонимларни шакллантирган⁶⁹

Баъзи қабила ва уруғ номлари шу этник бирликлар учун муқаддас саналган ҳайвон, қуш, ўсимлик номлари, тотемлардан юзага келган. Тарихчи: Рашидиддиннинг ёзишича, Ўғузхон ва улар қўл остидаги шохобчаларнинг ҳар қайсисига биттадан ҳайвон тотем қилиб белгиланган. А. Баҳодирхоннинг «Шажараи тароқима» асарида ҳам ҳар бир этник гуруҳнинг ўз номи, махсус тамғаси ва тотеми саналувчи қуши бўлганлигини айтиб ўтади. Муаллифнинг келтиришича, Ўғузхоннинг неваралари авлоди учун тотем ҳисобланувчилар: *Шуқор*, *Укки*, *Калхат*, *Қирғий*, *Қизил*, *Қарға*, *Қарчигай* ва ҳоказо.

Топонимнинг асосини ташкил этувчи топоасос(сўз)нинг маъно ва моҳият жиҳатидан ўзбек тилидаги худди шундай ёки тузилишига кўра ўхшаш сўзлар билан номувофиклигини кўрсатувчи кўплаб атоқли отларни келтириш мумкин. Масалан, «Қиз» топоасос(сўз)ли топонимларни олайлик. Бу типли топонимларнинг яратилишида «Қиз» сўзнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ушбу фикрга мисол *Қизкетган* (овул), *Қизтепа* топоонимлари. Бундай топонимлар республикамызда бошқача шаклларда ҳам учрайди: *Қизқудук*, *Қизмозор*, *Қизтош*, *Қизқўрғон*, *Қизтеғ* (Қашқадарё вилояти).

Бу каби топонимлар туркий «Қуз»⁷⁰ сўзи асосида яратилган. Унинг «баландлик, тепалик, чўкки, қоя» деган маънолари бор.

Дарҳақиқат, тотем саналган жониворлар номи асосида қадимда туркий ва мўғуллар орасида этник бирликларнинг номлари юзага келган. Бу жараён чорвачилик билан шуғулланган туркий қабила ва уруғларнинг ҳар бирининг махсус белгилари, чорва молларига хос тамғалари бор. Ушбу уруғларнинг тамғаларига қараб бир-биридан фарқлашган⁷¹. Дастлаб чорвадор этник гуруҳлар ўртасида чорва молларига тамға, белги хислатини ўтаган шартли белгилар кейинчалик этник бирикмаларни бир-биридан фарқлаш вазифасини ҳам бажарган. Ҳар бир уруғнинг тамға, белгиси мазкур этник гуруҳ учун ном бўлиб келаётганлигини этнонимлар тасдиқлайди. Жўмладан, *Қанжигали*, *Қайчили*, *Бештамғали*, *Ойтамғали*, *Қўштамғали*, *Болғали* каби бир қанча номлар шу тариха пайдо бўлган.

Ҳозирги вақтда Жанубий Қорақалпоғистон ойконимлари тизимида, хусусан, Амударё тумани топоонимлари мажмуида *Ача*, *Ачали*, *Ачамойли*, *Агадил*, *Айувчи*, *Алчин*, *Бағонали*, *Болғали*, *Бурга*, *Бешул* (*Бешман*), *Бўйрачи*, *Бўғиджали*, *Бўка*, *Бургут*, *Боглон*, *Қийат* (*Вағлан*), *Бўғиз*, *Дўрмон*,

⁶⁹ С. Атанязов. Семантическое деление топонимов Юго-Восточного Туркменстана, «Известия АИ Туркм.ССР» серия общественных наук, 1965, 84-б.

⁷⁰ М. Қошғарий. Девону луғатиг турк. - Т. 1967, 374-б.

⁷¹ М. Қошғарий. ДЛГ, - Т., 1960, 89-б.

Эсебий, Эсебий мангит, Эчбўга, Эштека, Элтамгали, Жавалақ (джалақ), Жоллиқли Мангит, Жомон қиёт, Жийдали қулон, Жабан эчбуға, Жалойыр, Ирзоқли, Иноқ, Қарит, Кенегес, Керит, Керейит, Кескич мангит, Кириш, Кўгўзак, Кўққарға, Кўк сувли, Кўлет, Кўна маҷой, Маратубий, Мангит, Митан, Муйтен, Мусашир, Найман, Нукус, Оролли, Ос, Ойрат (Уйрат), Пишкакли, Суесоқли, Саройли, Сағир, Садавли, Сарой, Сорт, Томи, Тўбилга, Таз, Тамгали, Тўқ мангит, Туйоқли (Туёқли), Туячи, Туркман, Уйғур, Уйшун, Увлон қарат, Ушоқ (Ушиоқ), Хандақли, Хитой, Частой, Чимбой, Чигатой, Шунқорли, Шуйт, Шунқорли қитчоқ, Шунқор, Ширин, Ўйрот, Қалали ушоқ, Қонжиғали, Қорақулон, Қабанбойли, Қснхўр, Қангли, Қорақурсок, Қоға мангит, Қорамўйин, Қоранок (Қарилнок), Қирмиш, Қатагон, Қарилтоққалға, Қамар, Қитчоқ, Қулон, Қирақулон, Қирқ, Қиёт, Қизилоёқ, Қилдириш, Қирқарқон, Қирқбойли, Қирқтом, Қишлиқ, Қитчоқ, Қутум, Қўшир каби ўзбек уруғларининг вакиллари туркманлар, араблар ва бошқа генетик жиҳатдан туркий бўлмаган элатларининг кичик гуруҳлари яшайди. Мазкур этник гуруҳлар ўтмишда яхлит худудларда яшашган бўлса, ҳам ҳозир кўпчилиги худудий жиҳатдан аралаш ҳолатда яшашди. Шунинг учун улардан баъзиларининг номлари тспойконимларда қўйилгани сабабли сакланиб қолганлиги ҳам айна вақт учун табиий ҳолдир.

Асосини этноним ташкил этувчи жой номлари ўрганилаётган худуднинг топонимиясида учраши қонуний жараёндир. Этнонимлар қачон, қандай ҳолатларда топонимларга айланиши мумкин ва унда қандай этник бирлик номи мавжудлиги тўплаб ўрганилган ойконимлар мажмуида аниқ кўриниб, билиниб туриши баҳслидир. Одатда этнотопонимлар аҳолиси турли этник гуруҳларга тегишли жойларда юзага келади. Халки бир элат, қавм, уруғ ё қабиллага мансуб жойларда (агар улар майда бўлимларга бўлинмаса) этнотопонимларнинг яратилишига зарурат бўлмайди. Таниқли топонимист В. А. Никонов таъбири билан айтганда, *«Асосида этноним ётган топонимлар, агар улар чеккадаги кишилар томонидан берилмаса, аҳолиси ётмасига бир халққа мансуб жойларда юзага келиши мумкин эмас. Бундай номлар, одатда, этнонимлардан фарқ этувчи белги вазифасини бажарган жойларда пайдо бўлади»*⁷.

Бир қатор туркий халқларда «ўрис» сўзи этноним шаклида қўлланилади. Н.А. Аристовнинг туркий халқлар, уруғ ва қабилаларнинг этник гуруҳи ҳамда уларнинг сони ҳақидаги асариди *ўрус* сўзи туркий уруғ, уруғнинг бўлими ва кичик қисми номи сифатида бир неча ўринда қайд этилган⁸.

Ўрис этнонимининг этимологияси, маъноси ва тузилиши ноаниқ. Бошқа этнотопонимлар сингари «ўрис» топоасоси асосида юзага келган топонимлар ҳам тилдаги тарихий атамалардандир. «Ўрис» сўзи эски ўзбек тилида киши исми, лақаби шаклида учраса ҳам, халкимиз орасида кенг тарқалган антропонимлардан эмас.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, топонимларнинг пайдо бўлишини ўзбек халқи орасида кенг тарқалмаган ва ҳозирги мавжуд бўлмаган ўрис киши номига

⁷ Никонов В. А. Топонимика в историко-географической этнографии. — М, 1964, 3-с.

⁸ Аристов Н. А. Заметки об этническом. 351-380-с.

таърихдан беришдан кўра, шу номдаги этносимга алоқадор ҳисоблаш ҳар томонлама асослироқ. Ҳозирги ўзбек тилида бундай киши исмлари йўқ, баъзи шевада лақаб бўлиши мумкин. Бундай лақаблар «рус» сўзининг ўзгарган шаклидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ишаев А. Шимолий Хоразмдаги баъзи топонимик номларнинг этимологияси. – Т., 1963, 163-б.
2. Атанязов С. Семантическое деление топонимов Юго-Восточного Туркменстана, «Известия АН Туркм. ССР» серия общественных наук, 1965, 84-б.
3. Қошғарий М. Девону лугати турк. – Т., 1967, 374-б.
4. Никонов В. А. Топонимика в историко-географической этнографии. – М, 1964, 3-с.
5. Аристов Н. А. Заметки об этническом. 351-380-с.
6. Шермухамедов П. Юртнинг теран томирлари. – Т., 2005, 68-б.
7. Нуржонов К., Хўжаниёзов Ф. Амударё. – Т., 2004, 126-б.
8. Эназаров Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик таълиқи. Т, Университет, 2003.

XORAZM SHEVALARIDA AYRIM DINIY LAQABLAR

X. Qodirova (UrDU o'qituvchisi)

Har bir tilning, xalqning o'z kelib chiqish tarixi bo'lganidek, laqablarning ham turli davrlarda sharoit talabi bilan kelib chiqish va rivojlanish tarixi mavjud. Xalqimizda kishilarga laqab berish va ularni shu orqali bir-birlaridan farqlash juda qadimdan paydo bo'lgan. Familiya tilimizga kirib kelguniga qadar biz, asosan, laqablar orqali shaxslarni bir-biridan ajratganmiz. Lug'at boyligimizning katta qismini kishilarga atab qo'yilgan maxsus nomlar, yani, antroponimlar tashkil qiladi.

Qadim zamonlardan xalqimizda diniy ulamolar alohida tabaqani tashkil etgan. Ularning oddiy xalqqa ta'sir kuchi katta bo'lgan, shu sabab hukmdorlar diniy va siyosiy masalalarni ulamolar bilan birgalikda hal qilgan. Xalq ichida shunday laqablar borki, ular shu laqablari orqali hurmat-ehtiroimga, e'tiborga sazovor bo'ladi. Bunday laqablarga misol qilib quyidagi diniy laqablarni keltirishimiz mumkin:

Şī:x (shayx) – (arabcha – qariya, keksa; urug', qabila boshlig'i; diniy rahbar; olim, murabbiy) islom dini tarqalgan mamlakatlarda, avvalo, bilimdon kishilarga, so'ngra ulamo va faqihlarga berilgan nom; keyinchalik muqaddas joylarning mutasaddilari ham shayx deb yuritilgan (I.IV. 535-b.). Ushbu so'z arab tilida bir-biri bilan zich bog'langan yetti ma'nosini anglatadi (3.II.496-b.). Ota-bobolari o'z davrida qandaydir bir ilohiy qobiliyati bilan tanilgan, shundan so'ng uni shayx deyishgan va avlodlariga ham o'tgan: Bolta şī:x (Boltaboy shayx).

Shayx leksemasi A.Navoiy asarlarida quyidagi ma'nolarda qo'llangan:

1) qari, mo'ysafid:

Ne jilva erdi qizil to'n bilaki qon yoshdin,

Libosin ayladi ishqingda shayx-u shob qizil (I.III.380-b.);

2) *tasavvuf yo'lining boshlig'i; taqvodor, xudojo'y*.
Benasib erding fano oyinidin, ey shayxkim,
Do'st vaslin toat-u taqviy'a isnod aylading (I.III.195-b.);

3) *mulla, imom*:

Shayx boshig'a balo ekandurur, dastorkil,
Ishq asrorin eshitmaklikka moni bo'ldi fash (I.III.274-b.).

Navoiy ijodida qo'llangan 3-ma'nosi Xorazm shevalarida laqab sifatida qo'llanadi.

Eshon (eshon) – aslida bir kishiga qarata hurmat ko'rsatib aytiladigan “ular” olmoshi bo'lib, keyinchalik “kishilar orasida obro' qozongan ruhoniy” ma'nosini anglati boshlagan (3.III.269-b.). Xorazm viloyati hududi (ayniqsa Bog'ot tumani)da eshonlar keng tarqalgan bo'lib ular xalq ichida juda mashhurdir.

Ular boshqa odamlarni “*qaraja (ochiq-sochiq kiyinadigan, hamma narsa yeydigan, dabdabali to'y qiladigan, namoz o'qimaydigan, tahoratsiz yuradigan inson)*” deb atashadi. Eshonlar 7 yoshdan farzandlariga namoz o'qitishadi; ayollari kalta, tor libos kiymaydi, yalang oyoq yurmaydi, erkaklar oldiga chiqmaydi; katta-kichikni sizlab chaqirishadi; ichmaydi; chekmaydi; doimo tahoratli yurishadi; faqat halol mahsulotlarni iste'mol qilishadi; to'ylarni kichik qilib o'tkazishadi; eng asosiysi ular begonalarga qiz berishmaydi va begonalardan kelin olishmaydi, buni o'zlariga munosib ko'rishmaydi.

Xorazm viloyati Bog'ot tumanida katta “Odina eshon bobo” qabristoni bor. Odina eshon bobo katta qudratga ega bo'lgan, keksalarning aytishicha, u, hatto, oqib turgan suvni teskari oqizgan. Odamlar eshonlar ismini aytganda “tili zabanim tegmasin” deya gap boshlashadi. Buning sababini turlicha izohlashadi. Eshonlarning avlodi hozirda ham ulug'lanishining sabablaridan biri ular turli duo-jodularni yo'q qilib, kasallarni davolashadi. Ulardan shifo topgan odamlar eshonlarning qay darajada ilohiy kuchga ega ekanligini aytishadi. Hozirda ham katta eshonlar bor, bunga *Odam eshon (Odam eshon)*, *To'yr eshon (Tohir eshon)*larni misol qilib aytak bo'ladi.

Xorazmda eshon avlodiga ham *eshon* deyiladi. Lekin, o'zbek tilining izohli lug'atida bu ma'no *eshonzoda* (2.V.66-b.) so'zi bilan ifodalangan.

Xo'ja (xo'ja) – o'zlarini chahoriyolarning avlodlari deb hisoblovchi musulmonlarning faxriy nomi (2.IV.435-b.). Xo'jalar o'zlarini Muhammad payg'ambarimizning qiz farzandlaridan tarqalgan deb hisoblashadi, ularni xalq ichida hamma ulug'laydi va hurmat bilan qarashadi. Qadim zamonlardan asl qizlar eshonlarga va xo'jalarga kelin bo'lishgan, bu odat hozirgi kunga kelib deyarli tugatilgan. *Xo'ja* so'zi avloddan avlodga o'tib kelayotgan laqablardandir. Bu laqab hurmatga ega bo'lgani sababli yo'qolib ketmaydigan laqablar sirasiga kiradi. O'zbek tilining izohli lug'atida *xo'ja* avlodidan kelib-chiqqan kishi “*xo'jazoda*” deyilgan. Ammo xalq ichida bu so'z ishlatilmaydi, *xo'ja* avlodiga ham *xo'ja* deyiladi: *Ganja xo'ja (Kenja xo'ja)*, *Makkam xo'ja (Mahkam xo'ja)*, *Islom xo'ja (Islom xo'ja)*.

O'zbek tiliga tojikcha *xo'ja* so'zi o'zlashgan, asli “biror kimsaning, narsaning egasi”, “otxona boshlig'i” ma'nolarini anglatadi; “Muhammad payg'ambarning, to'rt xalifadan birining avlodi”, “oqsuyak va uning avlodi” kabi ma'nolar keyinchalik

paydo bo'lgan (3.III.247-b.): *Ro'zvoy xo'ja* (Ro'ziboy xo'ja), *Qob(i)l xo'ja* (Qobil xo'ja).

Mölla: (mulla) - o'qimishli, taqvodor odam. O'rta Sharq, Markaziy Osiyo mamlakatlarida madrasa ta'limini olgan shaxs (2.II.634-b.). Mulla to'ylarda duo qilib, nikoh o'qisa, marakalarda marhum nomiga turli oyatlarni va janoza namozini o'qiydi: *Sherip mölla*: (Sharifboy mulla), *Raxim mölla* (Rahimboy mulla).

So:pi (so'fi) - masjidida azon aytuvchi kishi; muezzin (2.III.620-b.). Hozirda masjidida azonni mullalar aytishadi. So'fi laqabi hozirda ham bor, ammo bu laqab ota-bobolaridan meros xolos: *Ollak so:pi* (Oллоhberdi so'fi), *Akki so:pi* (Akmal so'fi), *Anvar so:pi* (Anvar so'fi).

Xalpa: (xalfa) - Shariat qoidalarini yaxshi biladigan o'qimishli odam (2.IV.381-b.). Ular motam marosimlarda ayollarga "Qur'oni karim" suralaridan o'qib boradi. Payg'ambarimiz Muhammad s.a.v. boshidan o'tgan voqealar, ayollarni yaxshi yo'lga boshlovchi, sabr-bardoshning afzalligini ko'rsatuvchi, Alloh sevgan bandalarini turli yo'llar bilan sinashini isbotlovchi hikoya va rivoyatlarni aytib boshiga musibat tushgan ayollarning dardiga malham bo'lishadi: *Gunnora xalpa*: (Gulnora xalfa), *Maxpira xalpa*: (Mahfira xalfa), *Sherpa xalpa* (Sharifa xalfa).

Ma:xs(i)m (maxdum) - uloma va ruxoniylar, pir va ustozlarga berildigan unvon, laqab va shu unvonga ega bo'lgan kishi (2.II.559-b.). Ushbu so'z laqab sifatida mullalarning farzandlariga nisbatan ishlatiladi: *Ro'zim ma:xs(i)m* (Ro'zimboy maxdum), *Ort(i)q ma:xs(i)m* (Ortiq maxdum).

Xorazm hududida diniy laqablar ko'p uchraadi. Laqablar o'zining leksik, semantik, fonetik jihatlari bilan adabiy tildan farqlanadi. Laqablarni o'rganish, tadqiq etish xalqning madaniy va ma'rifiy hayoti uchun juda muhimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 3-том. Т.: Фан, 1984. 624 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдди. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. - Т.1. 2006. - 680 б., Т.2. 2006. - 672 б., Т.3. 2006. - 688 б., Т.4. 2008. - 602 б., Т.5. 2008. - 592 б.
3. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати, Тошкент: Университет, Т.2. 2003. - 600 б., Т.3. 2009. - 283 б.,

O'ZBEK TILIDAGI BA'ZI AKSIOLOGIK FRAZELOGIZMLARNING QIYOSIY TAHLILI

Sh.Xudayqulova (*JIDU o'qituvchisi*)

Aksiologik leksikani tadqiq qilishda frazeologizmlarning ahamiyati beqiyos sanaladi. Aksiologiyaning asosiy rivojlanish maktabi bo'lgan Qozon tilshunoslik maktabi vakillari ham bejizga aksiologik leksikani tadqiq qilishda obyekt sifatida aynan frazeologizmlarni tanlamagan⁷². Frazeologizmlarda muayyan millatning

⁷² Багаутдинова Г.А., Байрамова Л.К. Aksiologicheskaya frazeologiya o' s'chast'ye // Uchenye zapiski - Kazanskogo gosudarstvennogo universiteta. Tom 148, kn. 2. Gumanitarnye nauki - 2006. Багаутдинова Г.А. Aksiologicheskaya lingvistika: yazykovaya tsennost' yazykovykh ediniy i

obrazli tafakkuri, milliy-mental dunyoqarashi yaqqol o'z aksini topadi. Shu boisdan ham mazkur til birliklari har qanday til egasi uchun ulkan xazina ekanligini alohida ta'kidlash joiz. G.A.Bagautdinova, L.K.Bayramova hammualliflikda yaratgan "*Baxt haqida aksiologik frazeologiya*" maqolasida baxt konseptining rus, tatar va ingliz tillari frazeologik fondi namunalari misolida aynan shu xalqlarga xos umummilliy mushtarak va farqli jihatlarni asoslashga harakat qilgan. R.Yunusovning "*Rus va tatar tillarida "mehmondorchilik" tushunchasi bilan bog'liq aksiologik frazeologizmlar*" nomli dissertatsiyasi ham bunga yaqqol misol bo'la oladi. Unda muallif 470 ta rus va 700 ta tatar tili frazeologizmlari misolida, bundan tashqari 800 ga yaqin turli uslub va janrdagi boshqa til birliklari asosida fikrlarini izohlab beradi.

Frazeologiyaning aksiologik ifodasiga bag'ishlangan boshqa bir qator tadqiqotlardan biri bu aksiologik paradigmalari, aksiologik vektorlar va aksiologik diadalar bilan bog'liq nazariy tadqiqotlar hisoblanadi [Bayramova 2007, 2008, 2009]. Maqollar semantikasini tekshirish asnosida K.A.Jukov tilshunoslikka "aksiologema" tushunchasini kiritdi [K.Jukov 2004: 109]. Tadqiqotlarda aksiologik frazeologiyani tadqiq qilish mobaynida qadriyat va antiqadriyat maqomidagi aksiologik diadalami ("aksiologik juftliklar") klassifikatsiyalash masalasi ko'ndalang bo'ldi. Bunday tasniflarni aksiologik frazeologiyaga doir barcha tadqiqotlarda uchratishimiz mumkin. Mana masalan, R.J.Yunusova dissertatsiyasida aksiologik diadalarining quyidagi tasnifi keltirilgan:

- a) hayotiy jarayonlar moddiy sabablarga emas, balki ilohiy kuchlarga bog'liq deb ishonuvchi idealistik oqim tarafdorlari idealistik aksiologemalarni alohida ajratib ko'rsatishgan: *hayot-o'lim, sog'lik – kasallik* kabi;
- b) gedonistik aksiologemalar: hurur-halovatga intilish insonga xos oliy xislat deb hisoblovchi axloqiy ta'limot vakillari bunga *baxt va baxtsizlikni* misol qilib keltirishgan;
- c) muqaddas qadriyatlarga asoslangan aksiologemalar: *vatan va bevatanlik, musofirlik va muqimlik* kabi;
- d) ijtimoiy-utilitar aksiologemalar: *ish va ishsizlik, mehnatsevarlik va dangasalik* kabi;
- e) moddiy-utilitar aksiologemalar: *boylik-kambag'allik*;
- f) intellektual bilishga oid aksiologemalar: *aqlli-axmoq*;
- g) axloqiy-etik aksiologemalar: *rost va yolg'on*;
- h) emotsional-utilitar aksiologemalar: *yig'i-kulgi* kabi;
- i) diniy aksiologemalar: *jannat – do'zax* kabi⁷³.

ценности, выражаемые языковыми единицами / Г.А.Багаутдинова // III Международные Бодуэновские чтения: И.А.Бодуэн де Куртэн и современные проблемы теоретического и прикладного языкознания (Казань, 23-25 мая 2006 г.): труды и материалы: в 2 т. / Казан. гос. ун-т; под общ. ред. К.Р.Галиуллина, Г.А.Николаева. – Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2006. – Т.2. – С.132-135. Гибатова Г.Ф. Aksiologiya v yazyke. Vestnik OGU №2 (121)/fevral' 2011. Yunusova P.Jh. Aksiologiya frazeologizmov so znacheniem 'gostepriimstvo / kunaqchyllyk' v russkom i tatarском языках. Avtoreferat dissertatsii na soiskanie uchenoy stepeni kandidata filologicheskikh nauk. Kazan' – 2009.

⁷³ Yunusova P.Jh. Aksiologiya frazeologizmov so znacheniem 'gostepriimstvo / kunaqchyllyk' v russkom i tatarском языках. Avtoreferat dissertatsii na soiskanie uchenoy stepeni kandidata filologicheskikh nauk. Kazan' – 2009.

Aksiologik frazeologiyada frazeologik birliklarni turli tillar qiyosida o'rganish tilshunoslikda ko'proq samara berishi mumkin. Bunday qiyosiy tahlil turli qarindosh va qarindosh bo'lmagan tillar o'rtasidagi o'xshashlik va farqlarni aniqlashda katta ahamiyatga ega bo'lishi mumkin. Masalan, R.Yunusova rus va tatar tillaridagi prototipik modeldagi frazemalarni alohida tadqiqot obyekti sifatida o'rgangan. Bunday tipdagi frazeologizmlar boshqa tillarda ham talaygina miqdorni tashkil etadi, desak mubolag'aga yo'l qo'ymagan bo'lamiz.

Boylik-kambag'allik aksiologik juftligi o'zbek tili frazeologizmlarida ham, ingliz tili frazeologizmlarida ham pul bilan bog'liq komponentga ega frazemalarning ko'pligi bilan ajralib turadi. Bu ularni birlashtirib turuvchi umumiy jihat deb bimalol aytilishimiz mumkin. *Pulga ko'milmoq, Hazrati Xizrni uchratmoq, zar-tilloga burkanmoq, chirib-bitgan boy, og'zi qiyshiq bo'lsa ham, boyning bolasi gapirsin, sog'in sigirday sog'moq; well off (boy-badavlat), be flush with money (juda ko'p pulga ega bo'lmoq), a milch cow (doimiy daromad manbasi)* kabi frazemalar boylik aksiologemasini ifodalash uchun, *usti qirq yamoq, ochidan o'lmoq, gadoydan ham sadaqa so'ramoq; inglizcha as a poor Job (juda kambag'al bo'lmoq), badly off (ahvoli og'ir), the new poor (nochor ahvolda bo'lmoq)* kabi frazemalar kambag'allik aksiologemasini ifodalash uchun xizmat qilmoqda. E'tibor beradigan bo'lsak, har bir xalqning o'z milliy realiyalari frazeologizmlarda yaqqol o'z aksini topadi. Biroq shunday realiyalar borki, ular juda ko'p xalqlarning muloqot fondida mavjud bo'ladi. Masalan, *sog'in sigirday sog'moq* frazemasi inglizlarda ham, o'zbeklarda ham mavjud ekan. Bu har ikkala xalqning ham qadimiy tarixiga borib taqaladigan masala sanaladi. Frazemalarning vujudga kelishi tarixan uzoq davrlarga borib taqalishi ayni haqiqat. Chunonchi, *sog'in sigirday sog'moq* va *a milch cow* frazemalari inglizlarning ham, o'zbeklarning ham chorvadorlik faoliyati bilan bog'liq o'tmishiga ishora qiladi.

Ish-ishsizlik, mehnatsevarlik-yalqovlik aksiologik juftliklariga quyidagi frazemalarni misol keltirish mumkin. *Halol rizq topmoq, terlab-pishmoq, tinib-tinchimas, eshakday ishlamoq, itday ter to'knoq, bir joyda turolmaydigan, mehnatdan boshi chiqmaydi, ishga ko'milmoq; inglizcha a job of work (og'ir mehnat), be on all cylinders (tinmay ishlamoq), a Herculean labour (Gerkulesday mehnatkash)* iboralari mehnat va mehnatkashlarga nisbatan; *qo'lini sovuq suvga urmaydigan, jonini koyitmaydigan, dunyoni suv hossa to'pig'iga chiqmaydi; inglizcha fold one's hands (kimningdir qo'lga qarab qolmoq), down tools (ishdan qochadigan), lazy beggar (juda dangasa bo'lmoq)* kabi iboralar ishsizlik va dangasalarga nisbatan qo'llaniladi. Mazkur aksiologik juftliklarni ifodalovchi frazemalarda ham aynan bir xil komponentli frazemalarni ko'plab uchratishimiz mumkin. Masalan, ingliz tilidagi *fold one's hands* iborasi o'zbek tiliga aynan *kimningdir qo'lga qarab qolmoq* deb tarjima qilinadi. Yoki it animizmining har ikkala xalq mentalitetida ham **mehnatkashlik ramzi** sifatida namoyon bo'lishi fikrimizni yaqqol isbotlaydi. Aksincha, Gerkules mifologik obrazi faqat inglizlarga xos milliy realiyani ifodalasa, o'zbeklarda eshak hayvon obrazining mehnatkashlik ramzi sifatidagi namunasi faqat o'zbeklarga xos milliy-mentallikni ifodalaydi.

Rost-yolg'on aksiologik juftligi axloqiy xarakterdagi aksiologemalar bo'lib ularga o'zbek tilidagi *haqiqatga tik qaramoq, vijdoni toza, iymoni pok; yolg'onni suv*

qilib ichib yuborgan, ikkiyuzlamachi, ichi qora, munofiq barqaror birikmalarini, ingliz tilidagi *dinkum oil* (achchiq haqiqat), *clean hands* (vija'onlilik, to'g'rilik), *a fair play* (haqqoniy o'ynamoq); *be smb. in the eye* (ko'zini bog'lamoq), *lie like a gas-meter* (yolg'onchilik qilmoq), *an eighteen carat lie* (uyalmay yolg'on gapirmoq) iboralarini misol keltirish mumkin.

Aql-aqlsizlik, aqlli-axmoq aksiologik juftliklariga o'zbek tilidan *aqlning uyasi, es-hushi joyida, o'tkir zehni, qovoq bosh, miyasi yo'q, miyasi aynigan, aqldan ozgan, jinni, aqli kalta* iboralari; ingliz tilidagi *a clever dog* (aqlli), *a depository learning* (tinmay o'qib-o'rganmoq), *a walking dictionary* (bilimga chanqoq), inglizcha *dumb Dora* (axmoq), *big stiff* (haqiqiy yalqov), *a bit off* (aqli joyida emas) iboralari misol bo'la oladi.

Yig'i-kulgi aksiologik diadalar emotsional aksiologik juftlik namunasi bo'lib, ularga o'zbek tilining *ichagi uzilgudek, tishini oqini ko'rsatmoq, kulgidan o'zini tiya olmaslik, kulgiga berilmoq, yig'idan beri bo'lmoq, ko'z yoshini to'xtata olmaslik, ko'zlari yoshga to'lmoq, bag'ri qon bo'lmoq, jigari xun bo'lmoq* barqaror birikmalarini; ingliz tilidagi *burst into laughter* (kulgidan o'zini tiya olmaslik), *to hold one's side's* (ichagi uzilgudek), *Homeric laugter* (Gomer kulgisi), *burst into tears* (yig'idan o'zini to'xtata olmaslik), *a flood of tears* (ko'zlari yoshlammoq), *to weep bitterly* (o'ksib-o'ksib qattiq yig'lamoq) barqaror birikmalarini misol keltirish mumkin.

Yuqorida keltirilgan aksiologik diadalar va ularga berilgan frazeologik misollar o'zbek va ingliz tillaridagi *invariant aksiologik frazemalar* deyiladi. Demak, *qadriyat* va *antiqadriyat* tushunchalari o'z ambivalentliklariga ega. Va bu ambivalentliklar frazeologizmlarda mualliflar yoki xalq tomonidan muayyan subyektiv munosabat asosida aks etadi. Aksiologik juftliklarni ifodalaydigan har qanday til birligi bunday subyektiv munosabatdan hech qachon xoli bo'lolmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Багаутдинова Г.А. Фразеологическая диада Сздоровье – болезнь: аксиологический аспект / Г.А.Багаутдинова // Литература, язык и художественная культура в современных процессах социокультурной коммуникации. - Уфа, 2005. - С.108-115.

2. Багаутдинова Г.А., Байрамова Л.К. Аксиологическая фразеология о счастье // Ученые записки казанского государственного университета. Том 148, кн. 2. Гуманитарные науки – 2006.

3. Байрамова Л.К. Аксиологизм человеческих эмоций (смех – плач) и его отражение в языке / Л.К.Байрамова, Г.А.Багаутдинова // Филологические науки. - 2006. - № 1. - С. 81–89.

4. Байрамова Л.К. Концепт «Счастье» в хорватском языке // Drugi hrvatski slavisticki kongres: Zbornik radova. 2. – Zagreb, 2001. – С. 471–473.

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛИДА МЕХНАТСЕВАРЛИК ХУСУСИЯТИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИК АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Р.Абдуллаева

(НамДУ таянч докторанти)

Инсон ва унинг характер хусусиятлари барча давр турли фан тадқиқ доиралари учун бирдек аҳамиятли ва долзарб мавзу бўлиб келган. Замонавий психология фанида характер хусусиятларининг воқеа-ходиса, предметларга муносабат нуктаи назаридан тақлиф қилинган тасниф турлари мавжуд. Ушбу таснифнинг бир бўгинини меҳнатга бўлган муносабатни ифодаловчи характер хусусиятлари ташкил қилади. Ўз-ўзидан маълумки, меҳнатга бўлган муносабат икки хил кўринишда бўлиши мумкин: ижобий ёки салбий. Меҳнатга бўлган ижобий муносабатни ифодаловчи хусусиятлар *меҳнатсеварлик*, аксинча, меҳнатга бўлган салбий муносабатни ифодаловчи хусусиятларни *дангасалик* тушунчалари атрофида бирлаштириш мумкин. Инсонга хос хусусиятларни таснифий асосда ўрганиш бир неча афзалликларга эга. Ўзбек тилида меҳнатсеварлик тушунчаси *иш* ва *меҳнат* сўзлари ўзагида ҳосил бўлади. Ўзбек тилида меҳнатга бўлган ижобий муносабат қуйидаги сўзлар орқали ифодаланади: *меҳнатқаш*, *меҳнатсевар*, *меҳнатчан*, *меҳнатчи*, *миришкор*, *ишибилармон*, *ишчан*.⁷⁴ Айни сўзларда меҳнатга бўлган ижобий муносабатдан ташқари даражаланиш, яъни меҳнатга бўлган ижобий муносабатнинг меъёрдан ортиқлиги ҳам намоён бўлади. Инглиз тилида меҳнатсеварлик маъносини қуйидаги сўзлар ифодалайди: *hard-working, diligent, assiduous, sedulous, conscientious, steady, painstaking, persistent, persevering, pertinacious, unflagging, untiring, tierless, indefatigable, studious*.⁷⁵ Албатта, ҳар икки тил доирасида ушбу қаторни давом эттириш мумкин.

Меҳнатқашлик билан боғлиқ тушунчаларнинг ифодаланишини икки турга ажратишимиз мумкин. Шартли равишда ушбу гуруҳни: бевосита меҳнатқашликни ифода этувчи бирликлар, билвосита меҳнатқашликни ифода этувчи бирликлар гуруҳига ажратамиз. Биринчи гуруҳга юқорида келтириб ўтилган сўзларни мисол тариқасида келтираемиз. Иккинчи гуруҳга эса мазмуний жиҳатдан меҳнатқашлик хусусиятига ишора қилувчи кўча маъноли сўзлар – мажозий образларни келтиришимиз мумкин. Тилнинг паремиологик фондиди тадқиқ этиш баробарида юқорида келтирилган икки тур маъно ифодаси яққол кўзга ташланади. Таҳлил қилинган паремиологик бирликлар мисолида шуни айтиш мумкинки, бевосита ва билвосита меҳнатқашлик хислатини ифодаловчи бирликлар таснифини мақоллар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбек тилида меҳнатқашлик хислатига ишора қилувчи қуйидаги мақоллар мавжуд: *Айб ишда эмас, меҳнатда; Бахтингга ишонма, бармогингга ишон; Бекор ўтиргунча, бекор ишла; Бермас тангидан ҳормас овчи олар; Берсанг — оласан, эксанг — ўрасан; Беташвиш бош қайда, меҳнатсиз ош қайда?; Бировнинг бергани —*

⁷⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилд.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.- Ё. 296.

⁷⁵ <https://en.oxforddictionaries.com/definition/character>

кўргулик, меҳнатнинг бергани — тўйгулик; Гап билгунча, иш бил; Гап — бошқа иш — бошқа; Гапни оз сўзла, ишни кўп кўзла, Дарахт япроги билан кўркам, одам — меҳнати билан; Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар; Ер — она, сув — ота, меҳнат — бойлик; Ер — хазина, меҳнат — қалити; Ер эгаси бўлма, меҳнат эгаси бўл; Ёмғир билан ер куқарар, меҳнат билан — эл; Жон куйдирмасанг, жонона қайда, тоққа чиқмасанг, дўлона қайда? Иш бор ерда ош бор; Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар; Иш онга тортар, ялқовлик — бошга; Иш сени енгмасин, сен ишни енг; Иш устасидан кўрқар; Иш қилганга қоп-қоп, қилмаганга бўш қоп; Ишлаган ош тишлар, ишламаган тош тишлар; Ишлаган тишлар, ишламаган кишилар.⁷⁶ Келтирилган мақолларнинг айримларида меҳнат ва иш сўзлари айнан келтирилган, ушбу мақоллар юқорида келтирилган таснифнинг биринчи гуруҳини ташкил қилади. Жон куйдирмасанг, жонона қайда, тоққа чиқмасанг, дўлона қайда?; Бермас тангридан ҳормас овчи олар, Бахтинга ишонма, бармогинга ишон каби мақоллар иккинчи гуруҳга мансуб бўлиб, таркибида иш ва меҳнат сўзлари қўлланилмаса-да, мазмунан меҳнат ва меҳнатсеварликка ишора қилади.

Инглиз тилида меҳнат ва меҳнатсеварлик хусусида куйидаги мақоллар мавжуд: *All days are short to industry and long to idleness* (Меҳнаткашга кун қисқа, дангасага кун узун), *An idle brain is the devil's workshop* (Дангаса — иблиснинг бозорида маслаҳатчи), *Another day, another dollar* (Янги кун, янги доллар), *The early bird catches the worm* (Эрта турган чумчуқ чувалчангни қўлга киритади), *No pain, no gain* (Машаққатсиз фойда бўлмайди), *Poverty waits at the gates of idleness* (Дангасалик — камбағалликнинг остонаси), *Speech is silver, silence is golden* (Гап — кумуш, иш — олтин), *The devil makes work for idle hands* (Дангасанинг қўлига иблис иш беради), *Time is money* (Вақт — бу пул), *A tree is known by it's fruit* (Дарахт меvasи билан таниқли), *Young ilder, an old beggar* (Дангаса ёш — қари қашшоқ).⁷⁷

Ўзбек ва инглиз тилларида ва умуман барча тилларда меҳнатсеварлик тушунчасини кўчма маънода — турли ҳайвонлар ва нарсалар-буюмлар воситасида ифодалаш аънанаси мавжуд. Аҳамиятга молик жиҳати шундан иборатки, ҳар икки тил доирасида меҳнатсеварлик хусусиятини мажозий образлар — ҳайвонлар образига кўчириш воситасида фикр ифодалаш аънанаси мавжуд. Икки тил паремиологик фондида тегишли бўлган бирликлар таҳлилини келтирадиган бўлсак, ушбу жиҳат яққол кўзга ташланади. Масалан, икки тил эгалари учун ҳам чумоли ва асалари хашаротлари номини кўчма маънода қўллаш орқали меҳнатсевар инсон характерида ишора қилиш аънанаси мавжуд. Масалан: *чумоли оз бўлса ҳам, тоғни қовлайди* мақолини олиб кўрайлик. Ушбу мақолда чумолининг ўта машаққатли меҳнат жараёнига чидамлилиги билан бир қаторда тўда ҳолида яшаши ва бунинг натижасида ўз имкониятларидан кўра кўпроқ ишни амалга ошира олишига ишора қилинган. Ушбу мақолни меҳнатсеварлик ва баҳамжиҳатлик ҳислатларини ифодалашини айтишимиз

⁷⁶ Ўзбек халқ мақоллари. —Т.: Фан, 1983.Б.211-219.

⁷⁷ English proverbs, phrases, proverbs. https://wikipedia.org/wiki/Foxe_in_popular_culture.p.1.

мумкин. Айни мақол рус тилида ҳам қўлланилади. Инглиз тилида ҳам чумоли зооними меҳнатсеварлик хусусиятига ишора қилади. Масалан, инглиз тилида *ants in one's pants* ибораси мавжуд. Ушбу иборани ўзбек тилига *чумолидек ҳарсилламоқ, меҳнат қилмоқ* тарзида таржима қилиш мумкин. Оғир жисмоний меҳнат натижасида вужудга келувчи ҳолат ҳарсиллаш ҳолати чумолининг, аниқроғи, инсоннинг кучли меҳнат қилиш жараёнини ифодалайди. *Industrious like an ant* (чумолидек меҳнаткаш) мақолида эса ўхшатиш орқали меҳнаткаш инсон характериға ишора қилинган.

Икки тил доирасида қўлланувчи кўчма маъноли асалари образи хусусида ҳам айни фикрни билдиришимиз мумкин. Ўзбек тилида қўлланилувчи *Ари лаҳрин чекмаган бол қадрини билмас*, инглиз тилида қўлланилувчи *busy as a bee* (асаларидек банд бўлмоқ) мақолида ҳам айни ҳолатни кўришимиз мумкин.

Чумоли ва асалари образини нафақат ўзбек ва инглиз тили эгаларига нисбатан, балки бутун инсониятга хос меҳнатсеварликнинг кўчма маъноси деб айтиш асосли. Масалнавис ижодкорлар Эзоп, Лафонтен, И.Крилов, Сомерсет Моём ижодига учрайдиган чумоли ва асалари образлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, турли тил оилаларига мансуб бўлган ва ўзаро қардошлик алоқалари билан боғланмаган тилларда ҳам маданий яқинлик намоён бўлади.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 жилд. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 296.
2. Ўзбек халқ мақоллари. –Т.: Фан, 1983. – Б.211-219.
3. <https://en.oxforddictionaries.com/definition/character>
4. English proverbs, phrases, proverbs. https://wikipedia.org/wiki/Foxe_in_popular_culture.p.1.

O'ZBEK DIPLOMATIYASIGA XOS QISQARTMALAR XUSUSIDA

M.Mahmudova (ToshDO'TAU talabasi)

XXI asr tilshunosligi tilni oddiy muloqot va tafakkur quroli sifatidagina emas, balki millat madaniyati ko'zgusi sifatida o'rganadigan yo'nalishlarda tadqiqotlar yaratilayotgani bilan ahamiyatlidir. Bunday yondashuvlarning asosi V.Gumboldt, A.A.Potebnya kabi olimlar yaratgan asarlarda o'z aksini topgan⁷⁸ va hozirga qadar til va madaniyatning o'zaro bog'liqligi, o'zaro ta'siri muammosi tilshunoslikning eng markaziy masalasidir.

Til reallikni aks ettiradi, uni tahlil etadi va shu bilan birga inson yashaydigan alohida muhit xususiyatlarini namoyon etadi. *Tilshunoslik*, til to'g'risidagi fan bo'lib, *har qanday gumanitar fan tizimida metodologik o'ringa ega* va uning yordamisiz madaniyatni o'rganishning iloji yo'q.

⁷⁸ Гумбольдт В. Фон. О различии строения человеческих языков и его влияния на духовное развитие человеческого рода // Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Часть I. – М., 1960; Потебня А.А. Символ и миф в народной культуре. – М.: Лабиринт, 2000;

Xalqaro munosabatlarda turli xalqlarda davrlar osha turlicha yondashuvlarga asoslanib ish yuritilgan. Jumladan, o'zbek xalqi diplomatiyasining adolatpeshva siyosatini buyuk sarkarda Amir Temur yuritgan boshqaruv tizimi bilan bog'liq ham mumkin. Amir Temur o'zining markazlashgan saltanati ishlarini qonun-qoida va intizomga solib, o'n ikki ijtimoiy guruhga ajratib, ularga tayangan holda ish yuritadi. Shulardan yettinchi toifa-vazirlar, bosh kotiblar, devon munshiyalar hisoblangan. «Devon» arab tilidan fors-tojik va o'zbek tillariga o'zlashgan bo'lib, Sharq mamlakatlari, shuningdek, Markaziy Osiyo xonliklarida «davlatning bosh idorasi», «ayrim vazirliklarning mahkamasi», «shu boshqarma joylashgan bino (devonxonona)», «shu mahkama xodimi» ma'nolarida ham ishlatilgan. Shuningdek, devon boshlig'i «*devonbegi*» atamasi bilan, uning qo'li ostidagi xizmatchilar «*sarkotib*» (bosh kotib) atamasi bilan, uning ish yurituvchilari esa «*munshiy*» yoki «*mirza*» atamali bilan yuritilgan⁷⁹.

O'sha davr devonxonasida yuritiladigan hujjat va yozishmalarni kuzatish ekanimiz, ish yuritish bilan bog'liq quyidagi atamalarga duch kelamiz: *farmon*, *yorliq*, *noma*, *yoso* (*yosoq*, *yosog'*), *molu jihat*, *munshiy* (*mirza*), *raiyyat*, *suyurg'ol*, *sovrun*, *sari shumor*, *tiyul*, *tuzuk* (*tuzukot*, *tura va tuzuk*) va boshqalar.

Ayni davrda respublikamiz boshqaruv tizimining barcha jabhalarida ish yuritish atamali shakllanayotgan jarayonda Amir Temur tuzuklarida qo'llanilgan atamalarni tilshunoslik nuqtayi nazaridan o'rganish katta amaliy ahamiyat kasb etadi.

Diplomatik tildan foydalanish jarayonida diplomatiya sohasi har bir tilning ajralmas tarkibiy qismi sifatida namoyon bo'ladi va uning lisoniy xususiyatlari lingvomadaniy aspektida o'z ifodasiga ega.

Diplomatik leksikada quyidagi xususiyatlarni kuzatish mumkin:

1. Tillar tizimida diplomatiyaga oid lingvomadaniy birliklarning leksikogrammatik shakllari allomorfizmi chegarasida sintaktik birliklarning tipologik tafovuti namoyon bo'ladi, ya'ni so'z birliklari qurilishida turli modellar ishtirok etadi.

2. Xalqaro va hududiy diplomatik munosabatlar diplomatik leksikada o'ziga xos qisqartma so'zlarning vujudga kelishiga zamin yaratadi.

3. Ikki til miqyosida to'plangan diplomatiyaga oid so'z va so'z birliklari bilingual lug'atning tuzilishiga asos bo'ladi.

4. Diplomatik leksik birliklarning turli leksik-grammatik guruhlariga (ot, sifat, fe'l kabi) tegishli bo'ladi.

Mazkur mezonlar ingliz va o'zbek tillari diplomatik sohasi leksikasining, asosan, ot so'z turkumiga oid leksik birliklariga, ya'ni hodisa, moddiy vosita va shaxslarning diplomatik yoki siyosiy faoliyat jarayonidagi nomlanishiga daxldordir. Ayrim hollarda, jumladan, diplomatik yoki siyosiy faoliyatning amalga oshirilishi va uning sifatini ifodalash maqsadida boshqa leksik-grammatik guruhlar, xususan, sifat va fe'l so'z turkumlariga murojaat qilinadi. Barcha leksik-grammatik guruhlar nomi qisqartirilgan holda yoziladi.

⁷⁹ Temur tuzuklari. (Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов тажримаси). Б.Аҳмедов таҳр.оств. - Т.: Фафур Фулом НМБ, 1991.

Umumiy qo'llanishga ega bo'lgan qisqartmalardan tashqari, albatta, faqat ingliz (AQSh va Buyuk Britaniya) diplomatiyasi va siyosatida foydalaniladigan qisqartmalar mavjud bo'lib, ular asosan, shu mamlakatlarning tashqi siyosati yozishmalarida qo'llanadi. Jumladan, **NATO-North Atlantic Treaty-** Shimoliy atlantika harbiy bloki; **B.C., b/c - British Corporation** – Britaniya korporatsiyasi va boshqa bir qator shu kabi tashkilot va idoralar nomi.

Bulardan tashqari, ingliz diplomatik yozishmalarida qo'llaniladigan o'ziga xos qisqartmalar turi mavjud. Quyida ulardan namunalar va ularning o'zbek tilidagi muqobillari keltiriladi: **ASP - as soon as possible** – iloji boricha tez; **A.S., amicable settlement** – tinchlik yo'li bilan hal etish; **agt. Agent** - agent, vakil va h.k.

O'zbek diplomatik tilida quyidagi qisqartmalarni uchratish mumkin: **MO** – Markaziy Osiyo; **O'zR** – O'zbekiston Respublikasi; **YaIS** - Yangi Iqtisodiy Siyosat; **NATO (IHD)** – Shimoliy Atlantika bitimi tashkilotining (Individual hamkorlik dasturi); *va sh.s., va sh.k., va h.k., o'rt., taxm.*

O'zbekiston Respublikasi nomidan yoziladigan diplomatik yozishmalarda qisqartmalarning qo'llanishi chegaralangan, deyish mumkin, chunki o'zbek tilidagi diplomatik yozishmalarda bu kabi qisqartmalarning to'liq shaklini qo'llash afzal ko'riladi. Shunga qaramay, O'zbekiston AQSh, Buyuk Britaniya, Avstraliyadan tashqari yana 120 dan ortiq davlatlar bilan diplomatik munosabatlar o'rnatgan va ular bilan hududiy (regional), mintaqaviy shartnomalar, o'zaro bitimlar tuzgan. Shubhasiz, bu kabi ekstralingvistik omillar o'zbek diplomatiyasi sohasi tilini hududiy xususiyatga ega bo'lgan lisoniy birliklar bilan boyitadi. O'zbek diplomatik tiliga hududiy diplomatik munosabatlar natijasida kirib kelgan qisqartma so'zlarga quyidagilarni kiritamiz: **MDH**- Mustaqil davlatlar hamkorligi (OON); **XOQF** – Xalqaro Orolni qutqarish fondi (MFSA); **SPEKA** – MDHning Markaziy Osiyo davlatlari iqtisodini rivojlantirish uchun tuzilgan maxsus dasturi; **SHOS** – O'zbekiston – Shanxay hamdo'stlik tashkiloti. Bu kabi hududiy munosabatlar natijasida vujudga kelgan qisqartmalar o'z navbatida, O'zbekiston respublikasining tashqi iqtisodiy aloqalari o'zbek tili rivoji va boyishiga ta'sir o'tkazganligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Гумбольдт В. Фон. О различии строения человеческих языков и его влиянии на духовное развитие человеческого рода // Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Часть I. – М., 1960; Потебня А.А. Символ и миф в народной культуре. – М.: Лабиригит, 2000.
2. Темур тузуклари. - Т.: Фафур Фулом НМБ, 1991.
3. Aminova N.S. Ingliz va o'zbek tillaridagi diplomatiyaga oid leksik birliklarning lingvomadaniy aspektlari: filol.fan.nomz. ...diss.-T., 2010.

“SHAYTANAT” ASARIDA QO‘LLANGAN ISMLARNING LINGVOPOETIK XUSUSIYATLARI

D.Nurimova (Navoiy DPI talabasi)

Ism kishi hayotida alohida o‘rin tutuvchi hodisalardan biridir. Inson dunyoga kelganida unga ism qo‘yiladi. Badiiy asarlarda ham qahramonlariga nom tanlash birmuncha mulohaza talab qiladi. Ba‘zi qahramon ismlari asarda ifodalanayotgan g‘oyani ochib berishda muhim vosita sanaladi. To‘g‘ri, hamma qahramonlar nomi (ba‘zan bosh qahramonlar) ham asar g‘oyasi yoki muallifning maqsadini ochib berishda mos kelmasligi mumkin. Badiiy asarda yozuvchining asosiy g‘oyaviy niyati xarakter orqali ilgari surilar ekan, uning ismi ham asar g‘oyasini oydinlashtirish, xarakterning o‘ziga xosligini ta‘minlashda muhim ahamiyatga ega. Shuning uchun yozuvchilar qahramonning ruhiy dunyosini ochish, xarakterning mohiyatini, o‘ziga xosligini ta‘minlash maqsadida qahramonlarning ism familiyalariga alohida e‘tibor berganlar. Bu an‘ana xalq og‘zaki ijodi va o‘zbek mumtoz adabiyotida ham mavjud.

O‘zbek adabiyotida personaj xarakter - xususiyatini ochib beruvchi, tagma‘noli kulgi yaratuvchi ismlar Abdulla Qodiriy, Abdulla Qahhor, Said Ahmad va boshqa yozuvchilarning hajviy asarlarida juda ko‘p uchraydi. Mahoratli yozuvchilarimiz qahramonning hayoti, taqdiri va ruhiyati bilan uning ismi o‘rtasida mushtaraklik o‘rnatish orqali betakror obrazlar yaratishga harakat qiladilar.⁸⁰

Iste‘dodli yozuvchi Tohir Malikning “Shaytanat” asarida qo‘llangan nomlar asar personajlarining xarakteri, qiladigan ishlari, tashqi ko‘rinishlari v.b. hamda asar g‘oyasini ochishda uslubiy vositalardan biri sifatida qayd etish mumkin.

Asadbek. Asad (arabcha)—sher degani. Sher— hayvonlar shohi. Asadbek – jinoyat olamining sardori.

Manzura –(arabcha) “kishilarga manzur bo‘ladigan, yoqadigan, yoqib tushadigan” ma‘nosini ifodalaydi. Ismi jismiga monand Manzura asarda ana shunday tasvirlanadi: ma‘suma o‘zbek ayoli.

Elchin–(o‘zbekcha) “el-yurtning jasur farzandi, el qahramoni” ma‘nosini ifodalaydi.

Asadbekning ukasining ismi—**Samandar**. ...*Shiringina gapirib yurgan Samandar shamollab yo‘talib yurdi. Isitmaladi. Dori-darmonlar hadeganda em bo‘lavermadi. Ukasining shirin tilchalari bilan aytadigan ashulasi, alahsiragan ovozdan xotirasiga muhrlanib qoldi.* ...

Asad ota o‘rnida ota bo‘lib ukasini so‘nggi makonga qo‘yib keldi. Ana shu holat uning ko‘z ongida abadiy muhrlanib qoldi. **Samandar** – afsonaga ko‘ra, go‘yo o‘t ichida tug‘iladigan va o‘tda yashaydigan qush. Yozuvchi bu ismni bejiz tanlamagan. Isitmalagan go‘dak ukasi, onasining ruhiy ahvoli va buning sababi hamda sababchilari haqida o‘ylaganda yoki ularni eslaganda nafaqat ukasi, onasi, o‘zi ham shu o‘t ichida yonadi go‘yo. Bu o‘t doim uni kuydiradi, azob beradi. “Shaytanat” asarida ismlarga nisbatan kishilarga nisbatan qo‘yilgan laqablar nom

⁸⁰ Yo‘ldoshev M., Isaqov Z., Haydarov Sh. Badiiy matnning lisoniy tahlili. –T., 2010. –B. 49.

o'rnida, ya'ni atoqli ot sifatida ko'p qo'llangan. Laqab – biror xusiyatiga ko'ra, kishiga hazil qilib yoki masxaralab berilgan qo'shimcha nom; Shuningdek, ma'lum muqasadda o'zgartirib olingan nom.⁸¹

Masalan: Kesakpolvon, Chuvrindi, Bo'tqa, Xumkalla, G'ilay va boshqalar.

...Haydar ikkita dehqonning iziga tushadi. Ularning belbog'ida pul bor deb o'ylaydi. ... Xullas belbog' kesildi. Panaroqqa o'tib qarasa, belbog'da sariq chaqa lum yo'q. Besh-oltita kesak hafsala bilan turgan qo'yilgan. Aslida dehqon shaharda tuhuratga kesak topiladimi, yo'qmi, deb har ehtimolga qarshi belbog'iga tugib olgan edi. O'shanda alamdand bo'zarib turgan Haydarga qarab Asadbek rosa kuldi. Laqab lum o'shanda tug'ilgan.

Asarda aksariyat hollarda nom sifatida uning laqabi qo'llangan. Muallif bu nom ostida ham ko'cha ma'nolarni nazarda tutgan. Kesak ko'chma ma'noda kishilarga nisbatan "*his-tuyg'usi yo'q*" ma'nosini ifodalaydi. Kesakpolvonning qiladigan ishlari, hatto oilasidagilar (xotini va qizi ham yengil-yelpi hayot kechirishadi), oiladagi uning o'ni va oxirida o'zining taqdiri, inson uchun eng oily ne'mat bo'lgan hayotining ayanchli yakun topishi kabilar, avvalo uning ismi

(laqabi)ga yuklanganini ko'ramiz.

Chuvrindi. Bobosi va buvisining qazo qilganini eshitgan Mahmud kasalxonadan temir yo'l vokzaliga kelib vagonga o'tirib shaharha keladi. Kasalxona kiyimida, upun kiyimgan, och – nahor Mahmudni Haydar uchratib qoladi. ...Haydar bolaning yuziga qarab, keyin peshonasiga kaftini bosdi: –Isitmang bor–ku, qayoqdan qochib kelyapsan, **chuvrindi** uka, – dedi.⁸² *Chuvrindi* nomi unga shu sabab berilgan. *Chuvrindi*—"*eski-tuski kiygan usti yupun*" shaxsga nisbatan qo'llanadi. Bu nom-laqab Mahmudga Haydar (Kesakpolvon) tomonidan qo'yilgan. Haydarga unga ilk ko'ringan paytidagi holati shu nom bilan atalishiga sabab bo'lgan. Lekin asarda Chuvrindi (Mahmud) aqlan boy, sermulohaza odam sifatida tasvirlangan. Kesakpolvonning xarakteriga xos xususiyat yana bir bora ko'zga tashlanadi: u tashqi ko'rinishni ko'ra oladi xolos, teran fikrlashga qodir emas.

Hovuz polvon.⁸³ ... *U haqda Mahmud dasilab bobosidan eshitdi: "Bir polvon kelib, hovuzni o'zi tozalab qo'yibdi-ya..."—degan edi. Unga Hovuz polvon degan ismni ham bobosi qo'ygan.*

Hozir ham hech kim uni Egamberdi tog'a deb chaqirmaydi. U qishloqda ham, boshqa qishloqda ham hovuzga hojat qolmagan, u ham hovuz tozalamaydi, ammo Hovuz polvon degan nom unga hanuz sa'obot izzat baxsh etib turadi. Bir kuni Hovuz polvon Mahmudni o'zi qurilishida ishlayotgan hashamatli-yangi qurilayotgan, hovliga olib boradi. Mahmud bir-ikki kun unga qarashib yuradi. Kesakpolvonga shu hashamili uy haqida aytadi va ertasiga it o'lib yotgani, yerto'la eshigining ochilib qolganini ko'radi. ...Milisalar it olib kelib hidlatishganda it polvonga qarab vovullaverdi... ...Hovuz polvon milisaning mashinasiga chiqayotganda orqasiga bir o'girilib qaraydi. Ana shu qarash Chuvrindining xotirasiga bir umr muhrlanib qoladi. Hovuz polvon ko'p muddatga qamalib ketadi. Lekin polvon aslida voqea qanday bo'lgani haqida hech kimga nech nima demaydi.

⁸¹ O'zbek tilining izohli lug'ati.2. T.: 2007. 492-b.

⁸² Tohir Malik. Sahyatanat.2. – T., 2001. – B.95.

⁸³ Tohir Malik. Sahyatanat.2. – T., 2001. –B.160.

Hovuz polvon obrazi muallif tomonidan bekorga qo'llanmagan. Hovuz polvonning nomi— garchi kasbi bilan bog'liq bo'lsa-da, lekin asarda qahramon xarakteri, ifodalanayotgan voqea-hodisa mohiyatiga bog'liq falsafiy ahamiyatga ega obraz nomi. Chunonchi, *hovuz* — “*suv saqlash uchun xizmat qiladigan maxsus qazilgan chuqurlik*”. Hovuz o'zida kishilar hayoti, tirikchiligi uchun zarur bo'lgan obi hayotni saqlaydi. Bundan tashqari, bu so'zning semantik strukturasi “*hayot uchun zarur*”, “*saqlash*”, “*chuqurlik*” kabi semalar boshqa ma'nolarni ifodalashga xizmat qilgan. Chuqurlikning tubi ko'rinmaydi. Uning tubida nimalar borligini oddiy ko'z bilan ilg'ab bo'lmaydi. Oradan bir necha yillar o'tib polvon Chuvrindining oldiga keladi. ...*Meni bu yerga bir dard boshlab keldi. Shuni aytvolay, Gapimning avvali shuki, sen u ishdan xijolat tortmagin, bolam. Bola eding, ko'p narsalarga tushunmagansan. Men seni ayblamayman. Mendan o'zingni olib qochib yurganingni bilaman. Aybingni tushunibsan, shuning o'zi katta gap. Bez bo'lib yurganingda adabingni berib qo'yardim. Endi... maqsad shuki... kichigim sal bevoshroq chiqqan. O'zim u yoqda bo'lib tarbiyasi boshqacharoq kechdi-da.* (U Mahmudga: “Sen tufayli shunaqa bo'lgan.”,— deb hatto aybdorligiga ishora ham qilmaydi.) Polvon shunda ham o'g'liga nisbatan: “*Ayb ish qilgan ekan, qamashsin, jazosini tortsin*”,— deydi. Lekin Hovuz polvon dardining yana bir yarali tomoni ham bor edi... U shunday deydi: *O'g'rining bolasi o'g'ri bo'libdi, degan ta'nani ko'tarib yurolmayman. Boshimni egsa, shu ta'na egadi, o'ldirsa ham shu o'ldiradi meni...*

Bu qanday odam!? Bir necha raqibning kuragini yerga tekkizib polvon bo'lish oson. Bunday odamni albatta polvon deymiz. Birovning dardini ko'tara oladigan **Hovuz polvon** singari daryodil, mard insonlar tavsifiga so'z o'z o'zida.

Yuqorida “Shaytanat” asarida qo'llangan ba'zi ismlarning asar g'oyasini oydinlashtirish, xarakterning o'ziga xosligini ta'minlashdagi ahamiyati haqida fikr yuritdik. Yozuvchi ba'zi qahramonlarga nom tanlash bilan shu qahramonning ruhiy dunyosini, xarakterining o'ziga xosligini o'quvchiga yetkazish g'oyasini ilgari surgan.

SHAKL VA MAZMUNDA ASSIMETRIYA

N.Maxammadjonov (ADU talabasi)

Assimetriya sinergetikada sistema ichida kaos, beqarorlik, muvozanatsizlik holatlarining namoyon bo'lishi demakdir. Assimetriya kommunikativ niyatga bog'liq holda nutqimizdagi informativlik darajasining tilda ifodalanishida ham yaqqol ko'zga tashlanadi. Dialoglarda qisqa javoblar (Ha, Yo'q, Ehtimol, Men ham kabi), to'liqsiz gaplar elliptik jumlar, so'z-gaplardan foydalanganimizda mazmun tomoni va ifoda tomonida nomutanosiblik holati ko'zga tashlanadi. Bunday hodisalarni badiiy matn lisoniy tahlilida ko'plab uchratamiz.

Bugungi kunda zamonaviy adabiyotda modernistik ruhdagi lirik va epik asarlar yaratilmoqda. Bu kabi asarlar insonni “do'ppisini olib qo'yib” mushohada qilishga undaydi. Sababi, bunday asarlar mazmuniy va lisoniy tahlilida matn va shaxs referensiyasi asosiy ahamiyat kasb etadi. So'zlarning leksik-semantik valentligi, uzuallik-okkoziyalik, simmetriya-assimetriya kabi hodisalar zamonaviy

tilshunoslikning lingvosinergetika yo'nalishida o'rganilmoqda (lingvosinergetikadan tushqari leksikologiyada ham). Modernistik ruhda yaratilayotgan asarlarni lingvistik tahlil qilishga lingvosinergetika metodologik omil bo'lib xizmat qila oladi [1.75].

Shunday asarlar ham borki, ular atigi 20-30 so'zdan iborat bo'ladi. Biroq, ularning shakliga emas, mazmun tomoniga e'tibor qaratsak qator implitsit ma'nolar mavjud ekanligini ko'ramiz. Masalan: *Haydovchi tamaki tutaldi va qancha yoqilg'i qolganini bilish uchun benzin bakiga egildi ... Marhum atigi 23 yoshda edi (O'Genri)*. Bu ikkitagina gapdan iborat hikoya. Uning ma'no strukturasi esa 2 ta gap propozitsiyasidan ko'ra kengroq. Insonning umumiy bilish fondi va kommunikativ-pragmatik kompetensiyalar orqali quyidagi ma'nolar strukturasi anglashimiz mumkin:

1. Jins (erkak);
2. Muammoli vaziyatda qolgan inson;
3. Tajribasiz;
4. Baxtsiz hodisa yuz berdi;
5. Oilasiz (uylanmagan).

Insonning kommunikativ-pragmatik kompetensiyasi mazmunning idrok etilishida asosiy omil bo'lib xizmat qiladi. Keltirilgan hikoyada muallif erkak so'zini ishlatmaydi. Lekin mantiqiy ravishda hikoya qahramoni erkak jinsiga mansub ekanligini tushunsak bo'ladi.

Hikoya qahramoni muammoli vaziyatda qolgan personajdir. Mantiqiy izchillikdagi xulosalar shunga olib keladi. Buni "tamaki tutatish"ning belgisi sifatida tushunishimiz mumkin.

Tajribasizlik ma'nosi esa tamaki bilan mashina benzin bakiga egilgan qahramonning xatti-harakatlari natijasi sifatida tushuniladi. Hikoya 2 tagina gapdan iborat bo'lishiga qaramay, mantiqiy izchillikda bir-biri bilan sabab-natija munosabatida bog'langan. 4-bandda keltirganimiz fojea yuz bergan holatni hikoya qahramonining mashina benzin bakiga egilgani va marhum atigi 23 yoshda edi propozitsiyalari orqali anglashimiz mumkin. E'tibor bersangiz muallif eksplitsit mazmundan "qochgan" va ifodada implitsit mazmuni tanlagan. Bunday mazmundagi asarlar matni mazmuniy idrok etilishida shaxs referensiyasining ahamiyati yuqori darajada bo'ladi. Keltirilgan tahlilga lingvosinergetik nuqtayi nazardan yondashadigan bo'lsak, simmetriyada assimetriya hodisasini ko'ramiz. Hikoyada keltirilgan gaplar leksik va grammatik jihatdan to'g'ri tuzilgan. Biroq, hikoyaning mazmuni grammatik simmetriyaga assimetrik joylashgan. Hikoyani mutolaa qilgan har bir shaxs o'zi uchun alohida ma'no qirralarini kashf etishi mumkin.

Har bir shaxs axborotni o'z dunyoqarashi, fikrlashi, umumiy bilish fondining boyligidan kelib chiqib analiz-sintez qiladi. Bunday holat bir misrali she'rilar (kishini mushohada qilishga undaydigan qisqa hajmli lirik va epik asarlar) mazmuniy idrokida – har bir individ o'zi uchun alohida ma'no qirralarini kashf qilishida yana ham oydinlashadi. Masalan: *Xotira – eng barqaror haykal. (A.Obidjon)* Xalqimizda yaxshidan bog' qolar, yomondan dog' qolar degan naql bor. Haykal o'z jamiyati uchun juda ham salmoqli (darajasi jihatidan), ulkan ishlarni amalga oshirgan yetuk insonlarga hurmat tariqasida o'rnatiladi. Biroq inson xotirasi borki, u eng barqaror

haykaldan ham umriboqiydir. Aytaylik, yoshi bir joyga borib qolgan va taqdu taqozosi bilan dunyodan o'tgan insonni uning yaqinlari, qo'ni-qo'shni, mahalla-ko'p yaxshi sifatlar bilan, ezgu ishlarini alqab yodga olsa – mana shu eng barqaror haykald bo'ladi. Shoir bir misra she'r yoki tugallangan birgina propozitsiya orqali gapning assimetrik mazmunini ifodalagan.

Inson ongi shu qadar mukammalki, u narsa va hodisalar orasidagi assotsiativ aloqadorliklarni payqay oladi. Biror axborotni tugal ifodalash uchun barcha shakllarni grammatik jihatdan qo'llash shart emas. O'quvchi mazmunni o'z ongida analiz-sintez qiladi va xulosani shakllantiradi. Uning umumiy bilish fondida shaklsiz ham mazmun borligi, mazmun shaklning ostida saqlanishi nisbiyiligi kabi ma'lumotlar saqlanadi.

Biz yuqorida ko'rib o'tgan misollarimizda shakldan ko'ra mazmun yetakchilik qiladi. Tilimizda shunday supersintaktik sath birliklari borki, ulardan faqat bittu konsept ifodalanadi. Ya'ni mazmundan shakl ustun keladi.

Yigit nogiron edi. Sog'lom qizni sevib qoldi. Unga erishish imkonsiz ... Ammo mo'jiza yuz berdi. Qarshisida paydo bo'lgan Xizrni ko'rib, yigit shoshib qoldi.

- Muhabbatinga etasan, bo'tam. Tila tilagingni!

Xizr yigitdan "oyoqlarim yurib ketsin", degan istakni kutgandi. Biroq uning tilidan:

- Suyganim ham yurolmay qolsin, -degan so'zlar uchdi ... (N.Ibrohimova)

Yozuvchi ushbu kichik hajmli matn orqali "hasad" konseptini ifodalagan. Hikoyaning umumiy mazmuniy fonida "hasad" konsepti tasvirlangan. Bunday holat ham lingvosinergetik yondashuv bo'yicha asistemlikni yuzaga keltiradi.

Dovonga chiqish qiyin emas, dovondan tushish qiyin.

To'qqacha chiqayotganingizda kuch-quvvat, shavq-u zavq, hamrohlar ko'p bo'ladi. Tushayotganda kuch kamayib, zavq xiralashib, hamrohlar siyraklashib qoladi ...

Ishonmasangiz, yoshi oltmishdan o'tganlardan so'rang ... (O'.Hoshimov, Daftar hoshiyasidagi bitiklar)

Matnning umumiy mazmuniga e'tibor bersangiz, "umr" konseptini tushunish mumkin. Aslida esa matnda "umr" so'zi umuman qo'llanmagan. Mazkur matnda "umr" konsepti "dovon" ramzi orqali ifodalangan bo'lib, muallifning kognitiv-diskursiv faoliyatida qo'llangan o'xshatish amali matnning metaforik mazmun kasb etishiga olib kelgan. Bunday metaforik o'xshatishlar ham muayyan shakl orqali o'sha shaklning denotativ ma'nosi emas, boshqa bir denotat ifodalashi (pragmatik sinonimiya) ham sistemada xaosni yuzaga keltiradi. Ya'ni shakl mazmunga simmetrik emas. Balki assimetrikdir.

Til ko'pqirrali hodisadir. Uni muayyan andaza, qolipga solib bo'lmaydi. Shuning uchun ham har qanday tadqiqot lisonning bir qirrasini qamrab oladi xolos. Lisonning mukammal tadqiqi hali uzoq yillar davom etadi. Sababi til ulkan xazinadir. Qo'pol o'xshatish bo'lsa ham, tilni quduqqa qiyoslasak bo'ladi, quduqdan qancha suv olsangiz shuncha to'lib-toshib turaveradi. Til yuzasidan qancha ko'p tadqiqotlar amalga oshirilsa, ular bir-birini shunchalik to'ldiradi va mukammal tadqiqot yo'lidagi izlanishlar davom etaveradi ...

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Hakimov M. O'zbek pragmalingsvistikasi asoslari. –T.: Akademnashr, 2013.

2. Nurmonov A. Tanlangan asarlar, I-II-III jildlar. –T.: Akademnashr, 2013.
3. Nurmonov A. Rahimov A. Lingvosinergetikaga kirish. –T.: Akademnashr, 2013.
4. Safarov Sh. Kognitiv tilshunoslik. –Jizzax: Sangzor, 2006.
5. Safarov Sh. Pragmalingvistika. –T.: O‘zME, 2008.
6. Xudoyberganova D. Matnning antropotsentrik tadqiqi. –T.: Fan, 2013.
7. Ahmedova M. Falsafa. –T.: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006.
8. Nurmonov A., Yo‘ldoshev B. Tilshunoslik va tabiiy fanlar. –T.: Sharq, 2001.

BADIY ASARDA VULGARIZMLARNING QO‘LLANILISHI

H. Fozilova (ToshDO‘TAU talabasi)

Insoniyat tarixida adabiyot deb atalmish bir san‘at yaratibdiki, bu san‘atning asosiy ifodasi bo‘lgan so‘zni idrok etish va talqin qilish necha yillardan buyon insonlar tasavvuri va tafakkurini band etib kelmoqda. Shu o‘rinda atoqli o‘zbek adabiyotshunosi Ozod Sharafiddinovning quyidagi satrlari yodga tushadi: *“Rangsiz tasviriy san‘at, ohangsiz musiqa bo‘lmaganidek, tilsiz adabiyot ham bo‘lmaydi. Adabiyotni insonshunoslik deydilar. Darhaqiqat, yozuvchi xilma-xil insoniy xarakterlarni tadqiq qilib, jamiyat rivojiga yordam beradigan salmoqli haqiqatlarni kashf qiladi. Biroq bularning hammasi adabiyotda til orqali yo‘yobga chiqariladi.”*

Badiiy matni lisoniy tahlil qilish jarayonida yozuvchining tildan foydalanish mahoratini namoyish etadigan, emotsional-ekspressiv ifoda semalari shakllantirgan leksik birliklarni aniqlash va ular adibning ifodalamoqchi bo‘lgan maqsadiga qay darajada xizmat qilgani haqida mulohaza yuritish bugungi tilshunoslika badiiy asar tahlilining asosiy vazifalaridan biri hisoblanadi. Darhaqiqat, yozuvchining asardagi obrazlar xarakterini mahorat bilan ochib berishi, milliy va umumxalq tilga bo‘lgan munosabati uning xalq jonli tilidagi boyliklardan, jumladan, xalq maqollari, hikmatli so‘zlar, frazeologizmlar, dialektik unsurlar, vulgarizm, varvarizm hamda neologizmlardan qay darajada foydalana olganligi bilan baholanadi.

Ayrim hollarda badiiy adabiyotda qahramon ruhiyatini ochib berish, o‘quvchi ongiga o‘sha holatni chuqur singdirish uchun yozuvchi turli xil ijobiy va salbiy bo‘yoqdor so‘zlardan foydalanadi. Nutqqa salbiy ta‘sir ko‘rsatadigan til birliklaridan biri vulgarizmlardir.

Tilshunoslikda *vulgarizmlar* deb ataluvchi haqorat so‘zlarida o‘ta salbiy munosabat, kamsitish, mensimaslik kabi bir qator ifoda semalari juda ochiq ko‘rinib turadi. Bunday so‘zlar ko‘proq nominativ ma‘nolariga ko‘ra emas, ayni shu konnotativ ma‘nolariga ko‘ra nutqda yashaydi. Vulgarizmlar badiiy asarlarda, asosan, qahramonlar nutqida ishlatiladi. Lisoniy tahlil jarayonida badiiy asarga olib kirilgan vulgarizmlarni kimning (jinsi, yoshi, ijtimoiy tabaqasi, mavqeyi kabilari) nutqida ishlatilayotganligiga qarab guruhlash, qanday vaziyatlarda va nima sababdan qo‘llanilayotganligini hamda ularning leksik-semantik tarkibi, shevaga xoslanganligi kabilarni aniqlash lozim bo‘ladi. Professor B.O‘rinboyev vulgarizmlarni ma‘no o‘ttenkasi va qo‘llanish doirasiga ko‘ra 3 guruhga bo‘lgan:

• kishilarning xarakteridagi va mijozidagi ojizlikni ifodalovchi vulgarizmlar: tekinxo'r, ayyor, buzuq, noinsof, esipast va hkz.

• kishining tashqi kamchiligini ko'rsatuvchi vulgarizmlar: maymoq ko'ppak, gumbaz, mo'ylov, do'rdoq, qiyshiq va hkz.

• so'kish, koyish ma'nosini ifodalovchi vulgarizmlar: bachchag'ar, ablas yaramas, iblis, la'nati va hkz.

Boshqa bir guruh olimlar esa vulgarizmlarga g'ayriaxloqiy so'zlar sifatida qarab, ularni o'z xarakteriga ko'ra so'kish, haqorat, qarq'ish so'zlariga bo'lganlar.

O'zbek adabiyotining zabardast vakillari Abdulla Qodiriy, Cho'lpon, Fitrat, Usmon Nosir kabi bir qator ijodkorlar o'z asarlarida vulgarizmdan o'z o'rnida foydalanganlar. Jumladan, jadid adabiyotining yirik vakili Abdulla Qodiriy "O'tkan kunlar" romanida xalq tomonidan Azizbekka nisbatan "do'ng'uz", "it" kabi yoki Usta Alim va Usta Farfi tomonidan Sodiqqa bo'lgan nafratni ifodalash uchun "padarla'nati", "badbaxt", "kofir", "imonsiz", "to'ng'iz" kabi vulgarizmlarni qo'llash orqali salbiy ma'noni ifodalagan. "Bu bir it!" dedi Usta Farfi. — Tomdagi luqmani o'zi ham yeyolmaydir, boshqag'a ham yedirmaydir, nax itning o'zi!" (A Qodiriy) Ushbu keltirilgan parchadan ko'rinib turibdiki, Usta Farfining Sodiqqa bo'lgan bot nafrati uning tiliga ko'chib namoyon bo'lgan. Bundan tashqari Mirzakarim qutidor va O'ftoboyimlarning o'z qizining boshiga tushgan ishlarda Otabekni aybdor deb xato o'ylaganlari orqasidan uni "makkor", "insofsiz", "yaxshiligni bilmagan haromzoda" deya so'kishlari ham ularning ichki ruhiyatidagi g'azabni ifodalab bergan.

Abdulla Qodiriyning yana bir asari "Mehrobdan chayon" romanida ham vulgarizm unsurlarini yaqqol ko'rish mumkin. Masalan, Qobilboyning buxorolik do'stlari Rahim, Shariflar tilidan ishlatilgan "pala'nat" so'zi ularning nutqidagi qo'pollik, to'porilikni ko'rsatib bergan. Lekin bundagi konnotativ ma'no kuchli haqoratni ifodalamaydi, balki qahramonlar nutqida odatiy tusga kirib qolgan so'zni anglatadi. Asarda Xudoyorxonning Anvarga nisbatan salbiy munosabatini ifodlash uchun uning tilidan "it uvli" so'zi ishlatiladi. Bunda o'ta kuchli haqorat o'z ifodasini topgan.

Oybekning "Qutlug' qon" romanida Mirzakarimboy Yo'lchini "haromi", "nonko'r", "nodon", "juvonmarg bo'l" kabi so'zlar bilan haqoratlaydi. Yo'lchi esa boyga qarata "Bundan ko'ra go'ng titganing yaxshi emasmi, keksa tovuq!", deya javob qaytaradi. Bu bilan u Mirzakarimboyning naqadar razil, nokas tabiati va uning hayvon darajasidagi kabi illatlariga bo'lgan chuqur nafratini ifoda etgan.

Adabiyotning yana bir yorqin vakili Cho'lponning "Kecha va kunduz" romanida ham vulgarizmlar talaygina qo'llangan. Jumladan, savodsiz, amalparast Akbarali mingboshi Zebini "sintaloqdi qizi", yoki umri davomida Eshonning so'zinigina to'g'ri deb bilgan johil Razzoq so'fi mazlumgina xotini Qurvonbibini "badbaxt fitna" deya chaqirishi orqali ularning xarakteridagi nuqsonlar ham yaqqol ko'rinadi. Asarda Eshon va uning muridlari Razzoq so'fini "badbaxt", "kofir", "nasora", "mardud" deya haqoratlaydi. Bu obrazlarning salbiyligini ifodalash uchun muallif personaj xarakteridagi odob-axloq me'yorlariga zid jihatlarni tasvirlaydi va personajni qo'pol so'zlatish orqali o'z maqsadiga erishadi.

Vulgarizmlar nafaqat nasriy asarlarda, balki, lirik asarlarda ham keng qo'llaniladi. Misol uchun, atoqli o'zbek shoiri G'afur G'ulomning "Sen yetim emassan" she'riga e'tibor beraylik:

"Yovvoyi maxluqlar,

Qonxo'r vahshiylar...",

"Sut ko'r qilgur, haromi

Gitler oqpadar

Farzandning qadrini

Qayerdan bilsin?

Bir qo'ng'iz mo'ylovli,

Baroq soch mal'un..."

Bilamizki, ikkinchi jahon urushi millionlab oilalarning boshiga og'ir kulfatlar solib, yostug'ini quritgan. Shoir bu she'ri orqali minglab bolalarning yetim qolishiga sabab bo'lgan urushga boshchilik qilgan zolim Gitlerga nisbatan butun insoniyatning cheksiz nafratini ifoda etgan.

Jadid adabiyotining yana bir yirik namoyandasi Abdurauf Fitratning "Mirrix yulduziga" she'rida qo'llangan vulgarizmlar orqali yurt tinchligiga raxna solgan bosqinchilarga bo'lgan salbiy munosabatni, ya'ni kuchli g'azab va nafratni ko'rish mumkin.

"Bormi senda bizim kabi insonlar,

Ikki yuzli ishbuzarlar, shaytonlar.

O'rtoq qonin qonmay ichgan zuluklar,

Qardosh etin to'ymay yegan qoplolar?"

Bundan ko'rinib turibdiki, bunday vulgar so'z va iboralarda shu so'zلامي qo'llovchi qahramonning ichki hayajoni, ruhiy holati, g'azab va nafrati kuchli aks etgan bo'ladi.

Badiiy adabiyotda vulgarizmlardan nafaqat salbiy munosabat ifodalashda, balki, komik effekt hosil qilishda ham foydalaniladi. Ba'zan muallif qahramon xarakterini individuallashtirish, uning o'ziga xos qiyofasini ochish maqsadida turli jinsdagi personajlar nutqiga mansub bo'lgan til birliklarini almashtirib qo'llaydi. Bunday vaziyatlarda vulgar so'zlardan foydalanish yaxshi samara beradi. Masalan, Cho'lponning "Kecha va kunduz" romanidagi Razzoq so'fining quyidagi nutqiga e'tibor qilaylik: "Qizim, meni munaqa sharmanda qiladigan bo'lsang, ilohim bo'yingning tagingda qolsin. Murodingga yetmagin..." yoki "Hovling boshingda qolsin, fitna". Razzoq so'fi nutqidagi "hovling boshingda qolsin", "ilohim bo'yingning tagingda qolsin" kabi verbal birliklar ayollar nutqiga yaqin turadi. Bunday usul bilan yozuvchi yumoristik va satirik sahnani vujudga keltiryapti.

Umuman olganda, badiiy asarlarda bunday vulgarizmlar biror bir uslubiy maqsadda qo'llaniladi. Bunday so'zlar qahramonlar fe'l-atvori, saviyasini, ayni bir vaqtdagi psixik holatini ochib berish uchun xizmat qiladi. Shu bois, vulgarizmlar badiiy nutqda yozuvchining mahorati bilan o'ziga xos estetik vazifani bajaradigan vositaga aylangan. Bugungi kunda badiiy asarlarni tahlil qilishda bu mavzuning ham o'z ahamiyati mavjud. Agar yozuvchi o'z asarlarida kerakli o'rinda vulgarizmlarning o'rniga boshqa so'zlardan foydalanadigan bo'lsa, o'sha holatni ifodalagan ma'no xiralashishi mumkin. Ya'ni, boshqa so'zlarning qo'llanishi orqali asl ma'no yaqqol

ochilmaydi. Badiiy asarlardagi bunday vulgarizmlar ana shu badiiy matn shakllantiruvchi asosiy vosita va komponentlardan biri hisoblanadi. Animo tilshunoslikda vulgarizm deb nomlangan bunday soʻzlar va iboralardan foydalanish ularni ogʻzaki nutqqa kiritish soʻzlarining tilning jozibasiga, qadr-qimmatiga jiddiy zarar yetkazibgina qolmay, jamiyat maʼnaviy-axloqiy qarashlarini izdan chiqarishi mumkin. Shu boisdan, tilshunoslikning bunday lugʻaviy unsurlaridan oʻrinli kelgandagina foydalanish maqsadga muvofiq. Bu ona tilning oʻziga xos xususiyat, chiroyini oʻz holicha saqlab qolishga yana bir koʻmak boʻladi. Zero, ming yillik anʼanalar ham shuni koʻrsatadiki, xalq maʼnaviyatining yuksakligi, eng avvalo, uning tilining sofli va goʻzalligi bilan belgilanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abidova. Badiiy matnda varvarizm va vulgarizmlar lingvopoetikasi.
2. Yoʻldoshev B., Qurbonov T. Badiiy asar tili va uslubi va masalalari Samarqand. 2006
3. Yoʻldoshev M. Badiiy matnning lisoniy tahlili.–Toshkent. 2008
4. Qodiriy A. Oʻtkan kunlar.//Toshkent. Adabiyot va sanʼat nashriyoti. 1994
5. Choʻlpon. Kecha va kunduz.//Toshkent. Sharq nashriyoti. 2018

“DEVONU LUGʻATIT-TURK”DA AYRIM MAQOLLARNING IFODALANISHI

E. Roʻziyev (*Termiz davlat universiteti talabasi*)

Mahmud Qoshgʻariyning “Devonu lugʻati-t-turk” asari boʻyicha, 2011-yil maʼlumotlariga koʻra, 1779 dan ortiq [1.5-b.1] turli aspektlarda ilmiy ishlar amalga oshirilgan. “Devonu lugʻatit-turk”da aks etgan yirik maʼlumotlar asarga qayta-qayta murojaat etishni talab etadi.

Maʼlumki, asarda berilgan turkiy soʻzlarning maʼnosini ochib berish uchun maqollar, sheʼriy parchalardan foydalanilgan. Berilgan soʻzlarning isboti sifatida qoʻllanilgan maqollarning umumiy soni uch yuzdan ortiq boʻlib, ular borasida Oʻzbekistonda K.Bakirov, Oʻ.Lapasov, Sh.Mahmadiyev va boshqalar, xorijda, A.Alniazov, G.Guzuchiyeva, X.Abdullayev, A.Alnichov, J.Alashbayeva, A.Öztürk, R.Zeynalov kabilar oʻz ishlarida folklor, lingvistik tomondan oʻrganganlar[1. 28-b].

Qoraxoniylar davri yodgorliklaridan boʻlgan, maʼlum davr jihatlari bilan farqlanadigan uch yirik asar: “Devonu lugʻatit turk”, “Qutadgʻu bilig”, “Hibat ul-haqoyiq”da ifodalangan maqolarning mazmuniy yaqinligi, shakliy koʻrinishi bilan farqlanishini koʻrishimiz mumkin. Professor B.Toʻxliyev “Devonu lugʻatit turk”dagi “Erdam bashi til” (odobning boshi til) maqolidan Yusuf Xos Hojib “Qutadgʻu bilig”da ijodiy foydalanilganligini qayd etgan [2, 425-b]. Shuningdek “Hibat ul-haqoyiq”da ham bu maqol oʻzgarishga uchragan holda qoʻllanilgan. Bundan shu anglash mumkinki, oʻsha davrda matnning taʼsirchanligini oshirishda maqollardan foydalanishning ahamiyati yuqori boʻlgan.

“Devonu lugʻotit turk” boʻyicha tuzilgan indeks-lugʻatda maqollar vatanparvarlik, mehnat, doʻstlik, donolik va nodonlik, odob va tarbiya va birqancha boshqa semantik guruhlarga ajratib koʻrsatilgan [3.-b.259-541]. Asardagi

maqollarning hozirgi tilimizdagi va boshqa tillardagi ma'nolarini ifodalashga imkoniyat berish-qiyosiy o'rganishning dastlabki bosqichi uchun muhimdir. Asardagi maqollarning ba'zilari bugungi kunimizda ishlatilmasligini, ayrimlarining esa biroq o'zgargan holatda yetib kelganligini kuzatishimiz mumkin. Buni "Devonu lug'atit turk"ning professor Q.Sodiqov (2017, Toshkent), professor Basim Atalay (1985, Anqara), M.Avezova (2005, Almati) nashrlarida berilgan asardagi maqollarning ayrimlarini o'zbek, turk va rus tillaridagi tarjimalari asosida ma'no mohiyatining qanchalik darajada ochib berilganini qiyosan o'rganishga harakat qilamiz:

1. Tağ tağqa qavuşmas, kişi kişikā qavuşur [1. 238-b] – Bu maqol bugungi kunimizdagi "Tog' tog' bilan uchrashmaydi, odam odam bilan uchrashadi" maqoliga mutanosibdir.

Turk tilida: dağ dağa kavuşmaz, insan insana kavuşur [2. 145-b].

Rus tilidagi: гора с горой не сходится, а человек с человеком сойдётся [3.452-b].

2. İm bilsā, er ölmās – im ya'ni yashirin belgi. Im bilsa, er o'lmaydi (kishi yashirin belgini bilsa nohaq o'lmaydi)

Turkiy xalqlarda shoh askarlari janglarda ma'lum kod (parol)lardan foydalangan. Belgi biror qush yoki predmet nomi bo'lgan. Ular shu imlar orqali bir-birlarini tushunganlar.

Turk tilida : Belgeyi bilen adam ölmez (Parolayı bilen adam ölmez) [2. 125-b].

Rus tilida: Зная пароль человек не погибнет (по ошибки от рук того кто его знает)

3. Beş erinäk tüz ermās- besh qo'l barobar emas. Bu maqoldan hozirgi kunimizda ham unimli foydalaniladi. Ma'no o'zgarimasdan hozirgacha saqlanib qolgan. Hayotda turli odamlar uchrashi, bir kishini ko'rib barcha uchun xulosa chiqarmaslik kerakligini uqtirish uchun ushbu maqol qo'llanilgan.

Turk tilida: Beş parmak düz olmaz [2. 124-b].

Rus tilida: пять пальцев не равны, не одинаковы [3. 342-b].

4. Emgāk ekindā qalmas – mehnat bekorga ketmaydi.

Bugungi kundagi "mehnat, mehnatning tagi rohat" maqoliga mosdir. Qadimdan turkiy xalqlar mehnatni ulug'lab, uning inson tarbiyasida asosiy vosita ekanligini ta'kidlab kelganlar. Mehnat qilib, el orasida obro' topayotganlarga nisbatan yuqoridagi maqolni qo'llaganlar.

Turk tilida: Sıkıntı sırta kalmaz [2. 124-b].

Rus tili: Труд приносит удовольствие [3.451-b]

5. Öd keçar, kişi tuymas, yalınğū qalmas- Zamon o'tadi, inson bu dunyoda mangu qolmas, biroq hayotdan to'ymas

Aslida dunyoning foniyligi, inson umrining qisqaligi qayd etilgan ushbu maqol, hayotning qonuniyatlarini bilishga, undan ibrat olib, umrning bekor, behuda o'tib ketmasligini esda saqlashga qaratilgan.

Turk tilida: Zaman geçer insan duymaz, insan oğlu ebedi kalmaz [2. 124-b]

Rus tilida: Время идет, и человек его не замечает. Но потомки Адама не живут вечною [3. 433-b]

6. Etili tirinçaqlı eđimās – etni tirmoqdan ajratib bo'lmas. Yaqin kishilar bir-birlaridan ajralmaydilar, xudduki, et bilan tirmoqni ajratib bo'lmas degan ma'no

mujassamdir. Turkiy xalqlarda o‘zaro birdamlik, qarindosh urug‘lar orasida ittifoqchilik aloqalari kuchli bo‘lgan. Agarda ular orasida ko‘ngilsizlik sodir bo‘lsa, tezda yarashib ketishiga ishonib shu maqolni qo‘llaganlar.

Turk tilida: et tirnaktan ayrilmaz [2. 132-b]

Rus tilida: мясо от ногтя не отделить или ребёнка нельзя разлучить с родителями [3.414-b].

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, asardagi maqollar bugungi kunda shakl jihatidan o‘zgarsada, ma‘no jihatidan qo‘llanib kelinmoqda. Asardagi maqollarni shu asosda o‘rganish til boyligimizni, qadimgi turkiy tilni yanada yaxshiroq o‘rganish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mahmud Qoshg‘ariy “Devonu lug‘ati- turk”. Qosimjon Sodiqov nashri. –T.: G‘. G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017.

2. Divanü lugat-it-türk tercümesi. Çeviren Basim Atalay.-Ankara:Türk Tarih Kurumu Basimevi,1985.

3. Махмуд ал-Кашгари. Диван лугат ат-турк. Перевод, предисловие Ауазова З. – Алматы, Дайк-Пресс,2005.

O‘ZBEK TILIDA GUL NOMINI IFODALOVCHI LEKSEMALAR

M.Suyunova (Termiz davlat universiteti talabasi)

Hayotimizni tabiatsiz, o‘simliklar dunyosiz tasavvur qilish qiyin. Tabiat mo‘jizasi hisoblangan gullar qadim davrlardan buyon insonga xushkayfiyat bag‘ishlab, uning hayotini go‘zalikka oshno qilib kelgan. Xalqimiz qadimdan gullarni, go‘zallikni sevuvchi qalb egasi bo‘lishgan. Turkiy xalqlar tilida gullarning chechak nomi bilan ming yillardan buyon atalib kelinayotganligi buning yaqqol misolidir. Masalan, Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘otit turk” asarida *chechak*, *chechaklik*, *chechaklanur*, *chechaklanmak* kabi so‘zlar qayd etilgan. Shuningdek, qipchoq tili lug‘atida, Alisher Navoiy asarlarida ham chechak ko‘rinishida uchraydi O‘sha davrda ham gullarning turlari va nomlari xilma-xil bo‘lib, biz ularni bir qator asarlarimizda uchratishimiz mumkin. Masalan, Yusuf Xos Hojib-ning “Qutadg‘u bilig” asarida *qaranful so‘zi* chinnigulni ifodalovchi so‘z sifatida qo‘llanilgan:

Saba yeli qo‘pti qaranful yidin,

Ajum barcha butru yipar burdi kin. [1. 54-b]

Shuningdek, Alisher Navoiyning bir qator asarlarida *nastarin*, *ra‘no* (“Majolis un-nafois”), *gulbun*, *yosuman* (“Muhokamat ul-lug‘atayn”), *sanavbar* (“Layli va Majnun”), *binafsha*, *lola*, *muasfar*, *nasrin* kabi gullarning nomini uchratishimiz mumkin:

Sabz xato, zi mushki tar g‘oliya bar saman mazan,

Sumbuli tobdodaro bar guli nastaran mazan. [2. 88-b]

Yoki:

Bog‘i husnungkim gul ochti rang-rang, ey mug‘bacha,

Go‘yi ichting mayg‘a bargi lola-u nasrin solib. [3. 146-b]

Bugungi kunda gullarning turlari yanada ko‘payib, lotincha nom bilan tilimizga kirib kela boshladi. Hozir dunyoda gullarning 1000 dan ortiq turi mavjud bo‘lib, bir

qancha turlari O'zbekistonda ham yetishtirilib, o'zbek xonadonlari ko'rkini bezashga xizmat qilmoqda. O'zbek tilshunosligida o'simliklar "fitonimlar" nomi ostida tadqiq etilgan bo'lsa-da, gullar nomi maxsus o'rganilmagan. Gullar bilan kirib kelayotgan lotincha nomlar xalqimizga notanish bo'lganligi, talaffuzda qiyinchilik tug'dirganligi sababli yangi o'zbekona nomlar bilan atash odat tusiga kirib bormoqda.

Gullarning tashqi ko'rinishi, rangi, o'sadigan joyi, gullash vaqti, gul bilan bog'liq turli xil qarashlar ularning nomlanishiga asos bo'lib xizmat qilgan. Shunga ko'ra, ularni quyidagi guruhlariga ajratib tasnif qilish mumkin:

1. **Joy nomlari asosida nomlanuvchi gullar:**

- a) shahar nomlari bilan bog'liq: *qo'qongul*;
- b) davlat nomlari bilan bog'liq: *xitoy atirguli, damashq atirguli, yapon sakurasi, florida, misr tikani (arab akatsiyasi)*.

2. **Vaqtini ifodalovchi so'zlar asosida shakllangan gul nomlari:**
namozshomgul, tun qiroli (lota), tungi malika (kaktusning bir turi), kasimpat (turkcha - noyabr guli);

3. **Gullarning tashqi ko'rinishiga ko'ra nomlanishi:**

- a) rang bilan bog'liq: *qizg'aldoq, binafsha, oq gul (akatsiya), arvoq orxideyasi (arvoqdek oppoq bo'lganligi sababli shunday nomlangan), oqqanot (kalaning bir turi);*

- b) hid bilan bog'liq: *atirgul*;

- c) Ildizi yoki urug'ining ko'rinishi nomi bilan ataladigan gullar: *kartoshkagul (georgina), piyozgul (liliya), loviyagul;*

- d) narsa-buyumlar nomi bilan ataluvchi gullar: *qoshiqgul, gilamgul, marvaridgul, tugmachagul, qo'ng'iroq gul, sallagul;*

- e) gul barglarining turli ko'rinishlari nomi bilan ataluvchi gullar: *kiyikgul, tol guli (oleander), ilongul (gladiolus);*

- f) cho'lga'us-bob nomlari bilan ataluvchi gullar: *karnaygul, surnaygul;*

- g) tana-a'zolaming nomi bilan ataluvchi gullar: *tirnoqgul, bo'takoz, parchalangan yu-rak (ditsentra);*

- h) hayvonlar nomi bilan ataluvchi gullar: *kuchukgul, ayiqpanja, bo'ritarol (gibiskus);*

- i) parrandalar nomi bilan ataluvchi gullar: *gultojixo'roz, jannatqush, to'tiqush tum-shug'i;*

- j) hasharot nomi bilan ataluvchi gullar: *kapatakgul.*

4. **Shaxs nomlari bilan bog'liq gul nomlari:** *prezident gul, benjamin fikusi (begoniya , gardeniya, gortenziya, giasint, payg'ambar Ali;*

5. **Omad, baxt tushunchalarini ifodalovchi gul nomlari:** *ayol baxti (spatifillum), erkaklar baxti (anturium), niyatgul (siren), oila baxti (xlороfitum), baxt guli (krasula);*

6. **Pul bilan bog'liq gul nomlari:** *dollar gul (tolstyanka).*

O'zbek tilidagi gul nomlarini o'z va o'zlashma holatiga ko'ra quyidagicha tasniflash mumkin:

- a) sof turkiy tildagi gul nomlari: *qoshiqgul, tugmachagul, qo'ng'iroqgul;*
- b) arab tilidan o'zlashgan gul nomlari: *gulxayri, ra'no, sunbul;*

- c) fors-tojik tilidan o'zlashgan gul nomlari: *nastarin, gulsafsar, yosuman, nafarmon, dastorgul, nasrin*;
- d) rus tilidan o'zlashgan gul nomlari: *romashka, gvozdika, vasilyok*;
- e) lotin tilidan o'zlashgan gul nomlari: *kalanxoye, kalendula, geran, gladiolus, kala va boshqalar*.

Chetdan kirib kelayotgan gullar xalqimiz orasida shu kungacha turli nom bilan yuritilib kelinmoqda. Masalan, *oleander guli* xalq orasida *zahargul, sambitgul* yoki *tol guli* deb nomlanadi. Bunday nomlanishiga, albatta, sabablar bor. Ayrim yerlarda uning barglari tolnikiga o'xshaganligi uchun *tol guli* deyilsa, ba'zi joylarda esa uning oq sutga o'xshash suyuqligi o'ta zaharli bo'lganligi sababli *zahargul* nomi kelib chiqqan. Yoki hozirgi kunda barcha xonadonlarda uchraydigan gibiskus *guli* xalq orasida *xitoy atirguli* deb nomlanishi barchaga ma'lum. Lekin ayrim joylarda uning barglari tut bargiga o'xshaganligi tufayli *tut guli* deb ham nomlanadi. Xalq orasida bir gulning bir necha nom bilan atalishi esa turli chalkashliklarni yuzaga chiqaradi. Shu jihatdan, bugungi kunda gullar bo'yicha maxsus lug'at tuzish, har bir gul uchun xalqimiz bergan nomlar asosida qat'iy bir nom tanlab olish, barcha uchun umumqo'llanishga ega bo'lgan so'zlarni topish, tilimizdagi gullar nomi bilan bog'liq leksemalar tizimini tartibga solish tilshunosligimizdagi zarur ishlardan hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig. – T., 2014.
2. Navoiy, Alisher. Mukammal asarlar to'plami. 15-jild. T.: Fan, 1992.
3. Navoiy, Alisher. Mukammal asarlar to'plami. 9-tom. T.: Fan, 1992.

MUNDARIJA

Сирожиддинов Ш. Таълимдаги ислохотлар – келажагимиз гарови.....	3
Аширбоев С. Саидзода Усмонов ва Иристой Қўчқортоев илмий мактаблари.....	6
Дадабоев Ҳ. “Соҳибкирон саркардалари” лугатининг тузилиш принциплари.....	10
Собиров А., Азимов И. Тил тараққиёти миллат тафаккурининг ифодаси демакдир.....	14
Хусанов Н. Навоий – буюк ижодкор ва иқтисодчи олим.....	17
Öz Özcan A. Bilim Babam İristay Kuçkartayev.....	21
Gümüş M. Türkçe ile Kırgızcada Benzetme Edatı ve Benzetmeler.....	24
Öz Özcan A. Prof. Dr. İristay Kuçkartayev Hayatı ve Eserleri.....	40
Эназаров Т., Султонова З. Айюб Ғуломовнинг ўзбек тилшунослиги илмий мактаби.....	47
Холманова З. Жуфт сўзлар талқини ёхуд Шавкат Раҳматуллиннинг бир тадқиқоти хусусида.....	52
Voboyorov O'. Til taraqqiyotidagi beqiyos hissa.....	55
Эназаров Т., Ҳайитов Ҳ. Ёқуб Ғуломов – Тошкент шаҳри шеъаси тадқиқотчиси.....	58
Abdiyev M., Mansurova D. O'quvchilar ijodiy tafakkurini rivojlantirishda bayonlig o' mi.....	60
Эшбек Т. Ижод ва лисоний мерос – мангу хазина.....	62
Абдиев М., Раҳмонов С. Самарқанд тумани ўғуз лаҳжасига доир.....	64
Абдурахмонова М. Ўзбек ва турк тилларидаги от категориялари хусусида.....	66
Чиникулов Н. Қадимги ёзма манбаларда ва ўзбек шеваларида сақланган айрим сўзлар хусусида.....	71
Ҳакимова М. Вақтни мавҳум предмет сифатида ифодаловчи отлар.....	73
Қабулжонова Г. “Qutadg‘u bilig” asarida qo‘llangan sinonim va antonim so‘zlarning uslubiy xususiyatlari.....	76
Бозорова С., Бозорова И. Oila konseptli o‘zbek va turk maqollari tahlili... ..	78
Komilova G. Aksiologik leksikaning frazeologizmlarda aks etishi.....	81
Қобилова Н. Сурхондарё шеваларининг замонавий ўзбек адабиётида воқеланиши.....	84
Қобулова Д. Матн таҳлили.....	86
Холмурадова М. «Кутадғу билиг»даги шева сўзларининг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати.....	90
Эшмўминов А. Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида синонимлар тавсифи ва талқини.....	92
Ҳандашова Т. Turli til aspektlarida “go‘zallik” konseptining voqelanishi... ..	94
Эназаров Т., Хусанова М. Дигнитонимларнинг ўрганилиши.....	97
Ҳайитов Ҳ. “Алпомиш” ги антропонимлар – лисоний меросимизнинг бир қисми.....	101
Xasanova A. Gazeta sarlavhalarining funksional-semantik tahlili.....	104

Saidova F. Mustaqillik yillarida o'zbek tilshunosligi Terminologiyasidagi nafaol terminlar xususida.....	107
Suyunova D. Alisher Navoiyning "Farhod va Shirin" dostonidagi kosmonimik nomlar tahlili.....	110
Rahmatova M. Jumabozor qishlog'i shevasida kelishik qo'shimchalarining qo'llanilishi.....	112
Matkarimova K. O'g'uz lahjasining ba'zi xususiyatlari.....	113
Примов А. «Зафарнома» асари таржимасидаги айрим лексемалар ва уларнинг hozirgi ўzbek tiliга munosabati haqida.....	116
Бозорова С., Бозорова И. O'zbek va turk maqollarida oilaviy munosabatlarning ifodalanishi.....	119
Ходжиев Ю. Маъnaviyatga oid айрим сўzлар тахлили.....	121
Холмуродов И. Жанубий Қорақалпоғистондаги этник белги асосида яратилган жой номлари хусусида.....	124
Qodirova X. Xorazm shevalarida ayrim diniy laqablar.....	127
Xudayqulova Sh. O'zbek tilidagi ba'zi aksiologik frazeologizmlarning qiyosiy tahlili.....	129
Абдуллаева Р. Ўzbek va ingliz tiliда meхnatsevarlik хусусиятининг ifodalaniши билан боғлиқ айрим мулоҳазалар.....	133
Махмудова М. O'zbek diplomatiyasiga xos qisqartmalar xususida.....	135
Nurimova D. "Shaytanat" asarida qo'llangan ismlarning lingvopoetik xususiyatlari.....	138
Махаммаджонов N. Shakl va mazmunda assimetriya.....	140
Fozilova H. Badiiy asarlarda vulgarizmlarning qo'llanilishi.....	143
Ro'ziyev E. "Devonu lug'atit-turk"da ayrim maqollarning ifodalanishi.....	146
Suyunova M. O'zbek tilida gul nomini ifodalovchi leksemalar.....	148

Adadi 100 nusxa. 9,5 b/t. Bichimi 60x84 ¹/₁₆
«Times New Roman» garniturasida. Ofset usulida bosildi.
«Print 25» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent Yunusobod 13. 49A.